

Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari  
xalqimizga xizmat qilishi kerak.

Shavkat MIRZIYOYEV

# DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

4(104) – 2024

■ DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

■ ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

Ilmiy-ma'rifiy jurnal – Scientific and educational journal – Научно-просветительский журнал



*Konstitutsiya – erkin va farovon hayot garovi!*



Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

ISSN: 2181-6409



## INSON HUQUQLARI BO'YICHA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MARKAZIDA "INSON HUQUQLARI UYI" FAOLIYAT BOSHLAGI



# DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

4 (104) – 2024

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

## Tahrir kengashi raisi:

Akmal SAIDOV

## Bosh muharrir:

Erkin ERNAZAROV

## Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:

Tanzila NORBOYEVA

(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV

(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE

(Rossiya Federatsiyasi)

Yoh MATSUO

(Yaponiya)

Uilyam BATLER

(AQSH)

Nura bint ZAID AL-RASHUD

(Saudiya Arabistoni Podshohligi)

Tadeush BODIO

(Polsha)

Reyn MULLERSON

(Estoniya)

Gabor HAMZA

(Vengriya)

Tatyana MOSKALKOVA

(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV

(Qozog'iston)

Taliya XABRIYEVA

(Rossiya Federatsiyasi)

## Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatillo TILLABAYEV – yuridik fanlar doktori, professor.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar doktori, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV – yuridik fanlar doktori, professor.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik fanlar doktori, professor.

Murodjon TURG'UNOV – yuridik fanlar doktori.

## Bosh muharrir o'rinbosari:

Azizbek RAMAZONOV

## Mas'ul kotib:

Azamat JUMANIYAZOV

## TAHRIR HAY'ATIDAN

O'zbekistonning besh ustuni ..... 2

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASINING 32 YILLIGI

O'tkir Ochilov. Konstitutsiya va qonunlarga muqaddima zarurligining nazariy asoslari ..... 4

Abbos Payziyev. Konstitutsiya – yoshlar huquqlarini ta'minlashning mustahkam kafolati ..... 10

## TADQIQOT VA TAQRIZ

Akmal Saidov. Jadidlarning davlat va huquq haqidagi qarashlari ..... 13

## JAMIYAT VA HUQUQ

Ibrohim G'afurov: "Islohotlardan maqsad – inson, uning qadr-qimmati va huquqlarini ulug'lashdir" (intervyu) ..... 18

Iltom Turg'unov. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining shakllanishi va faoliyatining huquqiy asoslari ..... 22

Omon Oqyulov. O'zbekiston Respublikasi xususiy huquqiy maydonida xorijiy huquqiy resurslarni tartibga solish mexanizmi zarurati va mohiyati ..... 31

## INSON VA QONUN

Akrom Saidov. Penologiya tushunchasi va jazoni ijro etish tizimi rivojlanishining istiqbollari ..... 39

Sardor Tursunboyev. Prokuratura organlari tizimida tergov tuzilmalari faoliyatining tashkiliy-huquqiy asoslari samaradorligini oshirish masalalari ..... 45

## XALQARO HUQUQ VA O'ZBEKISTON TAJRIBASI

Umidjon Abdubannayev. Axborot makonida inson huquqlarini ta'minlashning xalqaro-huquqiy asoslari ..... 49

Lola Rahimqulova. Jamoaviy mehnat nizolarining yuzaga kelish sabablari va tasnifi ..... 55

Shaxnoza Ganibayeva. Bola huquqlarini ta'minlashning mintaqaviy va maxsus asoslarini tatbiq etishning nazariy hamda amaliy muammolari ..... 59

Komron Nigmatov. Transmilliy korporatsiyalar ijtimoiy javobgarligi konsepsiyasining tarkibiy qismlari va ularning yuridik tabiati ..... 65

Nurjov Melikulov. Migratsiya jarayonlarining globallashuvi ..... 70

## TARIX SAHIFALARIDA

Nilufar Mansurova. Faxruddin O'zgandiyning "Fatavo Qozixon" asarida ayollar huquqlari ..... 73

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR ..... 78

## MUASSIS:



INSON HUQUQLARI  
BO'YICHA O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY MARKAZI

## HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON  
KASABA UYUSHMALARI  
FEDERATSIYASI



OLYI MAJLISNING  
INSON HUQUQLARI  
BO'YICHA VAKILI  
(OMBUDSMAN)

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕШ УСТУНИ

Давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Асосий қонунимиз – янги таҳрирдаги Конституциямиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларини янада такомиллаштириш, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун мустаҳкам қонуний замин яратишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди”<sup>1</sup>.

Биз 37 миллионлик катта халқ эканимиз билан фахрлана оламиз. Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли сони бўйича жаҳондаги энг йирик 40 та давлатдан бири ҳисобланади. Сўнгги 7 йилда Ўзбекистон ташаббуслари асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 10 дан зиёд, жумладан, жорий йилда 4 та махсус резолюция қабул қилинди.

Асосий қонунимизда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, инсон қадрлари, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби эзгу ғоялар ҳаётимизда ўз ифодасини топомқда. Ҳаётга изчил тадқиқ этилаётган кенг қўламли чуқур ислохотларимизнинг руҳи ва мазмуни “Инсон қадрлари учун, эл-юрт бахти учун!” эзгу ғояларига асосланган. Жорий йилнинг сентябрь ойидан пенсия ва нафақалар миқдори, октябрь ойидан эса бюджет ходимлари, шифокорлар ва педагоглар маоши оширилди.

Миллий иқтисодиётимиз кўрсаткичлари ҳам муттасил юқорилаб бормоқда. 2023 йил якунига қўра мамлакатимиздаги ялпи ички маҳсулот ҳажми биринчи мартаба 100 миллиард АҚШ долларида юқори бўлган эди. Бу йил эса ушбу кўр-

саткич ўтган йилгига нисбатан 5 фоизга ортиши кутилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида фаол қатнашиб, маҳаллалар ҳамда ижтимоий объектларни молиялаштиришни мустақил ҳал этмоқда. Ўтган даврда юртдошларимиз маъқуллаган 13 мингдан ортиқ лойиҳалар учун 11 триллион сўм маблағ ажратилди<sup>2</sup>.

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий бешта устувор йўналиши – сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш, бизнесни ривожлантириш, коррупциядан холи, адолатли суд тизимини яратиш, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлаш вазибалари ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳудудлардаги вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ушбу сайловлар янги таҳрирдаги Конституциямиз белгилаб берган ижтимоий-сиёсий муҳитда, ривожланган давлатлардаги каби илк бор аралаш – мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида бўлиб ўтди.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги демократик муҳитга янги қувват бағишлагани сайловолди ташвиқоти давомида яққол намоён бўлди. Сайловларни 65 мингдан зиёд маҳаллий кузатувчилар, 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар кузатиб борди, 1 000 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари кенг ёритишда иштирок этди.

Пропорционал сайлов тизими бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 26 та, “Миллий тикланиш” демократик партияси – 14 та, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон халқига байрам табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/6917>.

<sup>2</sup> Қаранг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/7519>.

Экологик партияси – 10 та, Халқ демократик партияси – 13 та, “Адолат” социал-демократик партияси – 12 та депутатлик ўрнига эга бўлди.

Мажоритар тизим бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 38 нафар, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан – 15 нафар, Ўзбекистон Экологик партиясидан – 6 нафар, Халқ демократик партиясидан – 7 нафар, “Адолат” социал-демократик партиясидан – 9 нафар депутат сайланди.

Сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб, бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич бўлди.

Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига кўра, парламент қуйи палатаси таркиби қарийб 60 фоизга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов натижаларига кўра, маҳаллий Кенгашлар таркиби 59,2 фоизга янгиланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётнинг

турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва бу борада эришилаётган натижаларни мустаҳкамлашда янги таҳрирдаги Конституциянинг ўрни ҳамда аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Асосий қонунимиз жамиятда адолат ва қонун устуворлигининг кафолати, халқ ҳокимиятчилиги, инсон қадрли, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва миллатлараро ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўттиз икки йиллиги юксак савияда нишонланмоқда. “Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” шиори билан маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Албатта, Конституция – давлатимиз ривожланиши, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигининг энг асосий кафолати. Унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, шу орқали жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳар бир инсоннинг фуқаролик масъулиятини кучайтиришга ва мамлакатимизда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.



## КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРГА МУҚАДДИМА ЗАРУРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.011



**Ўткир ОЧИЛОВ,**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Аннотация.** Мақолада Конституция ва қонунлар муқаддимасининг аҳамияти, функциялари, рамзий хусусияти ва юридик техника воситаси сифатидаги зарурати муҳокама қилинган. Муқаддиманинг қонун мақсадини фуқароларга тушунарли тарзда ифодалаш, уларни қонун талабларига риоя қилишга ишонтириш ҳамда ҳуқуқни тўғри шарҳлаш ва қўллашдаги ўрни таҳлил қилинган. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Конституция, қонун, муқаддима, рамзий қонунчилик, қонуннинг мақсади, ҳуқуқ руҳи, қонун ҳарфи.

**Abstract.** The article examines the meaning, functions, symbolic nature and necessity of the preamble of the Constitution and laws as a means of legal technique. The role of the preamble in expressing the purpose of the law, convincing to compliance with the requirements of the law, as well as its the correct interpretation and application of the norms of the law is analyzed. Proposals for improving legislation are developed.

**Key words:** Constitution, law, preamble, symbolic legislation, purpose of law, spirit of law, letter of law.

**Аннотация.** В статье рассматриваются значение, функции, символический характер и необходимость преамбулы Конституции и законов как средства юридической техники. Анализируется роль преамбулы в выражении цели закона, убеждении в соблюдении требований закона, а также в правильном толковании и применении норм закона. Разработаны предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** Конституция, закон, преамбула, символическое законодательство, цель закона, дух права, буква закона.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон кадри, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинган, жаҳон ҳамжамияти билан очик ҳамда дўстона муносабатларда бўлган, эркин, обод ва фаровон Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъ-

кидлаганларидек: “Том маънода халқчил мазмун ва аҳамият касб этган Асосий қонунимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда”<sup>1</sup>.

Академик А. Х. Саидов таъбири билан айтганда: “Ҳар қандай ислохот кучли конституция-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2024. – 74-б.

вий-ҳуқуқий асосга таянсагина, кўзланган эзгу мақсад ва улугвор вазифаларга, самарали натижаларга эришилади”<sup>2</sup>.

Конституция, қонун, фармон ва қарорлар, одатда, муқаддимага эга бўлади. Улар орасида Конституциянинг муқаддимаси алоҳида аҳамиятга эга, чунки Конституция давлат тузуми ва ҳуқуқий тизим асосларини белгилайди, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шу туфайли унинг муқаддимаси таъсис этувчи хусусиятга эга бўлиб, муқаддима орқали халқ ва давлат мақсадлари бутун жамиятга йўналтирилади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида Ўзбекистон халқининг мақсадлари юксак даражада ва атрофлича баён қилинган. Унда давлатчилик ва ҳуқуқий тизим тараққиёти янги босқичининг энг муҳим ғоялари ҳамда устувор йўналишлари ўрин олган.

Муқаддимада Конституциямизни қабул қилишдан кўзланган қуйидаги асосий мақсадлар белгиланган:

**биринчидан**, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний кадриятларга, давлат суверенитети принципларига, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига, давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига асосланган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш;

**иккинчидан**, мамлакатнинг бебаҳо табиий бойликларини қўпайтириш ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлаш;

**учинчидан**, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланиш;

**тўртинчидан**, жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш;

**бешинчидан**, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш.

Илмий адабиётларда Конституция муқаддимасига қуйидагича таъриф берилган: “Муқаддима тантанали – декларатив характердаги таъкидлар-

дан иборат бўлиб, улар юридик кучга эга эмас. Муқаддимада давлатнинг мақсад ва вазифалари, давлатчиликка қабул қилинадиган, таяниладиган кадриятлар, халқ ва келажак авлод олдидagi масъулият белгиланади. Бу ғоялар кейинчалик турли кўриниш ва шаклларда конституция нормаларида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам, конституцияларга таъриф берилганда, “Конституция қўлга киритилган ютуқларни, мавжуд ижтимоий муносабатларни мустаҳкамловчи ҳужжат бўлиб қолмай, мақсад ва вазифаларни белгиловчи ҳужжат ҳамдир”, – деб таърифланади”<sup>3</sup>.

Конституция муқаддимасининг яна қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

**биринчидан**, муқаддима воситасида ифодаланадиган мазмун конституциявий тузумнинг моҳиятини англашга ёрдам беради;

**иккинчидан**, муқаддима ҳиссий-эмоционал таъсир қилишга мўлжалланган ҳамда инсоннинг ҳуқуқий ҳуқ-атворини тарбиялашга хизмат қилади;

**учинчидан**, муқаддима жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ, қатламлар ирода ва мақсадлари келишувини ўзида мужассамлаштирган.

Адабиётларда Конституция муқаддимасининг аҳамияти тўғрисида бир қанча ёндашувлар илгари сурилган:

**биринчидан**, норматив ёндашувга кўра, муқаддима Конституция нормалари билан бир қаторда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ишлатилади;

**иккинчидан**, субсидиар ёндашувга кўра, муқаддима ижтимоий муносабатларни кенгроқ таснифлаш талаб қилинганида муҳим ҳисобланади;

**учинчидан**, баҳоловчи ёндашувга кўра, муқаддима Конституция нормаларини шарҳлашда қўшимча мезон сифатида аҳамиятга эга<sup>4</sup>.

Муқаддиманинг қонунлар матнида зарурлиги масаласи илмий китоблар ва ўқув адабиётларида мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Масалан, кўпгина тадқиқотчилар муқаддимани ҳуқуқ нормаларини тушуниш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таркибий қисми сифатида таърифлайди<sup>5</sup>. Айрим

<sup>2</sup> Саидов А. Х. Янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий фалсафаси. – Тошкент: “Ma’naviyat”, 2023. – 127-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Husanov O. T. Konstitutsiyaviy huquq: darslik / To’ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashr. – Toshkent: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2020. – 28-b.

<sup>4</sup> Қаранг: Антоненко В. М. Преамбулы конституций и их правовое значение // «Конституционное и муниципальное право», 2015, № 3. – С.9 – 13.

<sup>5</sup> Қаранг: Федорец А. Г. О нормативных правовых актах в Российской Федерации: научное издание. – Москва: ИБТ, 2015. – С.79.

тадқиқотчилар эса, бу тўхтамга қарши чиқиб, муқаддимани норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини комплекс идрок қилишни қийинлаштирадиган ортиқча матн деб ҳисоблайди<sup>6</sup>.

Шунингдек, ҳуқуқшунослар орасида, “Қонунлар матнига уларнинг тартибга солиш предмети ни ифодаладиган модданинг (одатда, қонуннинг 1-моддаси) киритилиши муқаддимага ҳожат қолдирмайди”, – деган ёндашув ҳам мавжуд. Лекин қонуннинг мақсади, вазифалари ва қабул қилиниш зарурияти баёнини қонуннинг тартибга солиш предмети ни кўрсатиб ўтиш билан чегаралаб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, қонунни қабул қилишдан мақсад ва вазифалар баёни ўз ичига унинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий жиҳатларини олиши, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқ-атвориға нисбатан умумий талабнинг аниқ ва лўнда ифодасини акс эттириши керак ҳамда бундай декларатив матн фақат муқаддимада баён этилиши мумкин.

Постсовет мамлакатлари қонунчилиги таҳлили ҳам муқаддиманинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан қонунлар тузилишида зарурлиги масаласи ушбу давлатларда турлича ҳал қилинганини кўрсатади.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Россиянинг қонунчилигида муқаддима норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мажбурий бўлмаган қисми сифатида белгиланган<sup>7</sup>. Арманистон, Грузия ва Қозоғистон қонунчилигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсадларини, қабул қилиниш асосларини ва унинг олдида турган вазифаларни тушунтириш зарурати бўлганида, унга муқаддима киритилади,

деган мазмундаги норма мустаҳкамланган<sup>8</sup>. Беларусь, Озарбайжон ва Тожикистоннинг қонунчилигида муқаддима норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг зарурий таркибий қисмларидан бири сифатида мустаҳкамланган<sup>9</sup>. Мисол сифатида олинган юқоридаги мамлакатларда охириги беш йилда қабул қилинган қонун ҳужжатлари<sup>10</sup> ҳам муқаддимани кўллаш масаласидаги тафовутларни яққол кўрсатиб туради<sup>11</sup>. Масалан, Беларусь, Озарбайжон ва Тожикистонда охириги беш йилда қабул қилинган қонунлар кўриб чиқилганда, уларнинг деярли 100 фоизда муқаддима мавжудлигини кўриш мумкин; Арманистон ва Қозоғистон қонунчилигида муқаддимаси мавжуд қонунлар салмоғи тахминан 70-80 фоизни ташкил қилган; Ўзбекистон, Қирғизистон ва Россия қонунларига эса муқаддима қисми камдан-кам ҳолларда киритилган<sup>12</sup>.

Муқаддиманинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан қонунлар матнидаги аҳамиятига баҳо бериш учун, биринчи навбатда, унинг функцияларини кенгроқ таҳлил қилиш талаб этилади. Айрим муаллифлар муқаддиманинг функциялари тўғрисида фикр юритиб,

**биринчидан**, унинг қонун таркибий қисмларини умумий ирода, ғоя, мақсадлар атрофида бирлаштириб туриши;

**иккинчидан**, тартибга солиш ва йўналиш кўрсатиш, ғоявий-мафкуравий, дастурлаштириш, таъсис этиш каби функцияларни бажариши;

**учинчидан**, фуқаролик, маъмурий, жиноий ишлар бўйича қарор чиқариш ва шарҳлаш фаолияти учун асослардан бири эканлиги<sup>13</sup> тўғрисида хулосага келишган.

<sup>6</sup> Қаранг: Табарин И. В. Современная теория права: новый научный курс. – Москва: «Феникс», 2008. – С.275.

<sup>7</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон; Закон Кыргызской Республики от 20 июля 2009 года «О нормативных правовых актах Кыргызской Республики» // <http://www.cbd.minjust.gov.kg/202591/edition/1086595/ru>; Государственная Дума Федерального Собрания Российской Федерации «Методические рекомендации по юридико-техническому оформлению законопроектов (редакция 2021 года)» // [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_379680/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_379680/).

<sup>8</sup> Қаранг: Закон Республики Армения “О нормативно-правовых актах” // <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=129477>; Органический Закон Республики Грузия “О нормативных актах” // <https://legislationline.org/sites/default/files/documents/be/Georgia%20-%20On%20Normative%20Acts%20RU.pdf>; Закон Республики Казахстан “О правовых актах” // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1600000480>.

<sup>9</sup> Қаранг: Закон Республики Беларусь от 17 июля 2018 года “О нормативных правовых актах” // <https://pravo.by/document/?guid=12551&pr0=H11800130>; Конституционный закон Азербайджанской Республики от 21 декабря 2010 года “О нормативных правовых актах” // [https://www.base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=33085](https://www.base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=33085); Закон Республики Таджикистан от 30 мая 2017 года «О нормативных правовых актах» // [https://www.adlia.tj/show\\_doc.fwx?rgn=129329&conttype=2](https://www.adlia.tj/show_doc.fwx?rgn=129329&conttype=2).

<sup>10</sup> Маълумотлар МДХ мамлакатлари қонунчилиги порталидаги қонунлар таҳлили асосида берилган. Қаранг: Законодательство стран СНГ // <https://spinform.ru>.

<sup>11</sup> Бу ўрганишда муқаддималарнинг сифати масаласи ҳисобга олинмаган.

<sup>12</sup> Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларда муқаддима бўлиб, унда қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати баён этилмоқда. Қаранг: <https://lex.uz>.

<sup>13</sup> Қаранг: Лутова Л. К. Пreamбула нормативного правового акта: проблемы теории и практики: автореф. дис. канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2011. – С.16 – 19.

Бошқа муаллифларга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда муқаддиманинг бўлиши жуда муҳим ҳисобланиб, у норматив-ҳуқуқий ҳужжат аҳамиятини яхшироқ тушуниш, асосий йўналишни кўрсатиш, ҳуқуқий онгни шакллантириш, жамиятни бирлаштиришга, фуқароларни норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларининг бажарилиши зарурлигига ишонтиришга хизмат қилади<sup>14</sup>. Яна бир нуқтаи назарга кўра, муқаддиманинг бўлиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини оширади, ҳуқуқ ижодкорларининг масъулиятини кучайтиради ва қонунчиликнинг барқарорлигини таъминлайди<sup>15</sup>.

Бизнинг фикримизча, муқаддиманинг функцияларини қуйидаги йўналишлар бўйича ажратиш мумкин:

**Биринчи йўналиш – муқаддима норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсадини барча фуқароларга тушунарли тилда ифодалайди.**

Қонунни амалиётда қўллаш самарадорлиги кўп жиҳатдан қонун тилининг аниқлиги, унинг ғоявий-ахлоқий таъсир этиш кучи, фуқароларга тушунарли бўлиши, улар манфаатини кўзлашига ҳам боғлиқ<sup>16</sup>. Ҳуқуқ икки хусусиятга:

**биринчидан**, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш;

**иккинчидан**, стратегик мақсадлар ифодасини кучайтириш хусусиятига эга<sup>17</sup>.

“Муқаддима” атамаси арабча сўздан олинган бўлиб, “олдинда боради” деган маънони англатади. “Муқаддима” Рим ҳуқуқидан келиб чиққан қонунчилик техникаси элементларидан бирини ифодалайдиган ва “олдинда боровчи” деган маънони англатадиган латинча “Преамбула”<sup>18</sup> сўзининг ўзбек тилига таржимаси сифатида ишлатилади. Муқаддима норматив қоидаларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжат моддалари ёки бандларидан фарқ қилиб, декларатив матнлардан иборат. Юридик фанда шаклланган тўхтамга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат муқаддимаси ҳужжатнинг

асосий фалсафаси, мақсади ва ушбу мақсадни асослайдиган сабабларни, мазкур ҳужжатни қабул қилиш заруратини ифодалайди<sup>19</sup>.

Юридик фанда “ҳуқуқ руҳи” ва “қонун ҳарфи” нисбати масаласи муҳокама қилиниб келинади. “Ҳуқуқ руҳи” қонун эришмоқчи бўлган асосий мақсадни ифодаласа, “қонун ҳарфи” унга оғишмай амал қилиш, қатъий қўллашни англатади. “Ҳуқуқ руҳи” ғоялар, тамойиллар, рамзлар ва тушунчаларни, шунингдек, тартибга солиш қобилиятини ифодалайди. “Қонун ҳарфи” эса конституциявий моҳиятга эга бўлган тизимлаштирилган нормалар тўпламидир<sup>20</sup>.

Қонунлар шундай шакллантирилиши керакки, уларнинг қўлланилиши қонун чиқарувчининг мақсадлари ва умумэътироф этилган ҳуқуқ принципларига мос келиши зарур. Агар “қонун ҳарфи” “ҳуқуқ руҳи”га, яъни уни амалга оширишдан қўтилган мақсадларга мос бўлмаса, қонун талабларини нотўғри тушуниш келиб чиқади. “Ҳуқуқ руҳи”га амал қилиш кўпинча қонунчилик мақсадларини чуқурроқ тушунишни талаб қилади. Қонуннинг мақсади етарлича аниқ ифодаланмаган бўлса, қонун нормалари суиистеъмол қилиниши мумкин.

**Иккинчи йўналиш – норматив-ҳуқуқий ҳужжат муқаддимаси фуқароларни қонун талабларини бажаришга ишонтиришга хизмат қилади.**

Замонавий ҳуқуқ назариясида қонунчиликка нисбатан икки хил модел сифатида қараш мавжуд: биринчиси, қонунчиликни тартибга солиш воситаси сифатида тушуниш бўлса, иккинчиси, қонунчиликни рамзлардан иборат модел сифатида тушунишдир. Рамзийлик – қонунчилик мазмунидаги иккинчи қатламдир. Қонунчилик мазмунининг биринчи қатлами нормалардан иборат, иккинчи қатлам эса қонунчилик мазмунидаги рамзий номоддий қадриятлардир. Шунга мувофиқ, жамият аъзоларининг ҳуқ-атворига таъсир қилишнинг

<sup>14</sup> Қаранг: Кашанина Т. В. Юридическая техника: учебник. – Москва: «Норма: ИНФРА-М», 2011. – С.233-234.

<sup>15</sup> Қаранг: Болдырев С. Н. Преамбула как прием юридической техники // “Юрист-Правовед”, 2014 г. № 5. – С.5 – 8.

<sup>16</sup> Саидов А. Х. Қонунлар халққа тушунарли бўлмоғи керак // “Қонун ҳимоясида”, 2002 й. 6-сон. – 7-8-б.; Саидов А. Х., Қўчимова Ш. Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2001. – 45-б.

<sup>17</sup> Қаранг: Siehr A. Symbolic Legislation and the Need for Legislative Jurisprudence: The Example of the Federal Republic of Germany // *Legisprudence*. Volume 2, 2008. – Issue 3. – P.292.

<sup>18</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати: 2-жилд. – Тошкент: “Университет”, 2003. – 304-б.

<sup>19</sup> Қаранг: Чимаров Н. С. Правовое содержание преамбулы конституций в государствах Центральной Азии // *«International Journal of Humanities and Natural Sciences»*, 2022 г. №11-5 (74). – С.31.

<sup>20</sup> Қаранг: Сорокин В. В. Дух права и буква закона: характер соотношения // *«Law Enforcement Review»*, 2021 г. Т.5, №2. – С.9.

ҳам икки услуби: мажбурлаш ва ишонтириш услублари мавжуд. Бунда қонунчилик мазмуни мажбурлашни назарда тутадиган “восита қонунчилиги” ва ишонтиришни назарда тутадиган “коммуникатив қонунчилик” ёки “рамзий қонунчилик” матнларидан иборат. Бу усуллар бир-бирини рад қилмайди, балки тўлдиради. Восита сифатида қонунчилик қонун нормаларини англатса, рамз сифатида қонун кўзлаётган мақсадларни англатиб, қонуннинг жамият томонидан кенг қўллаб-қувватланиши учун мўлжалланади<sup>21</sup>.

Қонун муқаддимаси рамзий қонунчилик ёки “юмшоқ ҳуқуқ” хусусиятига эга декларатив матнлар бўлиб, жамият аъзоларини қонунга, ҳуқуқий тизим идеалларига ишонтириш воситасидир. Бунда қонун матнини эълон қилишнинг, у билан таништиришнинг ўзи етарли эмас, балки қонуннинг ижтимоий муносабат иштирокчилари томонидан умумий тан олинishi, улар қонунга риоя қилиш заруриятига ишонч ҳосил қилишлари муҳим<sup>22</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муқаддиманинг икки жиҳатини ажратиш кўрсатиш мумкин:

**биринчидан**, халқ ва давлат ҳокимиятининг мақсадлари тўғрисидаги ахборотни фуқароларга умумлашган ва тушунарли шаклда етказиш;

**иккинчидан**, бу мақсадларга нисбатан жамият аъзоларида тасаввур, муносабат, ҳурмат ва эътиқод ҳосил бўлишини таъминлаш.

**Учинчи йўналиш – норматив-ҳуқуқий ҳужжат муқаддимасидан ҳуқуқни шарҳлаш ва қўллаш жараёнида ҳуқуқдаги бўшлиқларни бартараф этиш (ҳуқуқ ўхшашлиги, маъмурий ихтиёрийлик) воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин.**

Қонун нормасини муайян ҳолатга нисбатан тўғри шарҳлаш ва қўллаш унда баён этилган ифодалар маъносининг аниқлиги билан боғлиқ. Одатда, ҳуқуқий нормани шарҳлаш ва қўллаш муаммо туғдирмайди. Лекин ҳуқуқий нормани муайян ҳолатга нисбатан шарҳлаш ва қўллашда қийинчилик келтириб чиқарадиган мураккаб ҳолатлар бўлиши ҳам мумкин.

Инглиз ҳуқуқшунос олими, неопозитивизм асосчиси Г. Харт бундай мураккаб ҳолатга мисол сифатида транспорт воситаларидан истироҳат боғида (дам олиш масканида) фойдаланишни тақиқловчи нормани қўллашни келтиради. “Албатта, яхши таниш ва доимий содир бўладиган ҳолатлар борки, – деб ёзади Г. Харт, – улар умумий ифодалардан иборат нормани қўллаш учун аниқ бўлади ва қийинчилик туғдирмайди, масалан, агар нимадир транспорт воситаси бўлса, бу автомашинадир”<sup>23</sup>. Лекин шундай мураккаб ҳолатлар ҳам учрайдики, уларга нисбатан умумий ифодалар етарли бўлмайди. Масалан, “транспорт воситаси” тушунчаси ўз ичига электр двигателли ўйинчоқ машинани (ёки тўрт ғилдиракли велосипедни) ҳам оладими ёки йўқми? Бунда транспорт воситаларидан боғда фойдаланишни тақиқловчи қоида автотранспорт воситаларига нисбатан қўллаш учун аниқ, лекин электр двигателли ўйинчоқ машинага (ёки тўрт ғилдиракли велосипедга) нисбатан қўллаш учун ноаниқдир<sup>24</sup>. Яъни қонун нормаларини ифодалаш орқали ҳал қилинмаган муаммоли вазият юз беради. Ҳуқуқни қўлловчи (судья, мансабдор шахс): “Ҳатто агар қонун чиқарувчи боғда электр двигателли ўйинчоқ машинадан фойдаланиш масаласини кўриб чиқмаган бўлса ҳам, у бу ҳолат тўғрисида нима деган бўларди?” – каби фаразий саволлар орқали қонун чиқарувчининг мақсадини аниқлайди<sup>25</sup>. Қонуннинг мақсади боғда дам олиш, тинчлик, осойишталик, тозалikka зарар етказиши мумкин бўлган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш бўлганлиги асос қилиниб, “Электр двигателли ўйинчоқ машиналар (ёки тўрт ғилдиракли велосипед) боғдаги осойишталикка зарар етказадими ёки йўқми?” – деган саволга жавоб бериш орқали муаммо ҳал қилинади.

Америкалик ҳуқуқшунос, замонавий юснатурализм намояндаси Л. Фуллерга кўра, маълум бир мақсадга эришишни назарда тутмайдиган ва бу мақсадга эришиш учун зарур бўлган воситаларни ўзида акс эттирмайдиган ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмайди. Ҳуқуқ нормаси, биринчидан, норма

<sup>21</sup> Қаранг: Witteven W. J. Significant, Symbolic, and Symphonic Laws: Communication through legislation // Semiotics and Legislation: Jurisprudential, Institutional and Sociological Perspectives / in van Schoten H. (ed). 1999. – P.27 – 70.; Van Klink B. Symbolic Legislation: An Essentially Political Concept – Amsterdam: Springer, VU University Amsterdam Legal Studies Paper Series, 2015. – P.3 – 6.

<sup>22</sup> Вэй Г. Ҳуқуқнинг ифодалаш имкониятларини ўрганиш тенденциялари // “Хокайдо университети ахборотномаси”, 2015 йил 5-сон. – 226 – 230-б. (Таҳририят изоҳи – ушбу мақолани муаллиф япон тилидан таржима қилган).

<sup>23</sup> Қаранг: Харт Г. Понятие права. – Санкт-Петербург: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2007. – С.130.

<sup>24</sup> Ўша жойда. – С.132-133.

<sup>25</sup> Қаранг: Дидикин А. Б. Аналитическая философия права: истоки, генезис и структура. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 2016. – С.85.

матни; иккинчидан, ҳуқуқ ижодкорининг мақсади; учинчидан, ҳуқуқ нормасини унинг мақсадидан келиб чиқиб қўллаш воситаларини ўз ичига олади<sup>26</sup>. “Боғда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади”, – деган нормани Л. Фуллер ҳуқуқнинг мақсади нуқтаи назаридан қуйидагича таҳлил қилади: масалан, кимдир Иккинчи жаҳон уруши даврида ишлаб чиқарилган ишчи ҳолатдаги автомобилни ҳарбий ёдгорлик сифатида томоша учун боғга келтириб қўйган, дейлик. Ҳуқуқни қўлловчи бу ҳолатни “қонуннинг ҳарфи”га қараб шарҳласа, ҳуқуқбузарлик содир этилган, деган хулосага келади. Лекин агар у “ҳуқуқ руҳи”га қараб шарҳласа, яъни қонуннинг мақсади – боғда инсоннинг дам олиши учун тинчлик ва осойишталикни таъминлаш эканлигини ҳисобга олса, бу ҳолатда ҳуқуқбузарлик содир этилган, деган хулосага келиш адолатсиз бўлади. Юридик талабнинг нима мақсадга мўлжалланганлигини билмасдан туриб, муайян тўхтамга келиш ва ҳуқуқий нормани қўллаш мумкин эмас. Ҳуқуқ муайян мақсад учун яратилади, ҳуқуқ ва қадрият алоҳида-алоҳида эмас, улар ягона реалликнинг икки жиҳатидир.

Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, жумладан қонунларнинг фуқароларга тушунарли бўлишини, уларнинг ғоявий-ахлоқий таъсир этиш самарасини кучайтирадиган воситалардан бири – бу муқаддимадир. Муқаддима норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсади ифодасини таъминлашга хизмат қиладиган юридик техника воситасидир. Муқаддима ижтимоий муносабат иштирокчиларига эмоционал таъсир қилиш орқали ҳуқуқий тартибга солиш предметиға нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга ҳам мўлжалланган. Ҳуқуқни қўлловчи қўлланиладиган нормалар мақсадини, фуқаролар эса мазкур қонунга нима учун риоя қилиш кераклигини билиши зарур. Улар қонунга риоя қилмаслик жазога сабаб бўлганлиги учунгина эмас, балки қонуннинг мақсадини тушуниб, унга риоя қилиш мажбуриятини ҳис этганлиги учун қонунларга риоя қилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, муқаддима норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг, жумладан, қонуннинг қабул қилиниши сабаблари, мақсади ва вазифаларини баён этиш зарурати туғилганида ишлатиладиган муҳим таркибий қисм бўлиб, қонунга нима учун риоя қилиш кераклигини тушунтиришга, унинг талабларига нисбатан ишончни шакллантиришга хизмат қилади.

Шунга қўра, муқаддима муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши сабаблари, мақсад ва вазифаларини баён этиш эҳтиёжи туғилганида ишлатиладиган зарурий таркибий қисм сифатида ҳуқуқий мустақамланиши лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти”нинг 19-банди биринчи қисми<sup>27</sup> таҳририни қуйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

**“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсадлари, қабул қилиниши асослари ва унинг олдида турган вазифаларни тушунтириш зарурати бўлганида, унга муқаддима киритилади”.**

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 237-II-сон қўшма қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари”нинг 8-банди биринчи қисми<sup>28</sup> таҳририни қуйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

**“Муқаддима – қонун лойиҳасининг (қонуннинг) мустақил қисми бўлиб, қонуннинг мақсадлари, қабул қилиниши асослари ва унинг олдида турган вазифаларни тушунтириш зарурати бўлганида киритилади”.**

<sup>26</sup> Қаранг: Архипов В. В. Концепция права Лона Л. Фуллера. Дисс. канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2009. – С.77-78.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий бази-си, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон // <https://lex.uz/docs/5378966>.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 2011 й., 1-сон, 15-модда.

# КОНСТИТУЦИЯ — ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.012



**Аббос ПАЙЗИЕВ,**  
Жамоат хавфсизлиги университети  
доценти, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ёшлар ҳуқуқларига оид конституциявий нормалар таҳлил қилинган. Ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқи, давлат томонидан ижтимоий ҳимоя билан таъминланиши, давлатнинг ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги мажбуриятлари атрофлича ёритилган.

**Калит сўзлар:** Конституция, инсон ҳуқуқлари, ёшлар ҳуқуқлари, таълим олиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя.

**Abstract.** The article analyzes the constitutional norms related to youth rights established in the Constitution of the Republic of Uzbekistan in the new edition. The right of youth to education, provision of social protection by the state, and state responsibilities for the youth are highlighted in detail.

**Key words:** The Constitution, human rights, youth rights, the right to education, social protection.

**Аннотация.** В статье проанализированы конституционные нормы о правах молодежи, установленные Конституцией Республики Узбекистан в новой редакции. Подробно освещаются права молодежи на образование, обеспечение социальной защиты со стороны государства, а также обязанности государства в отношении молодежи.

**Ключевые слова:** Конституция, права человека, права молодёжи, право на образование, социальная защита.

Баркамол авлодни тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ғоявий-тарбиявий аҳамияти бекиёс. У ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, ўзаро дўст-биродарлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, Асосий қонунимизда халқимизнинг кўп асрлик урф-одат ва анъаналари мужассам экани Конституциямизнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Унда жамиятнинг барча қатламлари сингари ёшларнинг ҳам шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлаб қўйилган.

Конституция юридик мазмун ва моҳиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, давлатнинг Асосий қонуни сифатида бутун ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, жамият ва

давлат ҳаётининг, давлат органлари ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий принципларини мустаҳкамлайди. Давлат юритадиган ички ва ташқи сиёсатнинг асослари ҳамда барча муҳим йўналишларини ақс эттиради<sup>1</sup>.

Конституция халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ақс эттиради. Унда жамият тараққиётига туртки берувчи, муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилувчи ғоялар ўз ифодасини топади. Конституцияда мужассамлашган мафкура жамиятни, халқни муайян мақсадлар сари етаклайди, уларни удалаш учун сафарбар қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасининг ҳуқуқий асосини таш-

<sup>1</sup> Қаранг: Маматов Х. Конституциявий ҳуқуқ: дарслик. — Тошкент: “Yurist-media markazi”, 2018. — 528 б.

кил этиб, ҳалқимизнинг истиклолга, эркинликка бўлган интилишини, миллий ахлоқий-маънавий қадриятларини акс эттирган ҳамда уларни жамият онгига, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга хизмат қилади<sup>2</sup>.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, 2023 йил 1 январь ҳолатига қўра, Ўзбекистонда 14 – 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 9 миллион 654 минг 351 кишини ташкил этиб, жами аҳолининг 26,8 фоизига тенг келмоқда<sup>3</sup>.

Шунингдек, юртимиз аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, жамиятнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилиши кутилмоқда.

Ёшларимизга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Шу маънода, айтиб масаланинг ечими ҳам мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор – Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясини қабул қилишни тақозо этди.

2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди<sup>4</sup>. Конституциямиз нормалари 65 фоизга янгиланди. Бу борада таклифларнинг 60 фоиздан ортиғи ёшлар томонидан берилгани катта аҳамиятга эга.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддима, 6 бўлим, 27 боб ва 155 моддадан ташкил топти.

Амалга оширилган конституциявий ислохотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади ҳамда Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштиради. Айтиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг нормалари жонажон Ватанимиз мустақиллигини асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, “Инсон қадри учун” таъминлиги асосланган ислохотларни жадал давом эттириш ҳамда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциямизда ёшлар ҳамда вояга етмаган шахсларнинг

барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган. Зеро, ёш авлодни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан асраб-авайлаш, уларни билимли қилиб тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш давлатимиз олдидаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда илк маротаба узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлаш давлатнинг вазифаси этиб белгиланди. Таълимга оид нормалар 50, 51 ва 52-моддаларда ўз аксини топди.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 50-моддаси иккинчи бандида белгиланганидек: **“Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди”**<sup>5</sup>. Мазкур қоидаларнинг Конституция даражасида белгиланиши, болалар боғчасидан тортиб, токи университетларгача, барча таълим ташкилотларини улар давлат тасарруфида ёки хусусий эканидан қатъи назар, ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

Шунингдек, Конституциянинг 50-моддаси учинчи бандида илк маротаба боғча ёшидаги болаларнинг таълим ва тарбияси бўйича давлат мажбуриятларининг конституциявий даражада белгиланиши муҳим воқеа бўлди. Бола учун оиладан кейинги биринчи жамоа – бу боғчадир. Мактабгача таълим сифатли бўлиши инсоннинг бутун ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат эндиликда нафақат умумий ўрта таълим, балки бошланғич профессионал таълим ҳам бепул бўлишини кафолатлайди.

Энг муҳим янгилликлардан бири – бу алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбиянинг таъминланиши бўлди. Жисмоний, ақлий ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади. Бу норма шундай нуқсонларга эга болаларнинг яққаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун

<sup>2</sup> Шакирова Ш. Янгиланаётган Конституция: ёшлар учун янги имкониятлар // <https://uza.uz/posts/470106>.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистонда 14 – 30 ёш оралиғидаги ёшлар сони ортди // <https://uza.uz/posts/495973>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон // <https://lex.uz/docs/6445145>.

<sup>5</sup> Ўша манба.

жуда муҳим қадамдир.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 51-моддасида фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли экани аниқ белгилаб қўйилди. Сўнгги беш йил ичида грантларни кўпайтириш йўлидан борилмоқда. Хусусан, ўтган даврда олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони 75 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони икки баробарга оширилди, шунингдек, нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш учун давлат гранти ажратиш амалиёти йўлга қўйилди. Мазкур конституциявий қонданинг белгиланиши бу борадаги ижобий йўналиш доимо сақлаб қолиниши, давлат олий таълим муассасаларида грант ўринлари йўқолмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи берилди. Бу масалаларнинг Конституция даражасида белгилангани олий таълим жараёнига ташқи аралашувларни чеклаш, олий таълим сифати ва дунёда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 53-моддаси биринчи бандида: “Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади”, – дея қайд этилган. Зеро, интеллектуал салоҳияти юқори, дунёқараши кенг, мустақил фикрлайдиган авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг XIV боби “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланган ва ундан ёшларга оид қатор нормалар ўрин олган. Бундай янгича ёндашув, шубҳасиз, Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканидан яққол далилатдир.

Албатта, болаларнинг маънан, жисмонан ва ижодий томондан комил инсон сифатида камол топиши учун нафақат оиладаги муҳит яхши бўлиши, балки давлат томонидан зарур шарт-шароит ва имкониятлар ҳам яратиб берилиши керак. Шу маънода, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳи-

моя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи сифатида Конституциямизда белгиланди.

Бош комусимизда қайд этилганидек, давлат ёшларнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишига, уларда эзгу фазилатларни камол топтиришга катта эътибор қаратади. Бу хусусида Конституциянинг 78-моддаси тўртинчи бандида шундай дейилган: **“Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади”**<sup>6</sup>.

Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Конституцияда давлат томонидан ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ҳамда ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштироки рағбатлантирилиши кафолатлаб қўйилди. Конституциямизнинг 79-моддаси биринчи бандида қайд этилганидек: **“Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради”**<sup>7</sup>.

Яна бир муҳим янгилик: ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида Асосий қонунга киритилди. Конституциянинг 79-моддаси иккинчи бандига қўра: **“Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”**.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямизга асосан давлат ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида ғоят муҳим мажбуриятларни ўз зиммасига олгани диққатга сазовор. Энг асосийси, мазкур конституциявий нормалар нафақат Ўзбекистон ёшлари манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 44-б.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

ТАДҚИҚОТ ВА ТАҚРИЗ

# ЖАДИДЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

(ҳуқуқшунос олима Мавлуда Эргашеванинг тадқиқотлари  
тўғрисида айрим мулоҳазалар)

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.013



Акмал САИДОВ,  
академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Ўз моҳият эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда”<sup>1</sup>.

Бугунги кунда тараққийпарвар аждодларимизнинг, жумладан жадидларнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш, уларнинг миллий давлатчилик ва ҳуқуқ ривожига тўғрисидаги назарий қарашлари билан бирга амалий тажрибаларини ҳам ўрганиш жуда долзарб аҳамиятга эга. Жадидлар конун устуворлигини таъминлаш асосида демократик жамият қуришга интилганлар. Биз бугун Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни бунёд этишда, албатта, жадид алломаларимиз қолдирган бой ҳуқуқий меросдан кенгроқ фойдаланишимиз керак.

Жадид боболаримиз зулм ва жаҳолат булутлари қоплаган Она Ватанимиз осмонини маърифат зиёси билан мунаввар этишга, мустабид занжирларини парчалаб, Озод ва Обод, инсон ҳуқуқлари ҳимояланган, таъбир жоиз бўлса, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга жидду жаҳд қилишган, десак муболаға бўлмайди. Улар мустамлакачиларга қарши мардонавор курашиб, халқ манфаатлари учун азиз жонларини фидо этишган.

**Маҳмудхўжа Бехбудийнинг:** “Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз!” деган сўзларида ўз ифодасини топган жадидларга хос шижоат ва ватанпарварлик инсон қадри улуғланган, адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислохотларни амалга оширишда ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Жадидларнинг ғоя ва мақсадлари, ҳаёти ва ижоди, маърифий ва сиёсий фаолиятини ўрганиш борасида:

**биринчидан,** адабиётшунос олимлар — О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Қосимов,

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/6919>.

Ҳ. Болтабоев, И. Ганиев, М. Қурбонова, Р. Шарипов, С. Аҳмад ва бошқалар;

**иккинчидан**, тарихшунос олимлар – С. Иноят, Р. Шамсутдинов, С. Аъзамхўжаева, Б. Ҳасанов, С. Ҳошимов, Н. Акбарова, Р. Абдуллаев, Д. Алимова, Н. Гафаров, Х. Қурбонов, Л. Муҳаммаджонова, Ҳ. Содиқов ва бошқалар;

**учинчидан**, файласуф олимлар – Х. Вахидов, Б. Эргашев, Ш. Ғоибова, Г. Маҳмудова ва бошқалар;

**тўртинчидан**, юрист олимлар – А. Ишанов, И. Зокиров, Ж. Тошқулов, Н. Азизов, Д. Деҳқоно-


ва, Ф. Муҳитдинова кабилар тадқиқотлар олиб боришган.

Ҳуқуқшунос олимлар қаторида бугунги кунда жадиdlарнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашларини ўрганиш бўйича фаол изланишлар олиб бораётган олима – юридик фанлар номзоди, доцент Мавлуда Эргашевани ҳам алоҳида эътироф этсак арзийди.

Мавлуда Эргашева қарийб йигирма беш йилдан бери жадиd боболаримизнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий мероси, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, мақсад ва маслакларини тадқиқ этиб келмоқда.

Чорак аср давомида ҳуқуқшунос олиманинг **“Абдурауф Фитрат – буюк ҳуқуқшунос”**<sup>2</sup> рисо-ласи, **“Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти”**<sup>3</sup> ўқув қўлланмаси, **“Ҳуқуқшунос-лик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-ни ўрганиш”**<sup>4</sup> (ҳаммуаллифликда) ўқув-услубий қўлланмаси, **“Жадиdlарнинг давлат-ҳуқуқий қарашлари”**<sup>5</sup>, **“Туркистон, Бухоро ва Хива жадиdlарининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари”**<sup>6</sup> монографиялари, **“Жадиdlар томонидан ишлатилган давлат-ҳуқуқий атамалар терминологияси”**<sup>7</sup> луғати, **“Миллат қайғуси”**<sup>8</sup> шеърлар тўплами, халқаро ва маҳаллий илмий журналларда ўнлаб илмий мақолалари, хорижий давлатларда ва мамлакатимизда ўтказилган конференциялар материаллари тўпламларида кўплаб тезислари нашр этилган.

Мавлуда Эргашеванинг Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида яқинда нашр этилган **“Туркистон, Бухоро ва Хива жадиdlарининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари”** номли монографияси жадиdlарнинг давлатчилик ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари тизимли, изчил ва холис тадқиқ этилган илмий асар сифатида, айниқса, диққатга сазовор.



<sup>2</sup> Эргашева М. Абдурауф Фитрат – буюк ҳуқуқшунос. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – 88 б.

<sup>3</sup> Эргашева М. Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – 16 б.

<sup>4</sup> Қаранг: Ergasheva M., Jo'rayev N. Huquqshunoslik, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o'rganish. – Toshkent: "Muharrir", 2013. – 234 b.

<sup>5</sup> Эргашева М. 3. Жадиdlарнинг давлат-ҳуқуқий қарашлари: монография. – Тошкент: “Адолат”, 2007. – 216 б.

<sup>6</sup> Эргашева М. 3. Туркистон, Бухоро ва Хива жадиdlарининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари: монография. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024. – 504 б.

<sup>7</sup> Эргашева М. 3. Жадиdlар томонидан ишлатилган давлат-ҳуқуқий атамалар терминологияси: луғат. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024. – 56 б.

<sup>8</sup> Эргашева М. 3. Миллат қайғуси: шеърлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2024. – 96 б.

Монографияда кўплаб бирламчи архив материалларидан, шу жумладан жадидлар нашр этган газета ва журналлар материалларидан фойдаланилган, ундаги маълумотлар илмий жамоатчилик муҳокамасига илк маротаба тақдим этилган.

Монография – кириш, тўрт боб, ўн тўрт параграф, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Шунингдек, жадидлар томонидан ишлатилган давлат-ҳуқуқий атамаларнинг изоҳи илова қилинган.

**“Жадидлар давлат-ҳуқуқий қарашларининг шаклланишига таъсир этган ижтимоий омиллар”** деб номланган **биринчи бобда** жадидларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари шаклланиши омили бўлиб хизмат қилган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитлар, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон, Бухоро ва Хивада давлатчилик, ҳуқуқий тизим масалалари таҳлил қилинган. Туркистон, Бухоро ва Хивадаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт жадидчилик ҳаракати пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир кўрсатгани ёритилган. Хусусан, мустамлакачи чор Россияси томонидан олиб борилган сиёсат, ўлканинг хомашё бозорига айлантирилиб, маҳаллий аҳоли аҳволининг оғирлашгани, одамларнинг камситилгани, ҳуқуқ ва эркинликлари оёқ ости қилингани, маданияти ва анъаналари таҳқирлангани тасвирланган.

Муаллиф жадидлар дастуридаги уч йўналишни:

**биринчидан**, янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;

**иккинчидан**, умидли ёшларни хорижий давлатларга ўқиш учун юбориш;

**учинчидан**, турли маърифий жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг кучли партиясини тузишга қаратилган газета ва журналлар чоп этишни тўғри таъкидлаган.

Монографиянинг **“Жадидларнинг ҳуқуқий қарашлари ва уларнинг моҳияти”** номли **иккинчи бобида** Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқаларнинг давлат фаолиятида адолатни таъминлаш, инсон манфаатларига хизмат қилиш бора-сидаги қарашлари ўрганилган. Жадидларнинг илм-фанни ривожлантириш, инсоннинг билим олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш тўғри-

сидаги фикрлари муҳокама қилинган. Муаллиф инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги жадидчилигининг бош ғояси деган фикрни илгари сурган.

Шунингдек, монографияда жадидларнинг Конституция ва қонунлар, суд-ҳуқуқ масалалари, оила ҳақидаги ғоялари илмий мушоҳада доирасига тортилган. Муаллиф жадидларнинг ғоялари ҳам ҳисобга олинган Бухоро Конституцияси билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моҳияти, мазмуни ва айрим нормаларини қиёсий таҳлил қилган.

Китобнинг **“Жадидлар сиёсий партияларининг дастурларида давлат-ҳуқуқий масалаларнинг ишланиши ва ечимлари”** деб номланган **учинчи бобида** “Турк Адами Марказияти”, “Ёш бухороликлар”, “Жадид тараккийпарварлари”, “Ёш хиваликлар”, “Туркистон федералистлари” каби партияларнинг давлат қурилиши, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, сиёсий-ижтимоий ва маданий ислохотчилик ғоялари ёритилган. Бунда жадид партиялари дастурларида миллий-ҳуду-



Ўзбекистон тарихи давлат музейи деворига ишланган панно. Рассомлар: Аликулов, Агаҳанянс, Каримов.

дий мухториятга, давлат суверенитетига эришиш, халқни бирлаштириш, ҳуқуқий давлатни қуриш, аҳоли саводхонлигини ошириш, унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллий ҳукуматни тузиш, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотларни амалга ошириш ғоялари илмий муҳокама қилинган.

Монографиянинг **тўртинчи боби** “Давлат ва ҳуқуқ ғояларининг жамоат арбоблари томонидан ривожлантирилишининг баъзи масалалари” деб номланган бўлиб, унда миллий мустақил демократик давлат ғояси — жадид ҳуқуқий қарашларининг бош мезони, деган мулоҳаза илгари сурилган. Бунда жадидларнинг ҳарбий қурилиш ва мудофаа ишларини ривожлантириш, халқлар ўртасида миллий бирлик ва ҳамкорликни кучайтириш, сайловлар ва сиёсий рақобатни рағбатлантириш каби ғоялари ўрганилган.

Шунингдек, монографияда жадидларнинг инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мустақил тузумга барҳам бериш, мустақил демократик давлат қуриш каби мақсадларга эришиш учун мамлакатнинг дастлабки қадамлари сифатида, **биринчидан**, кучли миллий армияни барпо этиш, **иккинчидан**, демократик сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги ҳулосаларига эътибор қаратилган.

Монографиянинг “Хулоса” қисмида Туркистон, Бухоро ва Хива жадидларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларини ўрганиш методологиясини бойитишга хизмат қиладиган ҳамда фидойи миллат ходимларининг асарларида, дастурларида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланишига оид муаллифнинг илмий ва амалий ҳулосалари тақдим этилган.

Китобнинг ҳуқуқшунослик фани учун қуйидаги муҳим **янгиликларини алоҳида** кўрсатиб ўтиш мумкин:

**Биринчи янгилик:** жадид мутафаккирларининг концептуал қарашлари асосида таълим тизими ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ нормаларни конституциявий мустаҳкамлашнинг аҳамияти асосланган;

**Иккинчи янгилик:** жадидлар меросидан аҳоли ўртасида миллий бирдамлик, ватанга садоқат ва миллий ўзликни мустаҳкамлаш учун муҳим илмий асос сифатида фойдаланиш зарурлиги

таъкидланган;

**Учинчи янгилик:** жадидларнинг тарихий хотирасини тиклаш, архив материалларини кенг ўрганиш орқали тарихий воқеаларни объектив ва холис ўрганиш бўйича академик доиралар саъй-ҳаракатини янада кучайтириш зарурати асослаб берилган.

Шу билан бирга, монографиянинг айрим жойларида бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

**Биринчидан**, китобнинг биринчи бобида жадидчилик ҳаракати ғояларининг шаклланишига таъсир қилган бош омиллар сифатида асосий урғу Чор Россияси мустамлакачи давлати ва ҳуқуқининг салбий сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий таъсирга қаратилган. Албатта, бу омил муҳим, лекин жадидлар ғоясининг вужудга келишида энг муҳим омиллардан бири, фикримизча, Туркистон, Бухоро ва Хиванинг Европанинг ривожланган мамлакатларидан тараккиёт жиҳатидан орқада қолгани ҳамда бунда давлат тузуми ва ҳуқуқий тизимнинг ҳам ислохотга муҳтожлиги билан боғлиқ бўлган. Жадидчилик бу борада маърифатпарвар прогрессив кучларнинг янги Уйғониш ғояси сифатида вужудга келган. Монографияда ана шу муҳим омилга ҳам урғу бериш мақсадга мувофиқ эди, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан**, китобнинг иккинчи боби биринчи параграфи “Инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг устуворлиги — жадидчиликнинг бош ғояси” деб номланади. Бунда Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Файзулла Хўжаевнинг қарашлари асосида жадидчиликдаги инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ёндашув ўрганилган. Лекин жадидлар ёндашувининг асосида дастлаб инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қонун устуворлигини таъминлаш орқали эмас, балки аҳолини ва амалдорларни маърифатли қилиш ҳамда давлат тузумини ислох этиш орқали эришиш ғояси ётади. Монографияда ана шу ёндашувнинг хусусиятларини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Учинчидан**, китобнинг иккинчи боби иккинчи параграфи “Конституция ва қонунлар — инсоннинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи омиллар” деб номланиб, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари тўғрисидаги жадидчилик ғояларининг Бухоро ва Хоразм Халқ шўролар

жумхуриятлари, Туркистон АССР конституциялари ишлаб чиқилишидаги аҳамияти етарлича таҳлил қилинмаган. Ваҳоланки, бу ғоялар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилишида ҳам ҳисобга олинган.

**Тўртинчидан,** монографиянинг тўртинчи боби тўртинчи параграфда жадидларнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялари эволюцияси ва трансформацияси аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Дастлаб жадидлар орасида маърифий ислохотлар йўли билан тузумни янгилаш ғоялари устуворлик қилган бўлса, кейинчалик жадидлар орасида инқилобий ғояларнинг салмоғи ортиб борган. Шунингдек, жадидларнинг турли гуруҳлари ўртасидаги ғоявий тафовутлар масаласи ҳам муаллиф назаридан четда қолган. Жадидлар орасида республика ғояси билан бирга конституциявий монархия ғоялари ҳам кенг тарқалган.

**Бешинчидан,** монографияда жадидлар тасаввур қилган ва интилган ҳуқуқий тизимнинг аниқ чизгилари кўрсатиб ўтилмаган. Жадидлар фикрича, “ҳуқуқий тизим” Конституция ва қонунлар билан бир қаторда шариатга ҳам асосланади. Бу ўзига хос ҳуқуқ манбалари дуализми бўлиб, уни тизимлаштириш муаммоларига нисбатан жадидлар қарашларини алоҳида бобда ёки параграфда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, жадидлар нуктаи назари бўйича ҳуқуқ

тизимининг соҳаларга бўлиниши масаласи ҳам етарлича ёритилмаган.

Бироқ ушбу камчиликлар монографиянинг умумий мазмун-моҳиятига салбий таъсир кўрсатмайди, унинг бугунги кунда тутган долзарб аҳамиятини пасайтирмайди. Биланс, муддаомиз – жонкуяр ва фидойи олима Мавлуда Эргашевага кейинги тадқиқотларида, бундан кейин нашр этиладиган илмий ва оммабоп китобларида ушбу жиҳатларга эътибор қаратишни тавсия этишдир.

Хулоса қилиб айтганда, Мавлуда Эргашеванинг **“Туркистон, Бухоро ва Хива жадидларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари”** номли китоби жадидлар фаолияти юридик нуктаи назардан ўрганилган муҳим илмий асар ҳисобланади. Бу каби асарлар халқимизни жадидлар илғари сурган маърифатпарварлик ғоялари билан янада яқинроқ таништиришга, Она Ватан учун азиз жонларини фидо қилган жадид боболаримизнинг хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, **“Жадид боболаримиз юртимизни озод этишга, қолоқликдан олиб чиқиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга борини бағишлаган. Бунинг бадалини ўз жонлари билан тўлаган. Биз бугунги мустақиллик, тинчлик, эркинлик шароитида уларни эслашимиз, эъзозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз”**<sup>9</sup>.

<sup>9</sup> Шавкат Мирзиёев: Уларнинг айби – буюк бўлгани // <https://president.uz/uz/lists/view/4592>.

## ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ: “ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД — ИНСОН, УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИ УЛУҒЛАШДИР”

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли давлат ва жамоат арбоби, таржимон, адабиётшунос олим ва адиб Иброҳим Ғафуров билан мамлакатимизда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислохотлар, инсон ҳуқуқларини кафолатлашда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти, яқинда фаолият бошлаган “Инсон ҳуқуқлари уйи”нинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда тутган ўрни каби долзарб мавзуларда суҳбатлашдик.

— Суҳбатимиз аввалида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ҳамда давлат сиёсатида инсон ҳуқуқлари устуворлиги ҳақида фикр билдирсангиз.

— Ўзбекистонда давом этаётган барча соҳалардаги ислохотларнинг энг асосий мақсади инсон, унинг қадр-қиммати ва бошқа узвий ҳуқуқларини улуғлаш эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу мақсад замирида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қадр-қимматини эъозлаш ва ҳурмат қилиш каби эзгу ғоя ётибди.

Инсон қадри деганда унинг туғилишидан бошлаб юзага келадиган табиий ҳуқуқлар йиғиндисидан иборат қадриятлар тушунилади. Ўзбекистон давлатчилиги тарихидан маълумки, айнан инсон қадрини улуғлашга, адолат ва тенгликни таъминлашга, илму маърифатни юксалтиришга, миллий ўзликни англашга юксак эҳтиром кўрсатиб келинмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш беришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотларнинг бош мезонидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Инсон қадри учун” деган тамойил барча ислохотларимизнинг асосини ташкил



этмоқда. “Инсон — жамият — давлат” деган янги тизим асосида Ўзбекистон олдинга қараб интилмоқда.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш борасида мақсадли чоралар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсади — олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат.

Шунингдек, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг етти та устувор йўналиши белгилаб берилган. Булар:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;
- миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;
- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш кабиларни қамраб олади.

Тараққиёт стратегиясидаги ҳар бир вазифа инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада жадаллаштириш, одамларнинг орзу-интилишларини юзага чиқаришга яқиндан қўмаклашиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ижобий ўзгаришларга эришишга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ислохотлар самараси ўлароқ, инсон қадрини улуғлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Уларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият вакиллари кўриб, билиб турибди ва ўзларининг ижобий баҳоларини бериб боришмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, амалга оширилган ислохотлар туфайли Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалалари нафақат давлат, балки бутун жамият назорати остида. Фуқаролик жамияти институтлари амалдаги қонунчилик доирасида уни такомиллаштиришда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқларининг жамоатчилик мониторингини олиб боришда, ахборот-маърифий фаолиятда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича даврий миллий ва муқобил маърузалар тайёрлашда фаол

иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлиги, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади. Соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Инсон қадри улуғланиб, “Давлат – инсон учун” деган эзгу ғоя ҳаётга жорий этилмоқда.

**– Ўтган йили референдум асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар уч баробарга ошганлигини қандай изоҳлайсиз?**

– Инсоният тарихида инсонларнинг ақл-заковати маҳсули сифатида ихтиро қилинган ва тараққиётга катта ҳисса қўшган ихтиролардан бири – бу Конституциядир. У дастлаб алоҳида бир мақсад, вазифани бажариш учун вужудга келган бўлса, кейинчалик унинг вазифалари кенгайиб борди.

1991 йилда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўз Конституциясини мустақил қабул қилиш имкониятини берди. Конституция лойиҳасини тайёрлашда демократик хорижий мамлакатлар конституцияларини, халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида бўлажак Конституциямизда инсон ҳуқуқлари бош масала қилиб олинди.

Мустақил демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимиз манфаатлари кўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Конституциянинг иккинчи бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланиб унинг 6 та боби инсон ҳуқуқларига бағишланади. Унда барча фуқароларнинг миллатидан қатъи назар қонун олдида тенглиги белгиланди.

Шунингдек, Бош қомусимизнинг II боб 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”, – дейилган. Ушбу норма, бир

томондан, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканини амалда таъминласа, иккинчидан, ҳалқимизнинг мавжуд ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституцияга асосан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ифодалаш қонунларнинг ажралмас функцияларидан бирига айланди.

Ўз навбатида, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансбдор шахслари фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилаши тўғрисидаги қоида давлат органлари ва уларнинг мансбдор шахслари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга олиб келади. Унга кўра, давлат хизматчиларининг асосий мақсад, вазифа ҳамда мажбуриятлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ифодалашга қаратилади.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик тамойилига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланди. Ушбу қоида шахсга қўлланиладиган барча ҳуқуқий таъсир чораларини инсонпарварлик тамойиллари асосида қайтадан кўриб чиқишни назарда тутди.

**– Парламент вакили – депутат сифатида ҳам фаолият олиб боргансиз. Ўз амалий тажрибангиздан келиб чиқиб айтсангиз, қонун ижодкорлиги фаолиятида инсон ҳуқуқлари соҳасининг ўрни ва аҳамияти бошқа соҳалардан кўра қанчалик муҳим?**

– Мамлакатимизда инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги, “Инсон қадрлари учун” тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлиги давлатимиз раҳбарининг қатъий талабидир. Шу нуқтаи назардан, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, конституциявий жараёнлар натижасида Бош қомусимизда инсон қадрлари ва манфаати учун хизмат қиладиган нормалар амалдагисидан 3 баробарга кўпайди.

Ҳар қандай ҳуқуқий давлатда қонун ижодкорлиги фаолияти инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатловчи

энг муҳим қоидаларга асосланади. Ушбу талаб миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принципларига мувофиқлаштириш орқали таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликни такомиллаштиришга доир фаолият самарадорлиги қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга боғлиқ. Жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилишга оид қонун лойиҳаларининг экспертизаси ўта муҳим ва мураккаб жараён ҳисобланиб, уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига эътибор қаратилган.

**– Сиз адиб ва таржимон сифатида кўплаб асарлар, жумладан, машҳур мансуралар битгансиз, шунингдек, инсон ҳуқуқлари мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган энг сара мумтоз хорижий адабиёт намуналарини она тилимизга таржима қилгансиз. Айтинг-чи, сизнингча, “инсон ҳуқуқлари” тушунчаси миллий аҳамиятга эгами ёки умуминсонийми?**

– Ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндашганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт-шароитлар яратилганлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади – мамлакатда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдир.

Инсон ҳуқуқлари – бу инсоннинг туғилишидан то вафот этгунигача қадар бутун умри давомида унга ҳамроҳлик қиладиган ҳуқуқ ва эркинликлардир. Ушбу универсал ҳуқуқлар миллати, жинси, ирқи ёки этник келиб чиқиши, ранги, дини, тили ёки бошқа ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз барча учун ҳосдир. Инсон ҳуқуқлари яшаш ҳуқуқи каби энг асосий ҳуқуқлардан тортиб, муносиб турмуш тарзини таъминлашга хизмат қиладиган таълим олиш, меҳнат қилиш ёки ижтимоий таъминот олиш каби ҳуқуқларга қадар барча ҳуқуқларни камраб олади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Инсон ҳуқуқлари муносиб ҳаёт кечириш ва инсоний салоҳиятимизни ривожлантиришга имкон бериш учун зарур

бўлган барча инсоний фазилатлар учун муҳимдир. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш қўрқув, таъқиб ёки камситишсиз жамиятда яшаш учун катта аҳамиятга эга.

1948 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси оммавий ҳимоя қилинадиган асосий инсон ҳуқуқларини белгилайдиган биринчи юридик ҳужжат бўлди.

– **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида мамлакатимизда ягона бўлган “Инсон ҳуқуқлари уйи” фаолият бошлади.** Бундай маърифат масканлари, умуман, китоблар ва мутолаа жараёнлари инсон ҳуқуқлари муҳити яхшиланишига, инсон ҳуқуқлари маданияти юксалишига қанчалик хизмат қила олади?

– “Инсон ҳуқуқлари уйи”нинг очилиши, умуман олганда, маданият, маърифат масканларининг

кўпайиши халқимизни ҳуқуқий жиҳатдан янада саводхон, янада маърифатли қилиш билан бирга инсонларнинг китоб дунёсига қизиқиши ошишига сабаб бўлади, шунингдек, бундай қизиқишлар учун жуда катта шароитлар яратади.

Президентимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизнинг барча вилоятлари, туманлари, шаҳарлари ва чекка қишлоқларида кўплаб ахборот-кутубхона марказларининг – маърифат гулшанларининг очилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Айнан инсон ҳуқуқларига ихтисослашган замонавий кутубхона эса мамлакатимизда илк бор фаолият бошлади.

“Инсон ҳуқуқлари уйи”нинг очилиши мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими тараққиёти йўлида муҳим қадам бўлишига ишонаман.

**Севара Ишмуратова**  
суҳбатлашди



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.014



**Ильхом ТУРҒУНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Юридик таъминлаш  
ва муурожаатлар билан ишлаш  
бошқармаси бошлиғи, юридик  
фанлар доктори, доцент

*“Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумотлар, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”.*

**Шавкат Мирзиёев,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг шаклланиши тарихи расмий манбаларни ўрганиш орқали очиб берилган. Муаллиф Миллий гвардиянинг мустақил Ўзбекистон тарихида тутган ўрни ва бугунги кундаги аҳамиятини тадқиқ этиб, Миллий гвардия фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** Мустақиллик декларацияси, давлат мустақиллиги асослари, Олий Кенгаш, Миллий гвардия, Қуролли Кучлар, Президент, Мудофаа ишлари вазирлиги, доктрина, ҳудудий яхлитлик.

**Abstract.** The article reveals the history of the formation of the National Guard of the Republic of Uzbekistan through the study of official sources. The author studies the role and significance of the National Guard in the history of independent Uzbekistan and analyzes the legal foundations of the activities of the National Guard.

**Key words:** Declaration of Independence, fundamentals of State independence, Supreme Council, National Guard, armed forces, President, Ministry of Defense Affairs, doctrine, territorial integrity.

**Аннотация.** В статье на основе изучения официальных источников раскрывается история формирования Национальной гвардии Республики Узбекистан, её роль и значение в истории независимого Узбекистана, анализируется правовые основы деятельности Национальной гвардии.

**Ключевые слова:** Декларация независимости, основы государственной независимости, Национальная гвардия, Вооруженные Силы, Президент, Министерство обороны, доктрина, территориальная целостность.

Бугунги глобллашув шароитида турли геосиёсий зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар, давлатлараро низолар кўпайиши баробарида, ахборот ху-

ружлари ҳам кенг тус оляпти. У, ўз навбатида, борган сари замонамизнинг том маънодаги қудратли қуролига айланмоқда. Таъбир жоиз бўлса, уни

хатто ядро қуролидан ҳам хатарли, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки инсон онги ва қалбини забт этиш, унга ўз ҳукмини ўтказиш, шахсни маънавиятидан, миллий урф-одат ва қадриятларидан жудо этишга йўналтириладиган ахборот хуружлари кўринмаслик хусусиятига эгадир. Шундай экан, унга қарши миллий ахборот имунитетини шакллантириш, ахборот майдонида рақобатбардош миллий контент яратиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда<sup>1</sup>.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, замонавий таҳдидларга қарши муносиб кураш олиб бориш учун, аввало, ахборот маконида миллий контент яратиш зарурати, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатлар нуктаи назаридан баҳо бериш лозимлиги, акс ҳолда, ташқаридан турли ахборот хуружлари кириб келишига имкон яратиб қўйилиши, янгилик ва ахборотга эҳтиёжларнинг бошқалар томонидан тўлдирилишига сабаб бўладиган нохуш оқибатлардан огоҳ бўлишга даъват этди<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, бу ҳозирги даврнинг устувор талаби ва шартидир. Шу боис, ушбу мақолада ҳам “Миллий гвардиянинг ташкил топиши” мавзуси чуқур ўрганилган ва мавжуд фактлар асосида таҳлил қилинган.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сомонийлар давлати қўшинидаги “Турк ғуломлари”, Амир Темур қўшинининг “Баҳодирлар қисмлари”да шаклланган ҳарбий аъёналарга таянган ҳолда мутлақо янги асосда тузилган ҳарбий бўлинма ҳисобланади.

Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва хурриятга интилиб яшайди. У ҳамиша ҳар жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилишга, таҳликасииз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кишилик тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашни, шаклан турлича, моҳиятан

ўхшаш бўлган хурриятга интилиш ҳодисаларини кўп кўрган<sup>3</sup>.

Истиқлол даври тарихи ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг мураккаблиги, дунё тақдирига дахлдор бўлган муаммолар, серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини камраб олган умумий қарашлар, энг кичик, ўта муҳим бўлган барча ҳодисаларни ўзида жамлаган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг 1990 йил 20 июндаги иккинчи сессиясида “Мустақиллик Декларацияси” қабул қилиниб, унда ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой аъёналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда, Ўзбекистон халқининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этиб, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинди<sup>5</sup>.

“Мустақиллик Декларацияси”да Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига ички ва ташқи сиёсатга тегишли барча масалалар, шунингдек, иттифокдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатларни белгилаш ҳамда амалга ошириш алоҳида қайд этилди. Давлат ҳокимияти республика ҳудудига қирадиган барча таркибий қисмлар устидан амалга оширилиши кафолатланди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасида қатъий қарор қабул қилинганини маълум қилди. Эндиликда Москва томонидан қабул қилинган барча қарорлар республика ҳудудида қонуний кучга кирмоғи учун Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим эди. Шу билан бирга, “давлат суверенитети”, “давлат чегараси” каби атамалар жорий этилиб, уларнинг дахлсизлиги таъкидланди<sup>6</sup>.

Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг ҳамфикр бўлиб мустақиллик сари қадам қўйганлигини 1991

<sup>1</sup> Миллий контент: у ўзи нима, қандай зарурати бор? // <https://yuz.uz/news/milliy-kontent-u-oz-nima-qanday-zarurati-bor>.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Азизхонов М.Р. Мустақиллик даври тарихи расмий манбалари // “Scientific progress”, Volume 3. – 544-547-б.

<sup>4</sup> Ўша манба.

<sup>5</sup> Мустақиллик декларацияси / Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг 1990 йил 20 июндаги иккинчи сессиясида қабул қилинган // <https://lex.uz/ru/docs/185391>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси қабул қилинганига 30 йил тўлди // <https://qalampir.uz/news/uzbekiston-mustak-illik-deklaratsiyasi-k-abul-k-ilinganiga-30-yil-tuldi-21954>.

**йил 17 мартдаги** умумхалқ референдуми ҳам кўрсатди. Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика бўлишига доир қўшимча бюллетень бўйича 9 млн 215 минг 571 нафар фуқаро ёки овоз беришда қатнашганларнинг – 93,9 фоизи овоз берди<sup>7</sup>.

Жамиятда ички зиддият ва кескинлик ниҳоятда кучайди, эски тузумнинг портлаши ва бузилиши муқаррар бўлиб қолган эди. СССРнинг юқори раҳбарларидан бир гуруҳи **1991 йил 19-21 августда** ўзларини фавқулодда ҳолат Давлат қўмитаси деб атаб, давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрди<sup>8</sup>. Фавқулодда ҳолат муносабати билан собиқ Иттифокда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўта мураккаб вазият юзага келди. Ўзбекистон халқининг кейинги тақдири ана шу мураккаб шароитда қайси йўлни танлашига боғлиқ бўлиб қолган эди. Ўзбекистон раҳбарияти “Мустақиллик Декларацияси”ни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ қилиш ва миллий давлатчилигимизни тиклашдек ўта мураккаб ва масъулиятли, шу билан бирга адолатли йўлни танлади<sup>9</sup>.

Яъни СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети тузиш тўғрисидаги қарорга кўра, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокида 1991 йил 20 августда бўлган қўшма мажлисининг Баёнотига мувофиқ, шунингдек, ижроия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа ҳокимият ва бошқарув органларининг ишларида зиддиятларга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси Ўзбекистон ССР Конституциясига ҳамда қонунларига, Ўзбекистон Президентининг фармонларига, Олий Кенгаш билан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларига сўзсиз мос келиши, зид келади-

ган фармонлар ва қарорлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши ҳақида **1991 йил 21 август** куни Президент Фармони<sup>10</sup> чиқди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг **1991 йил 25 августдаги** Фармони<sup>11</sup> билан Республика Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон ССР нинг қонуний тасарруфига олиниб, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди. Шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан холи қилиниб, кўрсатилган идоралар ва муассасаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг янги ташкилий тузилмаларини вужудга келтиришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида эса жуда қисқа муддатда республиканинг “Давлат мустақиллиги тўғрисида” ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш тақлиф қилинди.

Натижада лойиҳа тайёрланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **1991 йилнинг 31 август куни** Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотига асосланиб, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунни қабул қилади<sup>12</sup>.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб, 6-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, **Миллий гвардия** ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга”, эканлиги мустаҳкамланди.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т., 1991., № 4. – 4-б.

<sup>8</sup> Қаранг: Кто убил СССР: называем поименно / Фильм «Новой газеты», ведущий – Дмитрий Муратов // <https://novayagazeta.ru/articles/2024/08/29/kto-ubil-sssr-nazyvaem-poimennno>.

<sup>9</sup> Ўзбекистон янги тарихи / Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М. Жўраев ва бошқ. – Т.: “Шарқ”, 2000. – 675 б.

<sup>10</sup> Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони, 21.08.1991 йилдаги ПФ-236-сон // <https://lex.uz/docs/210658>.

<sup>11</sup> Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони, 25.08.1991 йилдаги ПФ-237-сон // <https://lex.uz/docs/188475>.

<sup>12</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 31.08.1991 йилдаги 336-XII-сон // <https://lex.uz/docs/127899>.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилган бир шароитда давлатчилигини сақлаб қолиш учун мудофаа сиёсатини ҳам белгилаб олишни долзарб вазифалардан бири сифатида олдинга сурди. Чунки Ўзбекистонга чегарадош бўлган давлатларда нотинчлик ҳукм сураётганди. Бундан ташқари, XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб собиқ иттифоқ ҳудудида миллий низолар, чегара масалаларида келишмовчиликлар келиб чиқа бошлаган эди<sup>13</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда республиканинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида **1991 йилнинг 6 сентябрь куни** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони<sup>14</sup> тасдиқланиб, Вазирлар Маҳкамасига мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиш вазифаси юклатилди. Президентнинг **1991 йил 10 сентябрдаги** Фармони билан Мудофаа ишлари вазири тайинланди.

**1991 йилнинг 30 сентябрь** куни эса “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом бериш ҳақида қонун<sup>15</sup> қабул қилиниб, унда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддалари “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун қоидаларига зид келган ҳолларда мазкур қонунга амал қилиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси **1991 йилнинг 25 октябрь куни** “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги масалалари” ҳақида қарорни<sup>16</sup> қабул қилиб, ушбу қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тўғрисида низом” ҳам тасдиқланди.

Мазкур Низомда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги республиканинг

давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида, Мудофаа ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳарбий комиссарлиги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро мудофааси штаби, Ўзбекистон Республикаси ДОСААФ Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Армия сафидан ташқари хизматлар бўйича махсус бошқармаси негизида тузилганлиги қайд этилган.

Низомга кўра Мудофаа ишлари вазирлиги республика ҳудудида жойлашган СССР Мудофаа вазирлиги ва ички қўшинлар ҳарбий қисмларини, қўшилмаларини тузишда ва уларга раҳбарлик қилишда фақат иштирок этиши белгиланган.

Ҳуқуқлари доирасига эса **Миллий гвардияни бутлаш**, чақириладиган ёшларни тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, захирадаги ҳарбий хизматга мажбурларни ўқитиш, муқобил хизматни ташкил этиш, фуқаро мудофаасига раҳбарлик қилиш масалалари киритилди.

Вазирликка асосий вазифаларини бажариш учун **Миллий гвардияни бутлаш**, уни ўқитишни ва жанговар тайёргарликни таъминлашни ташкил этиш, Мудофаа ишлари вазирига эса ўзига бўйсунадиган тузилма бўлинмаларининг барча фаолиятига раҳбарлик қилиш топширилди.

**1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган** “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг<sup>17</sup> 5-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири – **Миллий гвардия қўмондони** тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ҳамда бошқа ҳаракатланиш воситаларида кўтарилиши белгиланди.

Республика Олий Кенгашининг **1992 йил 14 январдаги** “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

<sup>13</sup> Qurolli Kuchlar tarixi // Mudofaa vazirligi rasmiy veb-sayti // <https://gov.uz/oz/mudofaa/pages/qurolli-kuchlar-tarixi>.

<sup>14</sup> “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 06.09.1991 йилдаги ПФ-243-сон // <https://lex.uz/docs/188529>.

<sup>15</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом бериш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.09.1991 йилдаги 358-XII-сон. // <https://lex.uz/docs/139431>.

<sup>16</sup> “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги масалалари” ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 25.10.1991 йилдаги 269-сон // <https://lex.uz/docs/1032900?ONDATE=25.10.1991>.

<sup>17</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 18.11.1991 йилдаги 407-XII-сон // <https://lex.uz/docs/100122?ONDATE=18.11.1991>.

жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида“ги қарорига биноан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар республика тасарруфига олинди<sup>18</sup>. Бир йилдан сўнг қабул қилинган “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунда ҳам Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий тузилмаларнинг **1992 йил 14 январдан** республика юрисдикциясига ўтказилгани инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори<sup>19</sup> билан “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” этиб белгиланган.

Бошланган ишларнинг давоми сифатида, 1992 йилнинг 23 январь куни давлат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 3408-ҳарбий қисми негизда Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардия бригадасини тузиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори<sup>20</sup> тасдиқланиб, унга асосан ҳарбий қисмнинг бутун шахсий таркиби, қурол-яроғи, техникаси ва бошқа мол-мулки билан биргаликда Мудофаа ишлари вазирлиги ихтиёрига берилиб, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг бинолари ва иншоотлари комплекси ҳам Мудофаа ишлари вазирлигининг балансига ўтказилди.

**1992 йилнинг 1 июлидан** Туркистон ҳарбий округи бошқармаси тарқатилганлиги ва ўз фаолиятини тўхтатганлиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлигига айлантириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони<sup>21</sup> тасдиқланиб, **1992 йилнинг 3 июлидан** кучга кирди. Бу фармон асосида соҳадаги кенг камровли ўзгаришлар бошланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунидан келиб чиқиб, барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсати амалга оширилиб, ўз мудофаа қудратини қуролли тажовуздан ҳимояланиш учун етарли даражада сақлаб туриш учун ҳамда давлат идоралари ва маҳаллий бошқарув идораларининг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, бошқариш асосини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш мақсадида **1992 йилнинг 3 июль куни** “Мудофаа тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>22</sup> қабул қилинди (*кучга кирган санаси 06.08.1992*).

Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг мудофааси – давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, республика манфаатлари ҳимоя қилинишини ва аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборатлиги, Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига мувофиқ тажовузни даф этишга доим тайёрлигига асосланиши белгиланди.

Қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус қўшинлар ва **Миллий гвардиядан** иборат бўлиши таъкидланди.

Конституция комиссияси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси Олий Кенгаш қарори билан тўлалигича қабул қилиниб, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>23</sup> билан **1992 йил 8 декабрь куни** Конституция амалга киритилди.

<sup>18</sup> Маҳмудов З. Миллий армиямиз мустақиллигининг қўлга киритилиши тарихи // <https://xabar.uz/uz/jamiat/milliy-armiyamiz-mustaqilligining-qol>.

<sup>19</sup> “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.12.1993 йилдаги 1018-XII-сон // <https://lex.uz/docs/112115>.

<sup>20</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардиясини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 23.01.1992 йилдаги 29-сон // <https://lex.uz/uz/docs/379421>.

<sup>21</sup> “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.07.1992 йилдаги ПФ-434-сон // <https://lex.uz/docs/172877>.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни, 03.07.1992 йилдаги 641-XII-сон // <https://lex.uz/docs/23629?ONDATE=06.08.1992>.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”ги қонуни, 08.12.1992 йилдаги 723-XII-сон // <https://lex.uz/docs/92662>.

Конституциянинг “Мудофаа ва хавфсизлик” деб номланган XXVI бобининг 125-моддасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши, 126-моддасида эса Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга бўлиши мустаҳкамланди.

Дастлаб давлат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган Миллий гвардияга 1993 йилга келиб қўшимча вазифалар ҳам юклатила бошланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **1993 йил 2 апрелдаги** “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлар бўйича Комиссияси таркиби ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлар бўйича Комиссияси тўғрисида Низом”га<sup>24</sup> асосан мазкур Комиссияга зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларини ва **Миллий гвардия** қўшинларини авариялар, фалокатлар, экологик ва табиий офатларнинг оқибатларини тугатишга, фавқулодда вазиятлар зоналарида жамоат тартибини сақлашни ва аҳолининг ҳаёти учун зарур бўлган ҳамда халқ ҳўжалиги объектларини муҳофаза қилишни таъминлашга жалб этиш ҳақида белгиланган тартибда таклиф киритиш ваколати берилди.

**1995 йил 30 август кuni** Ўзбекистон Конституциясига ва республиканинг ҳарбий хавфсизлигига тажовузларга қарши ҳаракатларни ташкил этишда мамлакатни мудофаага тайёрлаш борасидаги давлат фаолиятини, Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш учун Қуролли Кучларни қўллашни тартибга солувчи қонунларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Қарори<sup>25</sup> билан “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси”<sup>26</sup> қабул қилиниб, **1995 йилнинг 26 сентябрь** кунидан кучга кирди.

Доктринада Қуролли Кучлар қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари белгиланиб, Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари ҳамда **Миллий гвардиядан** иборат эканлиги мустаҳкамланди.

Қуролли Кучлардан фойдаланиш шартлари сифатида – тинч воситалар ёрдамидаги куч-ғайратлар ҳамиша ҳам урушлар ва қуролли можароларнинг олдини олиш имконини беравермаслигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасига қарши ҳужумни даф этишда, тажовуздан ўзаро мудофааланиш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажаришда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти паноҳида, шунингдек “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасида тинчликпарварлик операцияларини ўтказиш мақсадида ўз Қуролли Кучларини қўллаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган тажовузни, ички вазиятни беқарорлаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг амал қилишини издан чиқаришга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш мақсадида Қуролли Кучлардан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2017 йилнинг август** ойидаги тегишли фармони асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлиги ва давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички вазифаларни бажарувчи бўлинмаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг махсус бригадаси базасида<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қайтадан шакллантирилди.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлар бўйича Комиссияси таркиби ҳақида”ги қарори, 02.04.1993 йилдаги 169-сон // <https://lex.uz/docs/1663755?ONDATE=02.04.1993>.

<sup>25</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори, 30.08.1995 йилдаги 105-1-сон // <https://lex.uz/docs/46819>.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси // <https://lex.uz/docs/134024?ONDATE=26.09.1995#134029>.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия тарихи ва фаолияти / Миллий гвардия расмий сайти // <https://milliygvardiya.uz/uz/menu/istoricheskiesvedeniya>.

Бу вақтда, Миллий гвардиянинг фаолияти, унинг алоҳида таркибий бўлинмалари ва муассасалари фаолиятини тартибга солувчи, юқорида кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг буйруқлари, Ўзбекистон Республикасининг бир нечта қонунли ҳужжатлари билан белгиланган эди.

Хавфсизлик кенгашининг **2018 йилнинг 10 январь кuni** ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида, Президентимиз Ш.Мирзиёев Миллий гвардиянинг асосий вазибалари, давлат ва жамоат хавфсизлиги соҳасида охириги йилларда юз берган муаммолар ҳақида гапирар эканлар, қуйидагиларга тўхталдилар: “Кейинги пайтларда Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда, Миллий гвардия ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, бу махсус ҳарбий бўлинма фаолияти жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, аҳолини турли террорчилик хатарларидан, жиноий ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Қисқа вақт ичида Миллий гвардия мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги муҳим бўғинга айланди ва Қуролли Кучлар таркибий қисмлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатди.

Афсуски, охириги 15-20 йил давомида жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масалаларига нотўғри ёндашув туфайли бу муҳим масала эътиборимиздан четда қолиб келди. Жумладан, Хавфсизлик кенгаши ҳам бунга етарлича эътибор бермаганини очиқ айтиш керак. Бу тизимнинг аниқ эгаси бўлмаган, бу масалалар билан шуғулланадиган бўлинмалар гоҳ Ички ишлар вазирлиги, гоҳ Мудофаа вазирлиги тасарруфида бўлиб келган. Шу сабабли ушбу бўлинмалар ўз ўрнини тополмади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш бўйича ўқув машқлари деярли ўтказилмаган. Тезкор вазибаларни бажариш зарур бўлган пайтда турли бюрократик тўсиқларга дуч келинган. Натижада тезкор қарорлар ўз вақтида қабул қилинмаган, вазибалар самарали бажарилмаган”<sup>28</sup>.

Юқори инстанциянинг топириғига кўра, **2019 йилнинг февраль ойида** Миллий гвардия-

нинг мақоми, ваколатлари, вазибалари, функцияларини белгилаш ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси устида иш бошланди.

2019 йилнинг январь ойига қадар Миллий гвардия шахсий таркиби ҳарбий унвонга эга бўлган ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилардан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, **2019 йил 29 январда** Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия таркибига Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари қўриқлашинини таъминлаш бўйича алоҳида батальони, ички ишлар органлари ходимларини дастлабки тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, Миллий гвардия тузилмасида эса Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда ҳудудий суриштирув бўлимлари, шунингдек назорат ва рұхсат бериш бошқармаси ташкил этилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қонун лойиҳасида, аввало, Миллий гвардия фаолиятининг асосий принциплари белгилаб олиниб, улар асосида Миллий гвардиянинг фаолиятини ташкил этишга, Миллий гвардияда ҳарбий хизматчи ва ходимлар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва шартларига, Миллий гвардиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳамда бошқа муҳим йўналишларга доир ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган яхлит қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳа “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали”да жамоатчилик муҳокамасига **2019 йилнинг 12 июнь** кuni чиқарилиб<sup>29</sup>, 27 июнь кuniга қадар лойиҳанинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ва бир-бирига зид нормалар мавжудлиги ҳамда лойиҳа матнининг оддий фуқароларга тушунарлилик даражаси юзасидан фойдаланувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини қолдиришди.

**2019 йилнинг 12 ноябрь** кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1419>.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни // <https://regulation.gov.uz/uz/d/3873>.

Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Лойиҳада умум-миллий кадриятларга таянган ҳолда, Миллий гвардия фаолиятининг асосий принциплари сифатида қонунийлик, фуқаро ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, ҳаракатчанлик, тезкорлик, доимий жанговар тайёргарлик ва бўлинмаларнинг ўзларига қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилиш тамойиллари қамраб олинганлиги таъкидланиб, депутатлар мазкур қонун лойиҳасини истисно тариқасида бирйўла уч ўқишда қабул қилиш таклифини билдирди. Таклиф маъқулланиб, қонун уч ўқишда қабул қилинди.

**2019 йил 13 декабрь куни** эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Сенатнинг йигирма бешинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ва “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларни муҳокама қилишди<sup>30</sup>.

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонун Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлиб, қисқа вақт ичида Миллий гвардия мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизимида муҳим бўлганга айланиб, Қуролли Кучларнинг бошқа таркибий қисмлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатгани таъкидланиб, қонун Миллий гвардия фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши, амалдаги қонун ҳужжатлари ва юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларга уйғун экани айтилди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг **2019 йил 14 декабрдаги** йигирма бешинчи ялпи мажлисида маъқулланди<sup>31</sup>. Сўзга чиққан сенаторлар қонун қабул қилиниши Миллий гвардия шахсий таркиби ўз хизмат ва ҳар-

бий мажбуриятларини ишончли, ташаббус билан ва монеликсиз бажаришини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беришини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонун<sup>32</sup> **2020 йил 18 ноябрда** имзоланиб, расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач, яъни **2021 йилнинг 20 май** куни кучга кириши белгиланди.

Қонун билан Миллий гвардиянинг фаолияти ҳуқуқий тартибга солинди ва унда органнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда асосий вазифалари белгилаб берилди. Унга кўра, Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус тури ҳисобланади. Шунингдек, Миллий гвардиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

терроризмга қарши курашишда, шунингдек террорчилик ҳаракатларининг ҳамда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш;

терговга қадар текширувни амалга ошириш, суриштирув ўтказиш, жиноят ишларини қўзғатиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш;

қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш;

жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан омавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намо-

<sup>30</sup> Миллий гвардия тўғрисидаги қонун сенаторлар томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилди // <https://kun.uz/kr/news/2019/12/13/milliy-gvardiya-togrisidagi-qonun-senatorlar-tomonidan-dastlabki-tarzda-korib-chiqildi>.

<sup>31</sup> Сенат томонидан “Миллий гвардия тўғрисида”ги қонун маъқулланди // <https://xabar.uz/huquq/senat-tomonidan-milliy-gvardiya>.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни, 18.11.2020 йилдаги ЎРҚ-647-сон // <https://lex.uz/docs/5128310#5128801>.

йишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш;

фавкулдда ҳолат, алоҳида давр ва террорчиликка қарши операцияларни ўтказиш шароитларида ҳуқуқий режимни таъминлаш;

қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш;

чет давлатларнинг расмий вакиллари, олий даражадаги хорижий делегацияларни кутиб олишда ва кузатиб қўйишда, Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокидаги тантанали тадбирлар чоғида расмий маросимларни ўтказиш;

хукукбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида аҳоли пунктларидаги жамоат жойларида патрулик қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий муҳофаази тизимида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини жанговар қўллаш режалари бўйича махсус вазифаларни ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишда қўмаклашиш белгиланди.

Бошқа органлардан фарқли равишда Миллий гвардиянинг бошқарув органи Миллий гвардиянинг марказий девони этиб номланди. Қонунда Миллий гвардия Миллий гвардиянинг қўмондони раҳбарлик қиладиган ягона марказлаштирилган тизимни ташкил қилиши, Миллий гвардия қўмондони бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунуши қайд этилди.

Бундан ташқари **2019 йил 8 июлдаги ЎРҚ - 548-сон<sup>33</sup>, 2019 йил 25 октябрдаги ЎРҚ-575-сон<sup>34</sup> ва 2023 йил 11 июль кунги ЎРҚ-854-сон<sup>35</sup>** қонунлари билан Миллий гвардия органларига маъмурий ҳукукбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ҳамда жарима тариқасида маъмурий жазо чораларини қўллаш, маъмурий баённома тузиш ва

тегишли органга қўриб чиқиш учун юбориш ваколати берилган.

**2022 йил 15 июнь кuni** қабул қилинган, **2022 йилнинг 17 сентябрь** кuni кучга кирган “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”<sup>36</sup>ги қонун билан Миллий гвардияга республикада қўриқлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, ўта муҳим, тоифаланган объектларни қўриқлаш, ихтиёрий равишда мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш фаолиятининг барча йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш ваколати берилди.

Мустақил Ўзбекистон Миллий гвардияси ташкил этилишини ретроспектив таҳлил қилиб, Миллий гвардиянинг шаклланиши бир неча босқичли ва мураккаб тарихий вазиятларда кечганлигини қўришимиз мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, буларнинг барчасига қарамай, қийин бўлиб қўринган нарсани амалга ошириш мумкин бўлди – турли йўналишларда вазифаларни бажарган ҳарбий бўлинмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишида фаолият олиб борган саф бўлинмалари ягона қўмондонликда бириктирилди.

Бугунги кунга келиб, Миллий гвардия органларида амалга оширилаётган ишлар республика раҳбариятининг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг мамлакат ҳудудлари бўйлаб қилинаётган сафарларида, албатта, у ерда хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг хизмат фаолияти, уларга яратиб берилаётган шароитлар билан бевосита танишаётганликлари, бу борадаги ишларнинг аҳволи бир неча марта Президент хузуридаги йиғилишларда кенг муҳокама этилаётгани бунинг исботидир.

<sup>33</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 08.07.2019 йилдаги ЎРҚ-548-сон // <https://lex.uz/docs/4407820>.

<sup>34</sup> “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.10.2019 йилдаги ЎРҚ-575-сон // <https://lex.uz/docs/4572217>.

<sup>35</sup> “Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 11.07.2023 йилдаги ЎРҚ-854-сон. // <https://lex.uz/docs/6530788>.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 15.06.2022 йилдаги ЎРҚ-778-сон // <https://lex.uz/docs/6066682>.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИЙ МАЙДОНИДА ХОРИЖИЙ ҲУҚУҚИЙ РЕСУРСЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ ЗАРУРАТИ ВА МОҲИЯТИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.015



**Омон ОҚЮЛОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
юрист, юридик фанлар доктори,  
профессор

**Аннотация.** Мамлакатимиз ҳуқуқий майдонида хусусий ҳуқуқий ресурслар амал қилиши шартномалар эркинлиги тамойилига асосланади. Реал ҳуқуқий майдон билан биргаликда виртуал ҳуқуқий майдон вужудга келиши хорижий ҳуқуқий ресурсларни мамлакатимизда қўлланиши учун қулай шароитлар яратди. Шу муносабат билан муаллиф виртуал ҳуқуқий майдонга илмий дефиниция таклиф этади. Унда виртуал ҳуқуқий майдоннинг барча атрибутлари қамраб олишга ҳаракат қилинган. Мамлакатимиз ЖСТга аъзо бўлиши учун хорижий хусусий ресурслар ва миллий ҳуқуқий ресурслар ўртасида уйғунлик бўлиши зарурлиги таъкидланади. Айниқса, англо-саксон ислом молияси конструкцияларини мамлакатимизда қўллаш масалалари таҳлил этилади. Айни пайтда хорижий ҳуқуқий ресурслар, умуминсоний қадриятлар ва мамлакатимиз миллий манфаатларига зид бўлмаслигига алоҳида урғу берилади.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий майдон, реал ҳуқуқий майдон, виртуал ҳуқуқий майдон, шартномалар эркинлиги, Жаҳон савдо ташкилоти, ҳуқуқ экспансияси, миллий ҳуқуқий ресурслар, хорижий хусусий ҳуқуқий ресурслар, ислом молияси конструкциялари, кибер ҳуқуқбузарлик.

**Abstract.** The functioning of private legal resources in the legal field of our country is based on the principle of freedom of contracts. The emergence of a virtual legal field alongside the real legal field has created favorable conditions for the application of foreign legal resources in our country. In this regard, the author proposes a scientific definition of the virtual legal field. An attempt is made to encompass all attributes of the virtual legal field. The necessity of harmonizing foreign private resources and national legal resources for our country's membership in the World Trade Organization is emphasized. Special attention is focused on the issues of applying Anglo-Saxon legal and Islamic financing constructs in our country. It is particularly noted that foreign legal resources should not contradict universal human values and national interests in our country.

**Keywords:** Legal field, real legal field, virtual legal field, freedom of contracts, World Trade Organization, legal expansion, national legal resources, foreign private legal resources, Islamic financing constructs, cyber legal violations.

**Аннотация.** Функционирование частных правовых ресурсов в правовом поле нашей страны основано на принципе свободы договоров. Возникновение виртуального правового поля наряду с реальным правовым полем создало благоприятные условия для применения иностранных правовых ресурсов в нашей стране. В этой связи автор предлагает научное определение виртуального правового поля. В нем принята попытка охватить все атрибуты виртуального правового поля. Подчеркивается необходимость гармонизации иностранных частных ресурсов и национальных правовых ресурсов для членства нашей страны во Всемирной торговой организации. Особо акцентируются вопросы применения конструкций англо-саксонского права и исламского финансирования в нашей стране. При этом отмечается, что иностранные правовые ресурсы не должны противоречить общечеловеческим ценностям и национальным интересам нашей страны.

**Ключевые слова:** правовое поле, реальное правовое поле, виртуальное правовое поле, свобода договоров, Всемирная торговая организация, правовая экспансия, национальные правовые ресурсы, иностранные частные правовые ресурсы, конструкции исламского финансирования, киберправонарушения.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг давлат суверенитетига бағишланган I бобида Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас деб кўрсатилган. Конституциянинг 15-моддаси 2-қисмида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий майдоннинг асосини ташкил этади, деб белгилаб қўйилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди айна вақтда ягона ҳуқуқий маконни ҳам ташкил этади ва бутун ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари устувор равишда амал қилади. Бу ўринда шуни эътироф этиш лозимки, ҳуқуқий тартибга солишда оммавий ҳуқуқий ресурслар ва хусусий ҳуқуқий ресурслар фарқланади. Оммавий ҳуқуқий ресурслар томонидан тартибга солинадиган оммавий ҳуқуқий муносабатлар хорижий ресурслар аралашувини истисно этади. Оммавий ҳуқуқий муносабатларни хорижий ҳуқуқий ресурслар билан тартибга солиш давлат суверенитетига хилоф ҳисобланади.

Бироқ хусусий (фуқаролик) ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида бундай деб айтиб бўлмайди. Бугунги глобаллашув шароитида турли мамлакатлар ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқалар кенг миқёсда амалга оширилаётган ҳозирги шароитда хусусий ҳуқуқий ресурслар, шу жумладан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Одатда, фуқаролик ҳуқуқий майдонда давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан бир қаторда ўзини-ўзи тартибга солиш ресурслари (корпоратив) норматив ҳужжатлар, ўзини-ўзи тартибга солишга қаратилган норматив ҳужжатлар, ноҳуқуқий манбалар (иш муомаласи одатлари, урф-одат, анъаналар) ва ҳатто хорижий давлатлар фуқаролик қонунлари амал қилади. Бундай таомил дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд. Бу ўринда савол туғилиши мумкин: “Қандай қилиб хорижий давлат қонуни Ўзбекистон ҳудудида амал қилади?” деган, бунинг жавоби жуда оддий: Фуқаролик Кодексининг 354-моддасида шартнома тузиш эркинлиги белгилаб қўйилган. Бунга кўра, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Тарафлар қонунчиликда назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Бунинг маъноси шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси қонунларида қандайдир тақиб бўлмаса, тарафлар Ўз-

бекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солилмаган ва қонунларда мавжуд бўлмаган хорижий мамлакатлар фуқаролик қонунларида мавжуд бўлган шартномаларни тузишлари ва ушбу шартнома билан боғлиқ муносабатлар хорижий давлат қонуни билан тартибга солинишини белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Европа ва АҚШ мамлакатларидаги ҳамкорлари бўлган резидентлар ўз шартнома муносабатлари учун тартибга солувчи ва ҳуқуқий ресурс сифатида хорижий мамлакатлар қонунларини ўз шартномаларида мустаҳкамлаб қўйганлиги кўп учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

Иқтисодий, илмий-техникавий муносабатларда янгидан янги объектлар ва ишланмалар турлари тинимсиз вужудга келмоқда. Хорижий мамлакатлар бу соҳада энг олдинги ўринларда. Бу ўринда ўзига хос бир ҳолатни ҳам кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонунининг 26-моддасига кўра, спорт турлари реестрига киритилган спорт турларининг қоидалари халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ қўлланилади. Бундан ҳарбий-амалий, Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари мустасно. Бу шуни англатадики, мамлакатимизда футбол ўйини қоидалари умумжаҳон футбол федерацияси, яъни ФИФА томонидан, шахмат ўйинлари қоидалари жаҳон шахмат федерацияси, яъни ФИДЕ томонидан белгилаб қўйилади, Ўзбекистон Республикаси ихтиёрий равишда уларни ҳуқуқий тартибга солиш ваколатини халқаро спорт ташкилотларига тақдим этади ва ўз ҳудудида улар тасдиқлаган қоидаларга қатъий риоя этилишини таъминлайди. Бундай таомил дунёнинг барча мамлакатларида амал қилмоқда. Айна пайтда спорт мусобақаларини ўтказиш ва ташкил этишга содир бўлган ҳуқуқбузарликлар учун оммавий ҳуқуқий жавобгарлик санкцияларини белгилаш ҳар бир давлат оммавий ҳуқуқ тартибот тизими орқали белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқий майдон реал ҳуқуқий майдон кўринишидан ташқари виртуал ҳуқуқий майдон кўринишида ҳам намоён бўлади. Албатта, кибермакон, тармоқлар макони, интернет тармоғи, виртуал майдон иборалари кенг қўлланилади. Файласуфлар ҳам, сиёсатшунослар ҳам, иқтисодчилар ҳам бундай макон борлигини эътироф этадилар ва замонавий воқеликнинг ўзига хос инъ-

икоси деб ҳисоблайдилар. Лекин унинг моҳияти бўйича турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Р.В. Шагиева: “Ахборотлашган жамият икки хил дунёни мавжудлиги билан тавсифланади. Биз учун одатдаги бўлган жисмоний дунё ва инсон томонидан яратилган компьютер сунъий муҳитида мавжуд бўлган виртуал дунё”, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Унинг фикрича, виртуал дунё ёки виртуал реаллик компьютерлар ва дастурий воситалар хотираси орқали жисмоний дунёни қисман акс этиши мужассамланиши ҳисобланади. Виртуаллик феномени шу сабабли ҳам дастлаб фалсафий тадқиқотларда илгари сурилди ва тадқиқ этилди. Н.Н.Телешина виртуал дунё этимологиясини ўрганиб унга нисбатан виртуал макон иборасини қўллаш тўғрироқ бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича макон илмий адабиётларда ва қонунчиликда ўзига хос ижтимоий муносабатлар вужудга келадиган махсус белгилари ва хусусиятларига эга бўлган кўриш, нигоҳ ташлаш доиралари чекланмаган оралик, кенглик сифатида намоён бўлади. Макон жисмоний тоифа сифатида аниқ белгиланиши учун муайян олд қўшимчасини талаб этади. Масалан, фазовий макон, уммоний макон, сув ҳавзаси, денгиз ҳавзаси ва ҳоказо. Ушбу тавсифлардан келиб чиқиб макон бу ниманидир ўзига сиғдирадиган, жойлаштирадиган ҳажм ва кенгликлар билан тавсифланадиган материянинг ҳолати деган хулоса чиқариш мумкин<sup>2</sup>.

Д.В. Грибанов., С. Ғуломов., М.А. Федотов бу ўрнида кибермакон тушунчасини қўллайдилар. Д.В. Грибанов кибермакон илмий муомалага ўрнашиб олгани, шунингдек хорижий давлатлар қонунчилигида ўз мужассамини топганлигини таъкидлайди ва кибермаконни ахборотни бошқариш тармоғи, соҳаси, яъни ЭҲМ ёрдамида қайта ишланадиган ва электрон компьютер тармоғи ёрдамида узатиладиган ахборот муносабатлари йиғиндиси сифатида тавсифлайди<sup>3</sup>.

АҚШ олий суди кибермаконни кибермакон фойдаланувчилари учун муайян ҳудудда мавжуд бўлиши шарт бўлмаган, бироқ интернет орқали дунёнинг ҳар бир нуқтасига чиқиш учун ҳар кимга имкон берадиган муайян уникал, мужассамланти-

рувчи ресурс, манба сифатида баҳолайди. Виртуал майдон бўйича жуда кўп тавсифлар, таърифлар мавжуд. Улар орасида энг ихчам В.А. Капелловнинг тушунчаси ҳисобланади. Унга кўра виртуал макон бу инсоният мавжудлигининг янги муҳити, давлат, жамият, шахсни фаолиятининг янги муҳити, уни виртуал муҳит, макон дейилишига сабаб шундан иборатки, ундаги ахборот оқимлари асосий объект бўлиб ҳисобланади. Бироқ жисмоний жиҳатдан, моддий жиҳатдан мавжудлиги сезилмайди<sup>4</sup>.

Н.Н. Телешина виртуал макон мазмунида унинг уч негизи мужассамланади, деб кўрсатади. Биринчидан, бу виртуал маконнинг ахборот базаси, яъни кўплаб ахборот оқимлари, ахборотнинг ҳаракат жараёнини қайта ишлаш, унинг шаклланиши ва тарқалиши механизмлари ҳисобланади. Иккинчидан, унинг ижтимоий негизи, яъни ЭҲМ ёрдамида қайта ишланаётган ахборотлар бўйича ташкил бўладиган интернет ва бошқа тармоқлардан фойдаланишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади. Учинчидан, виртуал макон инновацион жараёнлар, техник ва дастурий воситалар йиғиндиси мураккаб равишда амал қиладиган электрон тизим бўлганлиги сабабли унинг яна бир негизи – виртуал маконнинг техник ва технологик базаси, деб кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки, виртуал макон, кибермакон мавжудлигини жамият ва давлат эътироф этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”-ги қонуни 3-моддасида кибермакон ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит сифатида таърифланади. Ушбу қонунда киберхавфсизлик объектига ҳам дефиницияси белгиланган. Унга кўра киберхавфсизлик объекти – ахборотни кибер ҳимоя қилинишини ҳамда миллий ахборот тизими ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятда фойдаланиладиган ахборот тизимлари мажмуи, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси объектларидир. Албатта, юқоридаги қонунда асосий эътибор виртуал ма-

<sup>1</sup> Қаранг: Шагиева Р. В. Концепция правовой деятельности в современном обществе. – Казань, 2005. – 266-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Виртуальное пространство как новая юридическая конструкция: к постановке проблемы // Журн. «Юридическая техника», 2013, №7. – С. 741.

<sup>3</sup> Қаранг: Грибанов Д. В. Правовое регулирование кибернетического пространства как совокупности информационных отношений: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2003.

<sup>4</sup> Копилов В. А. Информационное право. – Москва, 1997.

конни тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Аини пайтда виртуал ҳуқуқий майдон нормал фаолият турлари учун ўзига хос майдон бўлиб ҳам ҳисобланади. Агар моддий мол-мулкда ашёлар бирламчи элемент ҳисобланса, виртуал майдонда мулкӣ ҳуқуқлар мажмуининг бирламчи элементи бўлиб ахборотлар, ахборотлар билан боғлиқ манфаатлар ҳисобланади. Гарчи ушбу сатрлар муаллифи ўзини бу соҳада ваколатли мутахассис ҳисобламаса ҳам виртуал ҳуқуқий майдон қиёфасига айрим чизгилар тортишга ҳаракат қилади.

Содда қилиб айтганда виртуал ҳуқуқий майдон ижтимоӣ тармоқлар, ахборот ресурслари орқали субъект дунёнинг қайси ҳудудида бўлишидан қатъи назар умумий, гуруҳ, индивидуал майдонларга идентификациялашган ёки аноним тарзда ижтимоӣ ҳуқуқий муносабатларга киришган имкон берадиган кенглик (майдон) ҳисобланади. Агар реал ҳуқуқий майдон объектив равишда мавжуд бўлса, виртуал ҳуқуқий майдон кишилар томонидан яратилади. Бинобарин, бундай виртуал ҳуқуқий майдон ўчириб қўйилиши, ёпиб қўйилиши, блокраниши каби чекловларга дучор бўлиши мумкин. Бундай хусусиятлар виртуал ҳуқуқий майдон режимини белгилашда, албатта, назардан қочирилмаслиги лозим.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фанларининг турли йўналишларида виртуал ҳуқуқий майдоннинг турли тармоқлари олимлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Жумладан, профессор Ш. Рўзиназаров томонидан рақамли иқтисодиёт масалалари<sup>5</sup>, профессор А. Расулов томонидан компьютер жиноятлари<sup>6</sup>, Ш. Хўжаев томонидан ижтимоӣ тармоқларни ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари<sup>7</sup> тадқиқ этилган. Бинобарин, виртуал ҳуқуқий майдон объектив реаллик сифатида мавжудлиги рад этиб бўлмас ҳақиқат ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда ижтимоӣ тармоқларда кибер ҳуқуқбузарлик, кибер жиноятчилик авж олаётгани тўғрисида хабарлар оқими тез-тез кўзга ташланмоқда. Айниқса, ўзгаларнинг пул маблағларини ўзлаштириш кўп учрамоқда. Бундай ҳолатлар виртуал макон, кибермакон мавжудли-

гини илгари билмаганлар учун ҳам унинг мавжудлигини тан олишга ўзига хос далил бўлиб хизмат қилди. Биз учун энг муҳим масала шуки, виртуал ҳуқуқий макон анъанавий ҳуқуқий тартиб солиш механизмига бўйсунадими ёки унинг учун махсус ҳуқуқий механизм яратилиши талаб этиладими?

Интернет билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этган профессор И. Рустамбеков реал ҳуқуқий майдон ва виртуал ҳуқуқий майдон ўртасида умумийлик мавжудлигини кўрсатиб, агар интернет соҳасидаги муносабатлар моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, анъанавий ҳуқуқ нормалари интернетга нисбатан ҳам тўлиқ тааллуқлидир, деб таъкидлайди. Ушбу ҳулосада ўзига хос муайян шарт, писанда мавжуд. Яъни виртуал майдондаги муносабатлар махсус ҳуқуқий тартибга солиш механизмини талаб этиши мумкин. Айниқса, соф виртуал муносабатлар доирасида амалга ошса. Масалан, виртуал маконда шартномалар тузиш, ижро этиш, тўловни амалга ошириш ҳеч қайси босқичда моддий, жисмоний кўринишларга ўтиши талаб этилмаса. Масалан, ахборот контентлари, аудио визуал асарлар билан боғлиқ шартномалар тузиш ва ижро этиш. “Виртуал майдон муайян давлат юрисдикциясига тобе бўла оладими?” деган савол туғилиши табиий.

Хитой мисолида давлат кучли чеклов чоралари орқали виртуал майдоннинг катта қисмини ўз юрисдикцияси таъсир доирасида ҳозирча ушлаб тура олиши мумкинлиги инкор этилмайди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий майдонида виртуал кенгликлар унинг юрисдикцияси таъсири доирасида бўлиш масаласида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида туриб виртуал ҳуқуқий муносабатларга киришганларнинг кўпчилиги ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикаси давлати юрисдикциясига тобелигини инстинктив даражада эътироф этадилар ва шунга мувофиқ ҳаракат қиладилар. Абдулла Орипов айтганидек, маконда ломаконлик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бошқа жиҳатдан олганда кибермаконга АҚШ олий суди берган таърифда ҳам жон бор. Баъзи муаллифлар интернет муайян давлат юрисдикциясига

<sup>5</sup> Рўзиназаров Ш. Ал-Хоразмий алгоритм таълимоти – рақамли ҳуқуқ шаклланишининг гносеологик асоси. – Тошкент: “Yashil yarqoq”, 2024.

<sup>6</sup> Қаранг: Расулов А. К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминалистические аспекты. – Ташкент, 2006.

<sup>7</sup> Хўжаев Ш. Ўзбекистон Республикасида ижтимоӣ тармоқларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари // Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда ахборот хавфсизлигининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. – Тошкент, 2022. – 324 – 330-б.

бўйсунмайди, у ўзини-ўзи тартибга солади, деган фикрларни ҳам баён этадилар. Давлат интернетнинг бир қисмини ўз юрисдикциясига олиш учун турли усуллардан фойдаланади. Жумладан, Туркия фуқаролари билан боғлиқ шахсий маълумотлардан фойдаланувчи, уларни қайта ишловчи серверлар ва операторларнинг Туркия Республикасида рўйхатдан ўтиши ва солиқ тўлашини шарт қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан ибрат олиб “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунга 271-моддани киритди.

Унга кўра, мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини таъминлаши шарт.

Мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини таъминлаши шарт.

Виртуал макон агарда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туриб субъектларга турли ижтимоий муносабатларга киришишга имкон берган ҳолда Ўзбекистон давлат юрисдикциясига бўйсунмоғи лозим. Техник ва юридик жиҳатдан имконият бўлган ҳар қандай ҳолда давлат ўз юрисдикцияни жорий этмоғи шарт. Бироқ бунда репрессив чоралар қўрилиши энг минимал даражада йўл қўйилиши лозим. Виртуал майдон имкониятларидан фойдаланиб хорижий давлатлар ўз ҳуқуқий ресурслари орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги субъектлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш уринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Субъектларда ихтиёрий танлаш имконияти бўлган ҳоллардан ташқари бундай уриниш ҳуқуқий экспансия сифатида баҳоланмоғи лозим.

Бу ўринда бежиз экспансия сўзи ишлатилмапти. Экспансия ҳар доим бирор давлатнинг ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилишини англатади. У турли кўринишларда намоён бўлади ва ҳуқуқий экспансия шу вақтга қадар эътибор берилмаган масала ҳисобланади. Одатда ўзганинг таъсирига берилиши учун ёки ҳуқуқий бўшлиқ бўлиши лозим, ёки миллий ҳуқуқий тартибга солиш механизми заиф ёхуд касодга учраган, ёки ички ва ташқи омиллар туфайли миллий ҳуқуқ тизими кучли таъйик, босим остида бўлган бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизими муайян бошқа хорижий ҳуқуқий ресурслар томонидан босимга дучор бўлаётганининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Ҳуқуқий экспансия глобаллашув жараёнларининг натижаси сифатида оммавий маданият никоби остида муайян даражада ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётганини пайқамаслик мумкин эмас. Унинг баъзи фрагментларини ювиниал юстиция, феминизм, ЛГБТнинг ўта никобланган ғоявий контентларида илғаш мумкин.

Кейинги ҳуқуқий ресурс англо-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатимизда ўз таъсир нуқталарига эга бўлишга уринаётганида кўринади. Қўшни Қозоғистон Республикасида англо-саксон ҳуқуқ тизими ўз юрисдикциявий ҳудудларига ҳам эга бўлган, ундан ибрат олиб муайян махсус иқтисодий ҳудудларда англо-саксон ҳуқуқ тизимини қўллашга рухсат берилганлигини ҳам эътироф этмоқ лозим. Бироқ у ўзининг жиддий амалий натижасини бергани йўқ. Лекин қачонгача деган савол туғилади. Бу бежиз эмас. Мамлакатимизда англо-саксон ҳуқуқ тизими таъсир доирасини оширишга жиддий кизиқиш билдираётган “юмшоқ кучлар” ҳам мавжуд. Булар Европа ва АҚШ билан иқтисодий ҳамкорлик ришталарини ўрнатган бизнесменлар эканлиги кундай равшан.

Мамлакатимиз юридик таълим муассасаларида, айниқса, ислом ҳуқуқ тизими таълими йўлга қўйилганлиги, Вестминстер университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университетида муайян давр оралиғида англо-саксон ҳуқуқ тизими мутахассислари корпуси шакллантирилганлиги ҳам бор гап. Улар нафақат ўзга мамлакатларда, балки мамлакат

ичида ҳам англо-саксон ҳуқуқ тизимини қўллашни тарғиб этувчи ўзига хос таъсир кучи ҳисобланадилар. Мамлакатимизда иқтисодий, ҳуқуқий ислохотлар ривожланишига ёрдам берувчи чет эллик мутахассис экспертлар ҳам англо-саксон ҳуқуқ тизими халқаро арбитраж судларида қўлланиши билан қаноат ҳосил қилмасдан, уни одил судлов тизимида ҳам қўллаш лозимлигини тинмай ўқидирмоқдалар. Албатта, англо-саксон ҳуқуқ тизими дунёнинг жуда кўп мамлакатларида муваффақиятли ва самарали қўлланилмоқда. У судларга муайян вазиятдан келиб чиқиб қонун нормаларини ёки унинг тамойилларини талқин қилиш асосида адолатли ва оқилона қарорлар қабул қилишга имкон бериши унинг афзаллик томонларидан бири ҳисобланади. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Миллий одил судлов тизими англо-саксон ҳуқуқ тизимини қўллашга тайёр эмас. Қитъа ҳуқуқ тизимидаги батафсил ҳуқуқий тартибга солинганлик судьялар корпусини қонун нормалари кўрсатмаси доирасида иш кўришга ундайди, қонуннинг тамойиллари асосида иш юритишга имкон бермайди.

Судьялар корпуси қонуннинг руҳи билан эмас, қонуннинг ҳарфига қараб ишлайди. Ҳар бир судьянинг фаолиятига бериладиган баҳо мезони бўлиб унинг қанча қарорлари бекор қилинганлиги ёки бекор қилинмаганлиги ҳисобланади. Бир мисол келтириш мумкин, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қабул қилинганига қарийб 20 йилдан ошди. Ушбу тамойил иқтисодий одил судловда кенг қўлланиши тахмин қилинган эди. Тўғри, қонун ижодкорлиги жараёнида у асқотди, бироқ судьялар корпуси томонидан уни кенг қўллаш деярли рўёбга чиқмади. Қонуннинг руҳи эмас, ҳарфи ишлаши судьялар корпусининг қон-қонига сингиб кетган. Бошқа жиҳатдан олганда, тадбиркорлик субъектларининг кўпчилиги учун англо-саксон ҳуқуқ тизими ҳақида жонли ва аниқ тасаввур мавжуд эмас. Тўғри, ушбу тизимни айрим шартнома конструкциялари масалан, инвестициялар бўйича, интеллектуал мулк бўйича, импорт-экспорт шартномалари бўйича мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали ўзлаштирилмоқда. Президентимиз Фармони билан Навоий маҳсус иқтисодий зонасида

англо-саксон ҳуқуқ тизимини қўллаш мумкинлиги белгилаб қўйилганига ҳам анча бўлди, бироқ бу соҳада жиддий силжишлар кузатилгани йўқ. Юқоридаги ҳолатлардан англо-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатимиз ҳуқуқий майдонида қўлланмасин, деган ҳулоса чиқмайди. Бироқ бу жараёни сунъий равишда тезлаштиришни креативлик нишонаси, тараққиёт мезони сифатида белгилашга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Мамлакатимиз фуқаролик ҳуқуқ майдонида кириб келишга шай турган яна бир хорижий ҳуқуқий ресурс ислом молияси институтлари ҳисобланади. Ислом молияси дунёнинг нафақат муслмон мамлакатлари, балки Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, Малайзияда аҳолисининг 67 фоизи муслмон динига эътиқод қилган ҳолда банк операцияларида ислом молияси институтларини қўллаш етакчи ўринга чиққани қайд этилган.

Ислом банклари Ўзбекистон Республикасида фаолият бошлаганига анча бўлди. Агробанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Ипак йўли банкларида хусусий секторни ривожлантириш бўйича кредит линиялари ҳисобидан мубораха хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Трастбанк ҳузуридаги “Траст-муомилат” МЧЖ томонидан исломий лизинг, яъни ижара ва мубораха – насияга савдо операциялари, Ҳамкор банк томонидан ҳам исломий лизинг хизматлари кўрсатиб келиняпти. 2021 йил 1-4 сентябрь кунлари Тошкентда Ислом тараққиёт банки бошқарувчилар кенгазининг 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Саммитда ИТП гуруҳи ва 10 та аъзо мамлакат ўртасида умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 30 та молиявий келишув имзоланди. Шундан 330 миллион долларга тенг маблағ Ўзбекистон манфаатларини кўзлаб сарфланиши келишилди.

Ўзбекистон учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси тузилди. Шу билан бирга, ИТПнинг тўлиқ тизими ишга тушди. 2022 йил 20 апрель куни кучга кирган нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш тўғрисидаги қонунда микромолия ташкилотлари ислом молияси тамойиллари асосида қарзлар бериши мумкинлиги белгилаб қўйилди. 2023 йил августда Президентнинг тадбиркорлар билан учрашувида ислом молияси масаласи кўтарилган эди<sup>8</sup>. Мар-

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/6591947>.

казий банк ислом молияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва 2024 йил охиригача парламентга киритилишини маълум қилди. Ислом молиясини жорий этиш бўйича вазирликлараро ишчи комиссияси бу соҳа бўйича жиддий фаолият олиб бормокда. Марказий банк изоҳ беришича бу янги ва мураккаб соҳа. Қонунчиликка жуда кўп ўзгартириш киритишни талаб қилади<sup>9</sup>. Шунинг таъкидлаш ўринлики, ислом молияси қоидалари тадбиркорлар қатламининг муайян қисми хатти-ҳаракатларига доимий равишда ўз таъсирини ўтказиб келган. Албатта, бундай таъсир латент (яширин) кўринишда бўлган. Бу, энг аввало, ҳаромдан қочиш, асоссиз бойиш, яъни фоизларни қўлламаслик ва тадбиркорлик таваккалчилик хавф-хатарини тенг тақсимлашда намоён бўлади. Айниқса, қарз муносабатларида рибога йўл қўймаслик энг муҳим қоида ҳисобланган. Тижорат ишида шериклар таваккалчилик даражасини тенг тақсимлашда зарарига ҳам, фойдасига ҳам шерикман деган муҳим қоида амал қилган. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг деярли барчасида ислом молиясининг ҳуқуқий асослари муайян даражада ўз мужассамини топди. Масалан, Қирғизистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ислом молиясига доир 17 мажбурият конструкцияси киритилди. Мамлакатимизда гарчи бу соҳада амалиёт лойиҳалари кенг қўлланаётган бўлса ҳам, унинг ҳуқуқий асослари миллий ҳуқуқ тизими институтлари сифатида намоён бўлгани йўқ. Назаримизда бу борада қандайдир фобия, хавфсираш борга ўхшайди. “Ислом молияси институтларини миллий ҳуқуқ тизимига киритиш келгусида тадбиркорларнинг катта қисмини ўз бизнесини шу асосда ташкил этишга иқтисодий ҳуқуқий майдонда бўлинишга, табақаланишга олиб келмайдими?” деган саволлар, албатта, жавоб талаб қилади. Дастлабки оддий табақаланиш келгусида мустақил сегментларга айланиши ва бу ҳолат сиёсий майдонда ҳам акс садо бериши ҳақиқатдан муаммо мавжудлигини кўрсатмайдими? Ислом молиясини хорижий ҳуқуқ ресурслари орқали тартибга солиш ёки миллий ҳуқуқ тизимига имплантация қилиш орқали тартибга солиш масаласи ҳам жиддий таҳлил талаб этади. Баъзи мутахассислар фикрича, ислом молияси институтларини миллий ҳуқуқ тизимига

имплантация қилиш мукамал тартибга солиш механизмини яратишга имкон бермайди. Барибир охир-оқибатда доктринал, концептуал масалалар бўйича бирламчи манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бирламчи манбалар эса хорижий ресурсларда мужассамланган ёхуд тарихий ҳуқуқий ёдгорликларимиз, масалан, “Ҳидоя”га мурожаат этишга олиб келиши мумкин. “Улар берадиган ечимлар миллий ҳуқуқ доктринаси билан уйғунлаша оладими?” деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ислом молияси институтларини жорий этиш юридик таълим тизимини ҳам ислоҳ қилишни талаб этади. Адвокатлар, юридик хизмат ходимлари ва охир-оқибатда судьялар корпуси ҳам муайян қайта тайёргарликдан ўтиши лозим бўлади.

Юқоридаги масалалар мамлакатимиз хусусий ҳуқуқий тизими ҳуқуқий майдонда яқка эмаслигидан далолат беради. Тўғри, унда муайян устунликлар, афзалликлар ва ҳатто доминантлик бор, деб айтиш мумкин. Лекин агар англо-саксон ва ислом молияси экспанцияси эмас, балки таъсирининг кучайиши натижасида бу доминантлик келгусида ҳам сақланиб қолишига ким кафолат бера олади? Турли ҳуқуқ тизимлари, ресурслари ўртасида очикдан очик рақобат кураши авж олган ҳозирги шароитда миллий ҳуқуқ тизими истиқболини қандай тасаввур қилиш мумкин? Миллий ҳуқуқ тизимининг ривожланиши учун асосий концептуал ғоялар, амалий ечимлар ишлаб чиқадиган манба бўлиб ҳисобланган миллий цивилистика фани мутахассислари ичида ҳам табақаланиш, гуруҳланиш рўй бериши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди. Албатта, фикрлар хилма-хиллиги, турли муқобил ғоялар кураши ҳар қандай илм-фаннинг ўзаги, негизи ҳисобланади. Илм-фанда муайян ғоянинг яқка ҳокимлиги, унинг мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниши стагнация, турғунлик даврига олиб келади, таракқиётни тўхтатади. Шу сабабли ҳам цивилистикада турли оқимлар, гуруҳлар мавжуд бўлиши, улар ўртасидаги илмий баҳс-мунозара нормал ҳолат ҳисобланади. Англо-саксон ҳуқуқ тизими ҳам, ислом молияси институтлари ҳам иқтисодиётимиз ҳуқуқий тизими учун муайян позитив оқибатларга олиб келиши табиий. Агар англо-саксон ҳуқуқ тизими энг сўнгги замонавий конструкцияларни олиб келиб ҳуқуқни қўллаш

<sup>9</sup> Қаранг: “Ислом молияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёр” – Беҳзод Ҳамроев // <https://kun.uz/kr/news/2024/05/20/islom-moliyasi-togrisidagi-qonun-loyihasi-tayyor-behzod-hamroyev>.

амалиётини бойитса, тадбиркорларимиз учун дунё бозорида янги уфқлар очса, ислом молияси ҳам юқоридаги каби функцияларни бажарган ҳолда халқимизни, тадбиркорларнинг муайян қисмига ўз ахлокий қадриятлари билан касбий фаолияти ҳуқуқий асослари ўртасида муайян уйғунликни вужудга келтиради. Айни пайтда миллий хусусий ҳуқуқ тизими ҳам ўзининг бунёдкорлик ислохотларининг ҳуқуқий негизи вазифасини бажаришни заифлаштирмаслиги талаб этилади. Замонавий цивилистика фани тараққиётнинг қайси босқичига келгани ва ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириб, янги илмий ечимлар бўйича илмий тадқиқотларнинг жонлантирилиши талаб этилади.

Албатта, мамлакатимиз хусусий ҳуқуқий майдонида миллий ҳуқуқ тизими билан яна иккита хорижий ҳуқуқий ресурслар ўртасида ўзига хос мусобақа бўлиши, энг аввало, тадбиркорлар учун қулайликни вужудга келтиради. Биз бу ўринда Фуқаролик кодексининг VI бўлими, яъни халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик хусусий ҳуқуқ нормаларига нисбатан татбиқ этиш масаласига тўхталиб ўтмадик, зотан унинг ҳам хорижий ҳуқуқий ресурсни мамлакатимиз ҳудудида қўллаш билан боғлиқ легитим манба сифатида ўрни бор. Бу глобал ҳолат ҳисобланади ва барча давлатлар ҳуқуқий тизимида ўз мужассамини топган. Унинг ўзига хос жиҳатлари ҳуқуқий жиҳатдан батафсил тартибга солинган ва илмий тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ушбу мақолада бу масалага тўхталиб ўтиш жоиз деб топилмади.

Хорижий ресурслар мамлакатимиз ҳуқуқий майдонида ҳуқуқий тартибга солиш манбаси мақомига эга бўлганда у мазмунан миллий ҳуқуқ тизими билан уйғунлиги ёки зиддиятларга бориши масаласи ва бунда миллий ҳуқуқ тизимининг софлигини таъминлаш масаласи ҳам жавоб талаб қиладиган масала. Бу ўринда асосий филтрловчи қатлам сифатида Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий санамаслик қоидалари ва оммавий тартиб тўғрисидаги ёндашувларга қаралади. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 116-моддаси қонунчилик талабларига мос келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ тартибот ёки ахлоқ

асосларига атайин қарши тузилган битимларни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб санайди ва аҳамиятсиз қилиб қўяди. Шу жиҳатдан олганда хорижий ресурслар мамлакатимизда қўлланганда улар барибир миллий ҳуқуқ тизимининг муайян талабларига бўйсунди.

Албатта, мамлакатимиз Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига (БСТ) аъзо бўлиш арафасида турибди, бу эса унинг дунёнинг ягона иқтисодий, ҳуқуқий макони таркибига киришини англатади. Мамлакатимизда БСТ бўйича конвенциялар ва келишувлар миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилинса, ушбу келишувлар ва конвенциялар нормалари миллий қонунларимиз руҳига сингдирилгандан кейин, улар хорижий, ёт элемент эмас, балки миллий ҳуқуқий тизим нормасига айланади. Лекин БСТга аъзо бўлиб кириш мамлакатимиз хусусий ҳуқуқий майдонида хорижий ресурслар кенгрок қўлланиши учун ўзига хос шарт-шароитни яратади. Ушбу илмий таҳлилнинг асосий якуний хулосаси шундан иборатки, мамлакатимиздаги хусусий ҳуқуқий майдонни фақат миллий қонунлар амал қилувчи майдон сифатида қараш даври ўтганлигини англаб етиш ва ҳуқуқий жамоатчилик томонидан ушбу ҳуқуқий майдонда хорижий ҳуқуқий ресурслар самарадорлиги, уларнинг ўз ўрнида қўлланиши каби масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Албатта, ислом молияси институтларини келгусида миллий қонунлар, қонуности ҳужжатлари шаклида трансформация бўлиш ҳолатлари истисно этилмайди. Бироқ ҳатто шундай бўлган тақдирда ҳам, уни тўлиқ, мукаммал миллийлаштиришга имкон бўлмаса керак. Яна бошқача айтганда, унинг муайян доктринал сегментлари хорижий манбаларда, хорижий ресурс сифатида статусини йўқотмайди.

Англо-саксон ҳуқуқий ресурсларини қўллашда ҳам муайян эҳтиёткорликлар талаб этилади. Уни одил судловда кенг қўллашни талаб қиладиган юмшоқ қонунларда миллий ҳуқуқ тизимига нисбатан паст назар билан қараш, англо-саксон ҳуқуқ тизимини мукаммал, самарали тизим сифатида кўкларга кўтариш ёндашувлари кучаймаслиги лозим, акс ҳолда ўзига хос ҳуқуқий экспансия вужудга келишига шарт-шароитлар яратилади.

ИНСОН ВА ҚОНУН

# ПЕНОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.016



**Акром САИДОВ,**  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада Янги Ўзбекистонда жазони ижро этиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар батафсил таҳлил қилинган. Пенология фанининг мазмун-моҳияти, унга хос хусусиятларни ёритиш асносида мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш борасида мулоҳаза юритилган.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, Жиноят кодекси, пенология, маҳкумлар, жазони ижро этиш, классик пенология, позитивистик пенология, ислохотлар пенологияси, реституциявий пенология.

**Abstract.** The article analyzes in detail the reforms carried out in the penal system in New Uzbekistan. The essence of the science of penology, as well as the illumination of its features, is reflected in the improvement of the penal system in our country.

**Key words:** New Uzbekistan, Criminal Code, penology, convicts, execution of punishment, classical penology, positivist penology, penology of reforms, restitutorial penology.

**Аннотация.** В статье подробно анализируются реформы системы исполнения наказаний в новом Узбекистане. На основе раскрытия содержания науки пенологии, освещения присущих ей особенностей формулируются предложения по совершенствованию системы исполнения наказаний в нашей стране.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, Уголовный кодекс, пенология, осужденные, исполнение наказания, классическая пенология, позитивистская пенология, пенология реформ, реституционная пенология.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган барча ислохотларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Қонун ҳукмрон бўлган жамиятда албатта адолат, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва юксалиш бўлади, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади”**<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар адолатли

жамият ва ижтимоий давлат қуриш, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилганлиги эътиборга лойиқ.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни, шу жумладан илм-фан ҳамда илмий фаолият ва таълимнинг ривожини, интеграцияси учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир жамият ва давлат мустақилликка эришиб, ўз тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъ-

<sup>1</sup> Қаранг: Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига // <https://president.uz/uz/lists/view/6961>.

минлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўз Конституциясида мустақамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Олий юридик кучга эга бўлган Конституция асосида давлатнинг миллий қонунчилиги шаклланади. Жазони ижро этиш қонунчилиги ҳам миллий қонунчиликнинг таркибий қисми сифатида амалиётда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мазкур қонунчиликнинг назарий асосларини мустақамлаш, жазони тайинлаш тўғрисидаги фан – пенологияни ривожлантириш долзарбдир.

**Пенология тўрт турга бўлинади ва ҳар бир тур бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга.**

**1. Классик пенология.** Мазкур йўналиш жазони жиноятчилик билан курашдаги энг муҳим восита сифатида қўрилишини белгилаган. Классик пенологлар ҳисоблайдиларки, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ўзга сўзлар билан айтганда, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси айбдор шахсга суд томонидан белгиланадиган жазога мутаносиб бўлиши шарт. Жазонинг жиддийлиги содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва оғирлигига нисбатан пропорционал бўлиши керак. Классик пенологиянинг (унинг концептуал пойдеворини) пайдо бўлишига XVII – XIX асрларда ижод қилган куйидаги олимлар ва файласуфлар ҳисса қўшганлар: **Г. Галилей, Р. Декарт, Ф. Бэкон, И. Ньютон, Дж. Локк, Г. Лейбниц, Д. Юм, О. Конт, Дж.Ст. Милль, Ст. Джевонс, У. Уэвелл**<sup>2</sup>.

**2. Позитивистик пенология.** Бу йўналишда энг асосий эътибор жиноятчиликка ва жиноий хатти-ҳаракатларни тадқиқ этишга қаратилган. Позитивист пенологлар ҳисоблайдиларки, жиноятчиликнинг сабаблари, ҳар бир одамнинг феъл-атворида мужассам бўлади, унинг бундай тизимини бевосита генетика, биология ва психология бошқаради, шунингдек ижтимоий омиллар

ва ташки муҳитнинг омиллари ҳам жиноятчиликка бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Позитивистик пенологиянинг машҳур вакиллари сифатида **Джереми Бентам (1748–1832) ва Джон Остин (1790–1859)** намоён бўлади ва уларнинг илмий ишлари, ҳозирги даврда ҳам нуфузли манбалар сифатида тан олинади. Улар билан биргаликда шу соҳада меҳнат қилган **Карл Бергбомни**, “манфаатлар юриспруденциясини” ишлаб чиққан **Рудольф фон Иерингни** ва “миллий суверенитет” ишланмасининг муаллифи **Адемар Эсменни** эслаш мумкин<sup>3</sup>.

**3. Ислохотлар пенологияси.** Мазкур пенология рецидивизмнинг даражасини пасайтириш ва реабилитациянинг муҳимлиги билан боғлиқ масалаларга урғу беради. Ислохотчи пенологлар ҳисоблайдиларки жиноятчини криминал юриш-туришдан фақат унинг маълумотини ошириш, унга таълим бериш, маслаҳатлар бериш ва ўзга криминалдан тузалиш воситаларини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Франция файласуфи **Мишель Фуко**, ўзининг илмий рисоласи “Назорат ва жазолаш. Турмани юзага келиши”да “яхши пенитенциар ҳолатда бўлган вазият”нинг етти та универсал принципларини намоён қилган:

- маҳкум-жиноятчининг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш, тузатиш;
- содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасига, ёшига, оғишмаларига ва қайта тарбиялаш босқичларига қараб, маҳкумларни тақсимлаш ва уларни бир-биридан ажратиш;
- жазонинг миқдорини маҳкумларнинг шахсига оид таърифларига қараб ўзгартириш, агарда уларга нисбатан бўлган таъсир хатти-ҳаракатларининг ўзгаришига олиб келса. Агар маънавий ўзини шахсини ўзгартириш ҳолати юзага келган бўлса, у ҳолда бу шахсни муддатидан илгари жазодан озод қилиш;
- маҳкумларнинг меҳнат фаолияти уларнинг криминал ҳаётдан тузалишининг ва жамиятлашувининг асосий элементи ҳисобланади;
- маҳкумларни тарбиялаш ва бу тарбиялаш умумий жиҳатдан – диний ва маданий соҳага қаратилган бўлиб, ихтисослик бўйича таълим бериш ва уларни мутахассис сифатида етиштиришдир;
- жазони ижро этиш муассасасининг махсус персонали маҳкумлар устидан назорат қилади

<sup>2</sup> Қаранг: Лебедев С. А. Курс лекций по философии науки. – Москва: Изд-во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2014. – 318 с.

<sup>3</sup> Қаранг: Апсаламов Р. Г. Юридический позитивизм: понятие, сущность, история развития // «Проблемы права», 2010, № 2. – С. 152–156; Радько Т. Н., Медведева Н. Т. Позитивизм как научное наследие и перспектива развития права в России // «Государство и право», 2005, № 3. – С. 5–13.

ва турма режимини амалга оширишда раҳбарлик қилади. Бу шахслар тегишли маънавий сифат ва техник кўникмаларга эга бўлиб, маҳкумлар тўғри йўлга кириб, социаллашув жараёнида фаол иштирок этадилар;

– собиқ маҳкумларнинг тўлиқ ресоциаллашувини амалга оширишда доимий равишда йўлбошчилик қилиб, уларга кўмак бериш<sup>4</sup>.

**4. Реституциявий пенология.** Унинг класик шаклида мазкур пенология 1974 йил 28 май куни Китченер деб номланган шаҳарнинг Онтарио вилояти (Канада) да ҳамда 1977-1978 йилларда АҚШдаги Индиана штатининг Элксхарт шаҳрида юзага келган. Унинг хусусияти жиноят-ҳуқуқий тизимдан ташқарида бўлса ҳам, аммо у билан зич ҳолда ҳамкорлик қилиши билан таърифланади. **Канадалик пробация хизматининг ходими Марк Йантци** айнан шу реституциявий пенологиясининг асосчиси ҳисобланади<sup>5</sup>. Бу ҳамкорлик маҳкум ва жабрланувчи ўртасида алоқаларни ташкил этиб, юзма-юз уларнинг манфаатларини мулоқот асосида муайянлаштириб, жабрланувчининг зарарини қоплашга йўналтиради ва маҳкумнинг ўз айбини тан олган ҳолда бу зарарни тўла қоплаш ҳаракатига олиб келади<sup>6</sup>.

Шу билан бирга пенологиянинг учта компоненти мавжуддир:

**Биринчи компонент** – маҳкумга нисбатан у томонидан содир этилган жиноий ҳаракат учун қасос олиш. Қасос жазонинг маънавий жихатидан асослайди ва кўпгина ҳолларда жамият томонидан жиноий қилмишни қоралаш усули сифатида намоён бўлади.

**Иккинчи компонент** – реабилитация. Мазкур тушунча ҳуқуқбузарларнинг тузалиш ва жамиятга реинтеграция жараёнларига кўшилиш усули сифатида намоён бўлади. Реабилитация (оқланиш) жиноий қилмишнинг туб илдизли сабабларини даволашнинг муҳимлигини кўрсатади, яъни бирон бир нарсага тобеликдан ёки руҳий касалликдан тузалиш ва шу йўл билан рецидивизм даражасини пасайтириш.

**Учинчи компонент** – реституция. Бу жиноятчи томонидан жабрланувчига нисбатан тўланадиган тоvon сифатида намоён бўлади. Бу демакки,

маҳкумлар ўзининг жиноий қилмишлари натижа-сида келтирган моддий зарарни тўла қоплаб бериши ва зарарни бартараф этиш учун ишлаши шарт.

Пенологиянинг бу учта элементи жиноий қилмишга қарши курашда учта ҳар хил ёндашувга эга: қасос-жазолашга урғу беради, реабилитация –ислоҳ қилишни тарғиб қилади, реституция эса моддий жавобгарликка энг асосий эътиборни қаратган бўлади.

Айнан шу жиҳатларга қараб, жазони ижро этиш соҳасида келажакда натижа берувчи ислохотларни амалга ошириш керак бўлади, бу эса назарияда пайдо бўлган яна битта ғояга эътибор қаратилишини тақозо қилмоқда. Мазкур назария Грешам Сайкс томонидан тақдим этилган бўлиб, унинг рисоласи “Асиралар жамияти”да (1958 йил) турмалар тўғрисидаги маълумотлар энг таъсирчан монографиялар ичида ўз нуфузли ўрнини топди<sup>7</sup>.

Китобнинг 4-бобида Сайкс турмадаги ҳаётга оид бешта калитли йўқотишларни қайд этади:

- 1) шахс озодликдан маҳрум этилади;
- 2) тегишли моллар ва хизматлардан жудо бўлиши;
- 3) гетеросексуал алоқалардан ажралиб қолиши;
- 4) автономиядан ажралиб қолиши, яъни шахс мустақил равишда қарорларни қабул қилишга ва ўз ҳаётини мустақил назорат қилиш имкониятидан маҳрум бўлади;
- 5) хавфсизлик ҳолатидан жудо бўлади.

Сайкс бундай ҳолларни “ҳибсга олинishi билан боғлиқ изтироблар” сифатида таърифлаган, аммо у нималар изтиробларга кирмаганлигини аниқлаштирмасдан, фақатгина “йўқотишлар ёки турмадаги ҳаётдан умидсизликка тушмоқ” деган тушунчани келтириб, уларни маҳкумларга атайлаб қўлланиладиган жазо сифатида таърифлаган<sup>8</sup>.

Кейинчалик, “изтироб, оғриқ” тушунчаларининг дудмоллиги олимлар учун аҳоли ва ҳудудларнинг кўпроқ доирасига бундай тушунчани кенгайтириб, ишлатилишига олиб келди.

Ҳақиқатдан ҳам Сайкс берган рўйхат ниҳоятда озчилик таърифига эга. Турмалар эркак ва аёлларнинг уларнинг иродасига зид равишда эркинликдан ажратиб турибди. Жиддий воқелик турмалар-

<sup>4</sup> Қаранг: Фуко М. Надзирать и наказывать. Рождение тюрьмы. – М.: «Ad Матеш», 1999. – 478 с.; Филимонов О. В. Пенитенциарная система Российской Федерации в свете европейских стандартов. – Псков: Псковский юридический ин-т, 2008. – С.111.

<sup>5</sup> Қаранг: Ховард З. Восстановительное правосудие: Новый взгляд на преступление и наказание / Примирение Жертв и Преступников: экспериментальная площадка // <https://studfile.net/preview/9941518/page:12/>.

<sup>6</sup> Қаранг: Ховард З. Восстановительное правосудие: Новый взгляд на преступление и наказание. – М.: Центр «Судебно-правовая реформа», 2002. – С.79.

<sup>7</sup> Қаранг: Sykes G. The Society of Captives: A Study of a Maximum Security Prison. – Princeton, NJ: Princeton University Press, 2007.

ни барча учун аён бўлган ғам-ғуссага тўла жойларга айлантириб, уларнинг таъсири фақат безовталиқ ҳиссини келтиради, чунки бу ерда энг муҳим ва оддий мақомга эга бўлган масалалар ҳокимиятнинг аҳён-аҳёнда куч ишлатиш ва беҳисоб хатти-ҳаракатлари билан иккинчи даражали ҳолга айланади. Шунга асосан, қизиқарлики, Сайкс фақатгина оғрик-изтиробларнинг фақатгина бешта турини ажратган. Нью-Жерси штатига қарашли турмасида кўпгина соатларни тадқиқотга бағишлаб, у, шубҳасиз, шахсан ўзи қўшимча изтиробларни юзага келишининг гувоҳига айланар эди. Аммо у бу масалага аниқлаштириш киритмади ва унинг рўйхати умумий жиҳатдан қамраб олувчи-ми деган саволга

ҳозирча ҳам аниқ жавоб йўқ. Бундай дудмоллик, унинг келтирган формулировкасини фойда келтириш жиҳатидан чекламайди, балки унинг таърифини нақадар муваффақиятга эғалигини кўрсатади, чунки бундай “ногўликлик тадқиқотчиларни мазкур концепция устида яна ишлаб, уни тобора кенгайтириб бориш учун йўл очади”<sup>9</sup>.

Демак, жазони ижро этиш қонунчилигининг истиқболлари жамият ва давлатга, бевосита инсон учун фойда келтирувчи пенологик назарияни пухта ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ этилишини тақозо қилмоқда. Бунинг учун эътиборимизни тўрт йил ичида судланган шахсларнинг миқдорига қаратишимиз мақсадга мувофиқ бўлади:

#### Шахсларнинг судланганлик ҳолати динамикаси

| №           | Ҳудудлар             | 2019 й.       | 2020 й.       | 2021 й.       | 2022 й.       | 2023 й. 6 ойи |
|-------------|----------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| 1           | Андижон вилояти      | 1 976         | 2 126         | 3 678         | 4 458         | 2 188         |
| 2           | Бухоро вилояти       | 1 321         | 1 430         | 2 115         | 2 678         | 1 439         |
| 3           | Жиззах вилояти       | 1 203         | 1 109         | 1 506         | 1 962         | 1 018         |
| 4           | Қашқадарё вилояти    | 1 987         | 1 840         | 2 921         | 3 942         | 1 829         |
| 5           | Қорақалпоғистон Рес. | 761           | 842           | 1 240         | 1 725         | 868           |
| 6           | Навоий вилояти       | 885           | 743           | 1 160         | 1 588         | 942           |
| 7           | Наманган вилояти     | 1 896         | 2 048         | 3 947         | 5 047         | 2 292         |
| 8           | Самарқанд вилояти    | 2 836         | 2 685         | 3 613         | 4 411         | 2 323         |
| 9           | Сирдарё вилояти      | 750           | 758           | 1 448         | 1 687         | 841           |
| 10          | Сурхондарё вилояти   | 1 518         | 1 537         | 2 565         | 3 150         | 1 873         |
| 11          | Тошкент вилояти      | 4 202         | 4 090         | 6 166         | 7 630         | 3 814         |
| 12          | Тошкент шаҳри        | 4 907         | 4 291         | 7 137         | 9 338         | 4 056         |
| 13          | Фарғона вилояти      | 2 575         | 3 555         | 6 275         | 7 427         | 3 158         |
| 14          | Хоразм вилояти       | 789           | 945           | 1 239         | 1 499         | 714           |
| <b>Жами</b> |                      | <b>27 603</b> | <b>27 999</b> | <b>45 010</b> | <b>56 542</b> | <b>27 355</b> |

**Судланган шахслар** – жазо тайинланиб ҳукм чиқарилган ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жиноят ишлари бўйича судларда кўрилган жиноят ишлари асосида чиқарилган айблов ҳукмларига биноан 2019 йили 27 603 нафар судланувчи айбдор деб тан олинди, уларга тегишли жавобгарликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазони ижро этиш муассасаларига юборилди. Агарда бу кўрсаткични 100 фоиз сифатида қабул қиладиган бўлсак, 2020 йили содир этилган жиноятлар учун 27 999 нафар шахс айби бор деб тан олинди ва суднинг айблов

ҳукми асосида жавобгарликка тортилиб, жазони ижро этиш жойларига юборилди. Судланган шахсларнинг сони 2020 йили 2019 йилга қараганда 101,44 % ўсди. 2021 йили эса жиноятларнинг сони сезиларли даражада ўсди ва судлар томонидан 45 010 нафар шахс жазоланди. Шундай қилиб, судланганларнинг сони кескин равишда 160,75% ошиб кетди. 2022 йили бўлса бу кўрсаткич 2021 йилга қараганда 56 542 нафар шахсни ташкил қилди ва судланганларнинг сони 125,62% ошиб кетди.

<sup>8</sup> Ўша манба. – 64-б.

<sup>9</sup> Қаранг: Davis MS. ‘That’s classic!’ The phenomenology and rhetoric of successful social theories / “Philosophy of the Social Sciences”, 1986, №16(3). – P. 297.

Шундай қилиб, судланганлик институти бўйича Ўзбекистонда жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг сони тобора ўсиб бориши билан боғлиқ хавотирли оғишма намоён бўлмоқда.

Бу ҳолатни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралда қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида куйидаги вазифалар белгиланди:

- вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш;
- 18 ёшга тўлгунга қадар содир этган жиноят (ўта оғир жиноятлар бундан мустасно) учун шахс жазони ўтаб бўлганидан сўнг судланмаган ҳисобланишига оид нормани қонунчиликка киритиш орқали бундай шахсларнинг судланганлик тамғасидан халос бўлишини таъминлаш;
- мазкур масалалар бўйича Қонун лойиҳасини тайёрлаш;
- айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарликни либераллаштириш;
- учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш ҳаракатларини биринчи марта содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш;
- ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар учун Жиноят кодексига белгиланган санкцияларга муқобил жазо чораларини киритиш;
- жиноят ишини судларга айблов ҳулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибини жорий этиш;
- жиноятларни тергов қилиш жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш;
- кибержиноятчиликнинг олдини олиш. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига “Кибержиноятларнинг олдини олиш фаолияти” таълим йўналиши ва мутахассислигини қўшиш орқали ушбу соҳа бўйича бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигининг белгиланган умумий штат бирликлари

ри доирасида киберхавфсизликни таъминлашга масъул таркибий тузилмаларида кибержиноятларнинг олдини олиш масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказлари ва уларнинг илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали ушбу соҳани стратегик, илмий ва ҳуқуқий таъминлашни кучайтириш;

- кибержиноятларнинг олдини олиш методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш<sup>10</sup>.

Демак, жазоларни қўллаш ва уларни ижро этиш соҳасидаги либераллашув сиёсати давом этирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги фармони билан қабул қилинган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида куйидаги вазифалар белгиланган:

- қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш;
- маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига қўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш;
- фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш;
- жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш;
- қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш;

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й., 06/23/27/0121-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон; 29.12.2023 й., 06/23/216/1008-сон; 21.11.2024 й., 06/24/185/0944-сон // <https://lex.uz/docs/6396146>.

• Ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола ҳуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш<sup>11</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида қуйидаги вазифалар белгиланган:

• жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва жазо муддатини ўтаб чиққан, профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар билан якка тартибдаги профилактик ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш (39-мақсад 3-банд);

• тергов судьяси институтини жорий этиш (84-мақсад 15-банд);

• тергов ҳибсхоналарини айбланувчи ва судланувчини тўлиқ кузатиш имконини берувчи видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш (84-мақсад 20-банд);

• судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида 2 баробарга ошириш (84-мақсад 34-банд);

• жиноят-ижроия қонунчилигини қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни назарда тутувчи қуйидаги нормалар билан тўлдириш: миллий превентив механизм иштирокчилари, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари; жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг ташрифлари турлари ва даврийлиги; мониторинг ташрифларини ўтказиш тартиби; мониторинг ташрифлари яқунлари бўйича тавсиялар бериш; мониторинг ташрифлари натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги ва улардан фойдаланиш тартиби (85-мақсад; 17-банд)<sup>12</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, келажакда мазкур тадбирлар янгича шаклга эга бўлган жазони ижро этиш тизимини юзага келтиради ва унда асосий

ролни жазони ижро этишда манзил-колониялари ўйнайди. Уларнинг сонини кўпайтириш ижобий тавсифга эга ва мазкур жазони ижро этиш жойларида:

• оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар;

• ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар ўтказилади.

Манзил-колонияларда маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга бўлиб, учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши ҳам мумкин.

Манзил-колония ҳудудидан ташқарида ҳаракатланиш чегараларида маҳкумлардан тилхат олиниб, маълум қилинади ва тилхат уларнинг шахсий хужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Маҳкумлар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайдилар. Маҳкумларнинг исми ва отасининг исми бош ҳарфлари ҳамда фамилияси ёзилган рўйхат хоналар эшигининг ташқи тарафига осиб қўйилади.

Судланган шахсларнинг сони бўйича йиллик статистикадан кўринмоқдаки, 40 мингдан ортиқ шахс ҳар йили жиноий жавобгарликка тортилмоқда. Уларнинг ҳолатини инобатга олган ҳолда жамият учун долзарб бўлган давлат манфаатига эга бўлган объектларга манзил-колониялар шаклида ишга жалб қилиш сиёсатининг амалга оширилиши жамият учун ҳам, маҳкумнинг қайта тарбияланиши учун ҳам манфаатли бўлишига аминмиз.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон // <https://lex.uz/docs/5841063>.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 07/23/300/0693-сон; 11.11.2023 й., 06/23/193/0844-сон; 24.11.2023 й., 06/23/199/0882-сон; 14.12.2023 й., 06/23/205/0934-сон // <https://lex.uz/docs/6600390>.

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.017



**Сардор ТУРСУНБОЕВ,**  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
академияси мустақил  
изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тергов тузилмалари фаолияти таҳлил қилинган ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўрганилган. Муаллиф тергов тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирган.

**Калит сўзлар:** прокуратура, тергов, терговчи, терговга қадар текширув, Жиноят процессуал кодекси, қонун ўстуворлиги.

**Abstract.** The article analyzes the activities of the investigative structures of the prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan and explores their organizational and legal basis. The author makes proposals to improve the activities of investigative structures.

**Key words:** prosecutor's office, investigation, investigator, pre-investigation examination, Code of Criminal Procedure, rule of law.

**Аннотация.** В статье проанализирована деятельность следственных структур органов прокуратуры Республики Узбекистан, изучены их организационно-правовые основы и формулируются предложения по совершенствованию деятельности следственных структур.

**Ключевые слова:** прокуратура, следствие, следователь, досудебное расследование, Уголовно-процессуальный кодекс, верховенство закона.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади шиддат билан ўзгараётган замон талабларига жавоб берадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида кафолатлайдиган қонунчилик тизими ҳамда уни амалга ошириш механизминини тўлиқ шакллантириш ва амалиётга жорий этишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда, айниқса, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва улар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, жиноятдан жабрланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, ушбу жара-

ёнлар давомида қонунийлик таъминланиши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиклиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт”<sup>1</sup>.

Маълумки, тергов ҳаракатларининг мақсади жиноий ҳодиса бўйича далилларни тўплашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (ЖПК) 87-моддаси 1-қисми-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 152-б.

га кўра, далиллар, гувоҳларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент ўтказиш, экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш учун намуналар олиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади<sup>2</sup>.

Қайд этиш керакки, жиноят процессида жиноий ҳодиса юзасидан далилларни тўплаш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатларини назарда тутувчи нормалар уларнинг кетма-кетлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан тўлиқ тизимлаштирилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 350-моддаси<sup>3</sup> дастлабки терговнинг бошланиши деб номланган бўлиб, унга кўра терговчи жиноят ишини қўзғатиб, уни ўз иш юритувига олади ва бу ҳақда иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги қарорга ёзиб қўяди. Башарти терговчига олдин қўзғатилган иш берилган бўлса, у ишни ўз юритувига олганлиги тўғрисида қарор чиқаради, шундан сўнг дастлабки терговни бошлайди.

Одатда, инсон ҳаёти ёки соғлиғи билан боғлиқ аксарият жиноят ишлари ҳодиса жойини кўздан кечиришдан бошланади. Бироқ ушбу тергов ҳаракати, одатда, жиноят иши қўзғатилгунга қадар амалга оширилади ва жиноят ишида далил сифатида эътироф этилади.

Жиноят-процессуал кодексида бир қатор тергов ҳаракатлари санаб ўтилган бўлиб, уларни қатъий равишда кетма-кетликда амалга оширилади, деб бўлмайди. Фақатгина мазмунига қараб ҳамда ҳар бир жиноят ишининг индивидуал хусусиятларига кўра ажратиш мумкин.

Хусусан, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, эксперимент ўтказиш каби сўроқ тергов ҳаракати ўтказилгандан сўнг, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ёки аксарият ҳолларда, тан жароҳати ҳолатлари юзасидан жиноят иши ҳодиса жойини кўздан

кечиришдан бошланса, ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик каби жиноятларда ушбу тергов ҳаракатлари ўтказилмайди. Бунда, дастлаб сўроқ тергов ҳаракати амалга оширилади.

Қайд этилганларга кўра, дастлабки тергов бошланишидан иш судга юборилгунга қадар бўлган жараёни куйидаги икки босқичга ажратиш орқали тизимли камчиликлар ва уларни барта-раф этишга қаратилган аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

**биринчи босқич** – кечиктириб бўлмайдиган тергов ёки процессуал ҳаракатларини ўтказиш;

**иккинчи босқич** – бошқа тергов ёки процессуал ҳаракатларни амалга ошириш.

Қайд этиш керакки, ЖПКда “кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар” деган жумла ишлатилса-да, бироқ кодекснинг муайян нормасида қандай ҳолатлар кечиктириб бўлмайдиган деб эътироф этилиши назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари самарадорлигини тақомиллаштиришда бир қатор масалаларга эътибор қаратиш зарур.

**Биринчидан**, жиноят процесси назарияси ва амалиётидаги айрим тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш орқали, турлича ёндашув ҳолатларига барҳам берилишини таъминлаш лозим. Таъкидлаш керакки, тадқиқот ишини олиб боришда баъзи олимлар муайян соҳага ёндашганда уларнинг мазмунини турлича шарҳлашади. Ушбу ҳолат тадқиқот ишидан фойдаланувчиларда ҳар хил тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, процессуал қонунчиликда муайян норма мазмуни очиб берилмаганлиги натижасида уни қўллашда ва тушунишда муаммолар юзага келади. Ўз-ўзидан, мазкур жараён нормани ҳамма бир хил тушуниши учун унинг мазмунини очиб беришга эҳтиёж мавжудлигини англатади.

Масалан, тергов ҳаракати тушунчаси Жиноят процессуал кодексида баён этилмаган бўлиб, натижаси далил бўлиб хизмат қилмасдан, фақат бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш учун асос бўладиган экспертиза текшируви учун намуналар олиш,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (2021 йил 15 мартга қўйилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). – Т.: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021 й. – 63-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. – 260-б.

мурдани эксгумация қилиш каби ҳаракатлар тергов ҳаракати ҳисобланиши ёки йўқлиги ҳолати мавҳумлигича қолган.

**Иккинчидан**, ҳар бир қонун бузилиши ёки муаммонинг туб илдизини аниқлаш асосий вазифа бўлгани каби тергов фаолиятида кадрларни тайёрлаш борасида ўзига хос янгича ёндашув талаб этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, рақобатбардош кадрларни етиштириш учун кадрлар тайёрлашда ҳам рақобат муҳитини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, ҳуқуқшунос кадрларнинг чинакам меҳнат бозорида танлаб олинишига шароит яратиш лозим. Бунинг учун амалдаги юридик таълим муассасалари билан рақобат қила оладиган янги таълим муассасаларини ташкил этиш талаб этилганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони<sup>4</sup> кўра, Бош прокуратура академияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди ҳамда унда жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда ягона ёндашув асосида тайёрлашга қаратилган узлуксиз ўқув тизими йўлга қўйилди.

Бу орқали прокуратура органларида тергов ишининг самарали ташкил этилиши, назарий-ҳуқуқий билимларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан уйғунлиги таъминланди.

**Учинчидан**, соҳа кадрларини танлаб олишда субъективликка йўл қўйилишининг олдини олиш, бу жараёнда шаффоф механизмларни яратиш, ходимлар фаолиятини баҳолаб боришнинг замонавий тизимини жорий этишга эришиш зарур.

Бундан ташқари, кадрларни танлаш жараёни уларнинг психологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши, яъни температурнинг муайян турига мувофиқ бўлиши лозим.

Айнан мана шу хусусиятлар инобатга олинмаган ҳолда, ишга қабул қилинган кадрлар ўз хоҳишларига кўра эгаллаб турган лавозим мажбуриятларини бажара олмасдан, вазифасида озод этилганлиги ҳолатлари кўпга кузатилган.

Прокуратура органлари, яъни прокурорлар фаолиятининг ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш лозим бўлган йўналишларидан бири — бу уларнинг моддий таъминоти (техникаси, хизмат бинолари, зарурий жиҳозлар, воситалар ва бошқалар), уларнинг иш ҳақи, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминоти қонун билан қатъий регламентланган бўлиши ҳамда бу тартиб уларнинг бошқа ҳокимият субъектларига шубҳали ва асоссиз тобелигини келтириб чиқармаслиги лозимлиги ҳисобланади.

Прокуратуранинг мустақил фаолият юритиши учун моддий жиҳатдан давлат кафолати зарур, албатта. Яъни прокурорнинг мустақиллиги, шунингдек, прокуратура органлари ўз вазифаларини тўғри бажариши учун етарли миқдорда бюджет маблағлари ва барча зарур ресурслар билан таъминланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXV боби бевосита прокуратура органларига бағишланган бўлиб, унинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган<sup>5</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида мамлакатимизда прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни билдирмоқчимиз.

**Биринчидан**, жиноят-процессуал қонунчиликнинг манбалари — бу Конституция ва қонунлар, шу жумладан Жиноят-процессуал кодекси. Аммо суриштирув ва тергов органлари яна бир манбага — тергов олди амалиёти ҳужжатларига муҳтож деб ҳисоблаймиз.

Бундай ҳужжатларни тўплам шаклида чиқариш, уни ҳар чоракда ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ва мамлакатимиздаги барча суриштирув, тергов органлари ходимларига такдим этиш тавсия қилинади.

Мисол учун, АҚШнинг жиноят процессида прецедентдан жиноий процессуал ҳуқуқнинг манбаи сифатида фойдаланилади ва у муҳим аҳамиятга эга. Прецедент тизимининг афзалликлари

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/6299077>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

унинг ҳар бир жиноят иши юзасидан тергов амалиётида аввал мавжуд бўлган жиноят иши бўйича амалга оширилган тергов ҳаракатлари, суд-экспертиза тайинлаш турлари ва бошқалар ўтказилиб ўз самарасини берганлигида кўринади.

**Иккинчидан,** суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятига тегишли қонун, қонунности ҳужжатларини оммавий тарзда барча аҳолига тушунтириш, уларни хабардор қилиш бўйича механизм ишлаб чиқиш зарур.

АҚШ ва Германия давлатларида жиноятларни тергов қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ошқора эълон қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Шу сабабли, жиноятларнинг тергов қилинишига ёндашув профилактика хусусиятига эга бўлади.

**Учинчидан,** дастлабки терговни амалга ошираётган терговчилар ҳамда кўпчилик прокурор-

ларнинг амалиётида айбдорнинг бир ҳаракатини ҳар эҳтимолга қарши бир неча моддалар билан квалификация қилиш ҳолатлари учраб туради. Бунда: “Жиноят иши судда кўрилган пайтда судья ўзига керак моддаларни чиқариб ташлаб, охириги модда билан ҳукм чиқаради”, – деган нотўғри фикр мавжудлиги кўзга ташланади. Бу ҳолатда бир шахснинг айбловига қўйилган ҳар бир модда алоҳида расмийлаштирилиб, ҳисобот қилинади ва ортиқча қўйилган моддалар сунъий равишда давлатимизда жиноятчиликнинг сонини оширади.

Шу сабабли идоралараро, яъни Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Адвокатлар палатаси ўртасида ҳамкорликни таъминлаш, ушбу масала юзасидан норматив ҳужжат ишлаб чиқиш, терговчи, прокурорларнинг малака ошириш курсларида ушбу масалага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.



# АХБОРОТ МАКОНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.018



Умиджон АБДУБАННАЕВ,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси миллий  
маркази мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада ахборот маконида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасида амалга ошираётган давлат сиёсати хос хусусиятлар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** БМТ, ЮНЕСКО, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, сўз эркинлиги, Виндхук декларацияси, Бағрикенглик тамойиллари декларацияси, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.

**Abstract.** The article analyzes the international legal framework for ensuring human rights in the information space. Also, the characteristics of the state policy implemented by the Republic of Uzbekistan in the field of information are studied.

**Key words:** UN, UNESCO, Organization for Security and Cooperation in Europe, The International Committee of the Red Cross, freedom of speech, Windhoek Declaration, Declaration of Principles on Tolerance, Development Strategy of New Uzbekistan.

**Аннотация.** В статье проанализированы международно-правовые основы обеспечения прав человека в информационном пространстве. Также исследованы особенности государственной политики Республики Узбекистан в информационной сфере.

**Ключевые слова:** ООН, ЮНЕСКО, Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе, Международный комитет Красного Креста, свобода слова, Виндхукская декларация, Декларация принципов толерантности, Стратегия развития нового Узбекистана.

Инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган ахборот олиш ҳуқуқининг ривожланиши халқаро ҳуқуқнинг II Жаҳон урушидан кейинги тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки илк бор давлатлар томонидан халқаро ахборот алмашинувининг дахлсизлиги 1945 йилда Мехико шаҳрида “Ахборот эркинлиги” шиори остида бўлиб ўтган Америкалараро конференцияда АҚШ делегацияси томонидан эълон қилинган.

Халқаро ҳуқуққа кўра, сўз эркинлиги фундаментал ҳуқуқлар сирасига киради. Шунга қа-

рамай, сўз эркинлиги мутлақ ҳуқуқ эмас. Инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган БМТнинг 70 га яқин, ЮНЕСКОнинг 60 дан ортиқ, Европа Кенгашининг 160 дан зиёд, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 30 дан ортиқ халқаро конвенция, декларация ҳамда пактларида сўз ва фикр эркинлиги соҳалари ҳам халқаро-ҳуқуқий тартибга солинган<sup>1</sup>.

Биз ўз тадқиқотимизда сўз, фикр ва ахборот эркинлигига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргандик:

<sup>1</sup> Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар: ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А. Саидов; тузувчи ва таржимон: Ғ. Мирзаев. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 8-б.

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир нормалар;

- Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясининг халқаро ҳужжатлари;

- ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- Халқаро Қизил Хоч қўмитаси томонидан қабул қилинган сўз, фикр ва ахборот эркинлигига оид нормалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ахборот олиш эркинлигига қўйган дастлабки қадами бу 1946 йилдаги биринчи сессияда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги масалалари бўйича халқаро конференция чақируви” резолюциясидир<sup>2</sup>.

Унга кўра, “Ахборот эркинлиги инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисобланади ва эркинликнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ҳимоясига олган барча турлари учун мезон саналади”.

Резолюция давомида айтиладики: “Ахборот эркинлиги ахборотни ҳамма жойда ва ҳеч қандай тўсиқларсиз тўплаш, узатиш ва нашр этиш ҳуқуқини назарда тутди. Натижада, бу тинчлик ва жаҳон тараққиётига кўмаклашишга қаратилган ҳар қандай жиддий уринишнинг асосий шартидир; ахборот эркинлиги, албатта, унинг имтиёзларидан фойдаланадиганлардан уларни суиистеъмол қилмаслик истаги ва кўникмаларини талаб қилади. Унинг асосий тамойили – ҳолис фактларни аниқлашга интилиш ва маълумотни ғарзли ниятларсиз тарқатиш учун маънавий мажбурият юклайди; дунё жамоатчилигининг хушёр ва соғлом фикри бўлмаса, халқлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мумкин эмас, бу эса ўз навбатида бутунлай ахборот эркинлигига боғлиқ”<sup>3</sup>.

Юқоридаги резолюция бандлари, II Жаҳон урушидан кейинги замонавий дунё тартибини шакллантириш жараёнига муҳим туртки бўлиб хизмат қилган. Яъни ахборот эркинлиги барча турдаги эркинликлар мезони деб қаралади, чунки ахборотсиз инсон ўз танловини амалга ошира олмайди. Аниқроқ айтидиган бўлсак, сиёсий ҳуқуқлардан тортиб то мулкка эгалик қилиш

ҳуқуқигача бўлган эркинликларни ахборот эркинлигисиз таъминлаб бўлмайди.

Иккинчи жаҳон уруши якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми қабул қилиниши, қолаверса, ушбу ташкилотнинг ўзини тузишдан асосий мақсад бутун дунёдаги турли офатлар ҳамда келажақдаги жаҳон урушининг олдини олиш эди. Бу офатларга кўп жиҳатдан ахборот олиш ҳамда ундан фойдаланиш эркинлиги чекланган ёки бутунлай тақиқланган турли ёпиқ жамиятларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бу хусусда БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги энг асосий ҳужжати ҳисобланиши 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг муқаддимасида сўз боради, яъни “инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиётна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда кўркув ва муҳтожликдан холи шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб”<sup>4</sup> мазкур декларация қоидалари барча халқлар ва давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур декларациянинг 19-моддасига мувофиқ, “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ тўсиқларсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни давлат чегараларидан қатъи назар, ҳар қандай воситалар билан излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”<sup>5</sup>.

1952 йил 16 декабрда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўзининг навбатдаги иккинчи сессиясида давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларга зиён етказиши мумкин бўлган ёлғон ёки уйдирма маълумотларнинг тарқатилишига қарши раддия ҳуқуқининг халқаро миқёсда белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ эканлигини ифодалаган Халқаро раддия ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияни қабул қилган.

БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган кейинги муҳим ҳужжат бу Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактдир. Ушбу

<sup>2</sup> Қаранг: Calling of an International Conference on Freedom of Information / <https://digitallibrary.un.org/record/209774?v=pdf>.

<sup>3</sup> Ўша манба.

<sup>4</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Тошкент: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 15-б.

<sup>5</sup> Ўша манба. – 23-б.

хужжатнинг қуйидаги моддаларида инсониятнинг ўз фикрини эркин билдириши, ахборот излаш, олиш ҳамда тарқатиш эркинлиги кўрсатиб ўтилган<sup>6</sup>.

Жумладан, 19-модданинг биринчи бандида: “Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш ҳуқуқига эга” дейилган.

Иккинчи банд эса қуйидагича ифодаланган: “Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъи назар ёзма равишда ёки матбуот орқали ёки ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини камраб олади”.

Зўравонлик ва камситишни тарғиб қилиш учун жавобгарликни кучайтириш Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига зид эмаслигини ифодаловчи учинчи қисмда чекловлар қай ҳолатда мумкин эканлиги кўрсатилган:

“Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар учун зарур бўлиши лозим:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки маънавиятини муҳофаза этиш учун”.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита-си ушбу бандга аниқлик киритиб, қуйидагиларни таъкидлагани жуда муҳим: “Сўз эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиш махсус вазифалар ва мажбуриятларни юклайди, шунинг учун ҳам мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш доирасида ҳам алоҳида шахсларга, ҳам жамиятга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган айрим чекловларга йўл қўйилади. Бироқ, иштирокчи-давлат ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқини амалга оширишда маълум чекловларни қўйганда, ушбу чекловлар мазкур ҳуқуқнинг таъминлигига зид бўлмаслиги керак”

Халқаро Пакт 20-моддасининг биринчи бандида урушни ҳар қандай тарғиб этиш қонун орқа-

ли тақиқланиши кераклиги айтиб ўтилган.

Иккинчи бандда камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан тақиқланиши лозимлиги таъкидланган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси 20-моддадаги қонуний чекловлар сўз эркинлигига зид эмаслигига аниқлик киритиб, “2-банд, тегишли давлатга нисбатан ички ёки ташқи хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, камситиш, душманлик ёки зўравонликни кўзгатадиган миллий, ирқий ёки диний нафратни қўллаб-қувватловчи ҳар қандай ташвиқот ёки чиқишга қарши қаратилган”лигини таъкидлайди.

Қўмита фикрича, бундай тақиқлар 19-моддада белгиланган сўз эркинлиги ҳуқуқига тўлиқ мос келади, унинг амалга оширилиши алоҳида мажбурият ва масъулият юклайди. Биринчи бандда кўрсатилган тақиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига зид равишда таҳдид қилиш, шунингдек босқинчилик ҳаракати ёки тинчликни бузиш мақсадида олиб бориладиган ташвиқотнинг барча шаклларига нисбатан қўлланилади, иккинчи банд эса миллий, ирқий нафрат руҳидаги ҳар қандай тарғиботга қарши қаратилган.

20-модданинг биринчи банди қоидалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг суверен ҳуқуқини ёки халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ёки мустақиллик ҳуқуқини қўллаб-қувватламайди. 20-модда қоидалари кучга кириши учун бундай тарғибот ва нутқ давлат сиёсатига зид эканлигини аниқ кўрсатувчи ва бузилган тақдирда зарурий жазо чораларини назарда тутувчи қонун бўлиши керак. Шунинг учун Қўмита бундай амалга оширмаган иштирокчи-давлатлар 20-моддада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун зарур чораларни кўришлари ва ҳар қандай ташвиқот ёки бундай чақириқдан воз кечишлари керак, деб ҳисоблайди<sup>7</sup>.

1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 15-модда учинчи бандида иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиш мажбуриятини олиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

<sup>6</sup> Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт // <https://lex.uz/docs/2640479>.

<sup>7</sup> Қаранг: Замечание общего порядка 11. Статья 20 (Девятнадцатая сессия, 1983 год) // <http://hrlibrary.umn.edu/russian/gencomm/Rhrcom11.html>.

2020 йил 30 апрелда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фикр эркинлиги ва уларнинг эркин ифода этилиши ҳуқуқини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалалар бўйича махсус маърузачиси, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили, Америка давлатлари ташкилотининг Фикрни ифода этиш эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси томонида давлатлар, нодавлат субъектлар учун ўз тавсиялари кўрсатилган “Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисида”ги қўшма декларацияни қабул қиладилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясининг халқаро ҳужжатлари сирасига эса 1993 йил 25 июнда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурини олишимиз мумкин. Ушбу ҳужжатнинг 39-бандида оммавий ахборот воситаларига миллий конунчилик доирасида эркинлик ва ҳимоя кафолатланган бўлиши кераклиги ифодаланган, 67-бандида эса кенг жамоатчиликни сайловдан хабардор қилиш ҳамда фикрни эркин ифодалашни рағбатлантириш аҳамиятга эга эканлиги белгиланган.

Юқоридаги ҳужжатлардан ташқари ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига бағишланган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам сўз, фикр ва ахборот эркинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Уларнинг сирасига Оммавий ахборот воситаларининг тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ирқчилик ҳамда апартеид ва урушга гижигжлашга қарши курашдаги ҳиссасига оид асосий принциплар тўғрисидаги декларация, Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Виндхук декларацияси, Бағрикенглик тамойиллари декларацияси каби халқаро ҳужжатлар киради.

XI моддадан иборат бўлган Оммавий ахборот воситаларининг тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ирқчилик ҳамда апартеид ва урушга гижигжлашга қарши курашдаги ҳиссасига оид асосий принциплар тўғрисидаги декларациянинг муқаддимасида “ахборот эркинлиги” инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисобланиши ва эркинликнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ҳимоясига

олган барча турлари учун мезон саналиши таъкидланган.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига бағишланган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида 1991 йил 3 майда қабул қилинган Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Виндхук декларацияси алоҳида ўринга эга. Ушбу декларацияда мустақил, плюралистик ва эркин матбуотни таъсис этиш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш миллат демократиясини ва иқтисодий тараққиётини ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланиб, “мустақил матбуот”, плюралистик матбуот” каби тушунчаларга таъриф берилган.

Бағрикенглик тамойиллари декларацияси 1995 йилнинг 16 ноябрь қабул қилинган. Ушбу декларациянинг муҳим жиҳатларидан бири бағрикенглик алоҳида одамлар ўртасида, оила ва жамоадаги ўзаро муносабатларда зарур эканлигидадир. Мактабларда ва университетларда, норасмий таълим йўли билан уйда ва иш жойларида бағрикенглик руҳини мустаҳкамлаш ва кишилар ўртасида бир-бирига очиклик, эътибор ва бирдамлик муносабатларини шакллантириш лозимлиги ушбу декларациянинг мазмунини ташкил этади. ЮНЕСКО аъзо давлатларни ҳар йили 16 ноябрни Бағрикенгликка бағишланган халқаро кун сифатида нишонлашга даъват этади.

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда, хусусан 1949 йил 12 августда қабул қилинган Ҳаракатдаги армиялардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгилаштириш тўғрисидаги Женева конвенциясининг 3-моддасида, Халқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенцияларига доир I Қўшимча протоколнинг 79-моддасида ҳамда II Қўшимча протоколнинг 4, 13 ва 17-моддаларида сўз, фикр ва ахборот эркинлигига оид нормалар мавжуд.

Юқоридаги халқаро-ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги оид миллий ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институт-

ларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни катъий мақсад қилганмиз”<sup>8</sup>.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган ахборот олишга бўлган инсон ҳуқуқига оид миллий ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг аввалгиси бу 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституциянинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар бобининг 33-моддасида қуйидаги ҳуқуқлар келтирилади: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади”<sup>9</sup>.

Конституциянинг 34-моддасида эса давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаш шартлиги белгиланган.

Шу билан биргаликда, конституциянинг XI бобида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқлари келтирилган, яъни 81-моддада “Оммавий ахбо-

рот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир”, – дея белгиланган. 82-моддада цензурага йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ифодаланган.

Бундан ташқари қуйидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳозирда мазкур соҳадаги фаолиятни тартибга солади, жумладан “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги<sup>10</sup> қонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва саклаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилишини, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот бора-сидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги<sup>11</sup> қонун эса ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги<sup>12</sup> қонуннинг асосий мақсади ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Юқоридаги қонунлардан ташқари “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги тўғрисида”ги<sup>13</sup> қонун, “Оммавий ахборот воситалари

<sup>8</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон // <https://lex.uz/docs/6445145>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 944-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон; 16.01.2024 й., 03/24/896/0037-сон.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон.

тўғрисида”ги<sup>14</sup> қонун, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги<sup>15</sup> қонун, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги<sup>16</sup> қонун ҳам ахборот олишга бўлган инсон ҳуқуқига оид миллий ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикаси қонунларидан ташқари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан 2020 йил 22 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси қабул қилинди. Миллий стратегияда назарда тутилган 14 та асосий вазифадан иккитаси, яъни, саккизинчи ва ўн иккинчи вазифа “сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш” ҳамда “инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот маърифий фаолиятнинг сифати ҳамда манзиллилигини яхшилаш”дан иборат эканлиги

кўрсатилган.

Яна бир муҳим ҳужжат бўлган 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан қабул қилинган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мақсадларидан бири этиб оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ҳолис ахборотни ўз вақтида бериб бориш орқали ёлғон маълумотлар тарқалишининг олдини олиш белгиланган. Ушбу стратегиянинг 89-мақсади асосида ахборот соҳасини тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ахборот кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу кодекс 4 та бўлим, 14 та боб, 131 та моддадан иборат. Кодекс лойиҳасига кўра, ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эгадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги халқаро ҳужжатлардаги нормалар Ўзбекистон қонунчилигига замон билан ҳамнафас тарзда имплементация қилинишига умид билдирамыз.



<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

# ЖАМОАВИЙ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА ТАСНИФИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.019



**Лола РАҲИМҚУЛОВА,**  
Тошкент давлат юридик  
университети мустақил  
тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада муаллиф жамоавий меҳнат низоларининг юзага келиш сабабларини ёритиб берган. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотлари ва хорижлик олимларнинг фикрларини илмий таҳлил қилган ҳолда, корхона ҳудудида жамоавий меҳнат низоларига олиб келадиган объектив ва субъектив сабабларни таснифлаган.

**Калит сўзлар:** жомоавий меҳнат низолари, Халқаро меҳнат ташкилоти, объектив сабаблар, субъектив сабаблар, Меҳнат кодекси.

**Abstract.** In the article, the author highlights the causes of collective labor disputes. The author, having conducted a scientific analysis of the data of the International Labor Organization and the opinions of foreign scientists, classifies the objective and subjective reasons leading to collective labor disputes on the territory of the enterprise.

**Key words:** collective labor conflicts, International Labor Organization, objective reasons, subjective reasons, Labor Code.

**Аннотация.** В статье исследуются причины возникновения коллективных трудовых споров. Автор на основе анализа данных Международной организации труда и мнений зарубежных ученых классифицировал объективные и субъективные причины, приводящие к коллективным трудовым спорам.

**Ключевые слова:** коллективные трудовые конфликты, Международная организация труда, объективные причины, субъективные причины, Трудовой кодекс.

Ижтимоий ҳаётимизда содир бўладиган ҳар қандай вазият ва ҳолат унинг иштирокчилари ўртасида низолар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бу ижтимоий ҳаётнинг ҳар жабҳасида: шахсий ҳаётимиздан тортиб, меҳнат муносабатларида ҳам бўлиши мумкин. Инсон умрининг аксар қисми у фаолият кўрсатаётган корхона ҳудудида ўтар экан, корхона жамоаси ўлароқ иш берувчи билан турли масалаларда баҳслашиб қолиши табиий жараён сифатида баҳоланмоғи лозим. Чунки меҳнат муносабатлари субъектларининг ҳар иккиси ҳам моддий манфаат учун ҳаракат қилади. Меҳнат қонунчилигининг ўз олдига қўйган мақсадларидан бири низоларнинг олдини олиш ва уни самарали ҳал этиш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш бўлиб, бу борада низога олиб келаётган вазиятлар ва

ҳолатларни чуқур ўрганиш талаб этилади. Шуниси эътиборлики, жамоавий меҳнат низосига олиб келувчи сабаб ва омиллар ўзига хос бўлиб, одатда, якка меҳнат низоларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмайди. Бизнинг назаримизда, меҳнат низоларининг бу икки турининг вужудга келишига ҳар хил ижтимоий вазиятлар сабаб бўлади.

Бугунги дунё мамлакатларининг аксариятида меҳнат жамоасининг кундалик ҳаёт тарзида низоларни ҳал этишда уюшиш, биргаликда ҳаракат қилиш тенденцияси анча заиф бир кўринишга келган. Бунинг натижасида йилдан йилга корхона жамоаси ўз олдига қўйган мақсадлар сари биргаликда ҳаракат қилиши сустлашиши кузатилмоқда. Жамоавий меҳнат низолари ва уни ҳал этиш жараёни нафақат ходимлар жамоаси, балки бутун жамиятга таъсир

кўрсатади. Жамоавий меҳнат низолари иш берувчи молиявий зарар кўришига сабаб бўлади.

Дунёда биринчи жамоавий меҳнат низоси Янги Зеландиянинг Бай оролида 1821 йилда ёғоч кесувчи ишчилар ўртасида содир бўлган. Бунга сабаб эса берилаётган маошларнинг ҳатто бирламчи озиқ-овқат маҳсулотларини тўйиб истеъмол қилишга етмаслиги эди. Мазкур норозиликлар оқибатида ишчиларнинг маошлари кўтарилган<sup>1</sup>.

Корхонада ходимлар меҳнатга оид ҳуқуқларини жамоа тарзида ҳимоя қилишга интилишининг ҳар хил шакллари бутун дунёда XX аср бошларидан вужудга келган. Бунга саноатда инқирозлар, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, иқтисодий ўзгаришлар, яшашнинг минимал даражага тушиб кетиши, ишчилар ва уларнинг бирлашмалари кенгайиши сабаб бўлган<sup>2</sup>. Дунёнинг кўплаб давлатларида айнан шу сабаблар туфайли корхонада ходимлар (уларнинг вакиллари) меҳнатга оид ҳуқуқларини жамоа бўлиб ҳимоя қилишга уринишган. Баъзан айрим давлатларда ўрнатилган сиёсий тузумлар ҳам сабаб бўлган. Мисол учун Россия Федерациясида юқоридаги сабаблардан ташқари 1917-1918 йиллардаги ҳарбий коммунизм сабаб хусусий сектор давлат томонидан сиқувга олиниши, ишчиларнинг иш ҳақи уларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб эмас, аксинча унинг оила аъзолари сонига қараб берилиши, маошларнинг иш ҳажмига нисбатан анча камлиги ходимларнинг жамоа бўлиб меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлган<sup>3</sup>. Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Россия жанубида 1904 йилда нефт-газ саноатида вужудга келган иш ташлашлар илк бор бу ҳудудда ҳудудий жамоа келишувлари тузилишига сабаб бўлди ва мазкур келишувда 9 соатлик иш вақти, минимал иш ҳақи ҳамда шу каби шартлар келишиб олинди<sup>4</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жамоавий меҳнат низолари тарихи ишчиларнинг меҳнат шартларини ва турмуш тарзини яхшилаш учун олиб борган кураши билан бевосита боғлиқдир. Бутун дунёда бу каби низолар XX асрга

қадар қонунчиликда ҳуқуқий тартибга солинмаган. Дастлабки босқичда уларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун музокаралар олиб бориш тартиби жамоа шартномалари доирасида ҳал этилган.

Жамоавий меҳнат низоларига олиб келадиган омиллар советлар ҳукмронлиги даврида Ўзбекистоннинг меҳнат қонунчилигида ҳам белгиланган эди. Хусусан, Меҳнат ҳуқуқи энциклопедик луғатида ёзилишича, “Жамоавий меҳнат низоларига иш ҳақининг миқдор ва методларини белгилаш, ходимларни классификация қилиш, ишлаб чиқариш нормаларини белгилаш ва ўзгартиришдаги нисбий келишмовчиликлар, қасаба уюшмалари ва ишчи вакиллари органлари фаолияти билан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси, техника янгиликларини жорий этиш, корхонани реконструкция қилиш, корхонани бошқа жойга кўчириш, уни ёпиб қўйиш билан боғлиқ ихтилофлар сабаб бўлиши мумкин”<sup>5</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг янги меҳнат қонунчилиги шаклланди. Унда жамоавий меҳнат низоларининг юзага келиш сабабларини аниқлайдиган, таҳлил қиладиган, умумлаштирадиган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар тайёрлайдиган ваколатли давлат органи белгилаб берилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ воқеа бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекснинг 577-моддасига кўра, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги жамоавий меҳнат низоларини тартибга солади. Демак, ушбу норма мазмунига кўра мазкур давлат органи жамоавий меҳнат низолари юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни ҳамда шартларни аниқлайди ҳамда унинг профилактикаси билан ҳам шуғулланади.

Акасариёт ҳолатларда жамоавий меҳнат низолари юзага келишига объектив шарт-шароитлар сабаб бўлиб, одатда, ишлаб чиқариш билан ёки ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ бўлади. Шу боис, улар корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан ёки ҳуқуқий нормаларни қўллаш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш билан алоқадор ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Mark Derby. Strikes and labour disputes // <https://teara.govt.nz/mi/strikes-and-labour-disputes/print>.

<sup>2</sup> Қаранг: Dorothy Sells. The Settlement of Industrial Disputes in Great Britain // <https://scholarship.law.duke.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1910&context=lcp>.

<sup>3</sup> Вышеславова Т. Особенности разрешения коллективных трудовых споров на Ставрополье в советское время // <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-razresheniya-kollektivnyh-trudovyh-sporov-na-stavropolie-v-sovetskoe-vremya/pdf>.

<sup>4</sup> Сафанов В. Разрешение коллективных трудовых споров в России: исторический обзор // <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=11806464>.

<sup>5</sup> Меҳнат ҳуқуқи: энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1981.

Шунингдек, баъзан мансабдор шахсларнинг субъектив қарашлари акс этган айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги сабаб бўлади. Жамоавий меҳнат низоларининг юзага келиш сабаблари соҳа олимларининг илмий ишларида ҳам атрофлича таҳлил этилганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, М. Амиров ва К. Гусейновлар жамоавий меҳнат низоларига иккита муҳим омил сабаб бўлишини эътироф этишган.

**Биринчидан**, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ (тартиб) қоидаларига риоя қилишдан оғиш ҳолатлари. Ушбу ҳолатлар баъзи иш берувчиларда бюрократизмни, танқид қилган ходимларни таъқиб қилиш, ходимлар қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини менсимаслик, меҳнат муносабатларида маъмурий босим, корхонада янги меҳнат шартларини ўрнатишга тоқатсизликка олиб келади. Шунингдек, корхона жамоаси аъзолари ўртасида худбинлик шаклланишига ҳам йўл очиб беради.

**Иккинчидан**, меҳнат қонун ҳужжатларини билмаслик ёки талаб даражасида билмаслик. Агар иш берувчи меҳнат қонунчилигини яхши билмаса, табиий равишда меҳнатга оид ҳуқуқбузарлик содир бўлади ва ушбу ҳолат аксарият ҳолатларда ходимларнинг жамоавий ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Бизнинг назаримизда, корхона раҳбариятида ҳар икки ҳолат ҳам биргаликда мужассам бўлса, корхона муҳити кескинлашади ҳамда ёмонлашади.

**Учинчидан**, баъзан корхона мулкдори алмашиши ҳам жамоавий низоларга олиб келиши мумкин. Бу вазият янги мулкдорнинг қонуннинг мавжуд ички “сиёсати”ни ўзгартиришга қаратилган янги таклифлари ва ҳаракатларидан корхона жамоасининг норози бўлиши сабабли юзага келади<sup>6</sup>.

Ю. Гриценконинг фикрига кўра жамоавий меҳнат низолари юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлади:

- қонуннинг иқтисодий барқарор эмаслиги. Яъни қонуннинг тўловга қобилиятсизлиги ёки шунга яқинлашиб қолганлиги, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун капиталнинг етарли эмаслиги, солиқ юкининг номуносиблиги. Мазкур иқтисодий сабаблар конфликтли вазиятларда тарафларнинг ҳар бирига ёки бирига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўзаро музокара олиб боришнинг аҳамиятини пасайтиради;

- меҳнатга оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка тўғри тадбиқ этилмаганлиги;

- қонун чиқарувчи органда қонунчилик техникаси даражаси пастлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормаларнинг ўзаро қарама-қаршилиги, бундан ташқари, уларнинг ижроси даражасининг ҳар хил эканлиги (марказдан қуйига қараб ижросида сусткашликка йўл қўйилиши).

И. Лукинанинг фикрига кўра, жамоавий меҳнат низолари иш берувчининг (ташкilot раҳбарияти) ёки ходимлар жамоасининг меҳнат қонунчилиги талабларини бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслигидан келиб чиқади.

Австралиянинг Маккуори университети профессори Ж. Гамбергернинг фикрига кўра, корхонада содир бўладиган конфликтлар оддий тушунмовчиликлардан тортиб шахсиятларнинг бир-бирига умуман мос келмаслиги билан ўлчанади. Ушбу конфликтларга корхона меҳнат жараёнида асосан инсон ресурси билан ишлаганлиги боис баъзан иш берувчи меҳнат жамоаси билан “чиқишиб” кетишга қийналиши сабаб бўлса, баъзан ходимларнинг турли хил маданият ёки дунёқарашга эгаллиги боис мавжуд вазиятга ўз фикрини ёки муносабатини ошкор ифода этмаслиги оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин. Профессор Ж. Гамбергернинг таҳлилича, корхонада содир бўладиган жамоавий конфликтлар одатда “маълумот тарқатувчи” вазифасини ҳам ўтайди. Мисол учун, корхонада бирор маълумот юзасидан жамоада турли хил фикрлар ва қарашларнинг билдирилиши хилма-хилликни ошириш баробарида корхона келгуси режаларини ва стратегик мақсадларини шаклланишига катта ёрдам беради.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра, корхонада низолашадиган тарафлар ва масалалар турли туман бўлиб, иш бошқарувчи ва ходимлар ўртасида иш вақтини тартибга солиш юзасидан, мактаб директори спорт ўқитувчилари билан спортни ташкил этишда керак бўладиган шарт-шароитлар юзасидан, банк раҳбари ва ходимлар ўртасида иш ҳақиға оид бонуслар тақдим этиши юзасидан, кўмир компанияси иш бошқарувчиси ва бирлашма ўртасида иш шароитларини яхшилаш сабабидан жамоавий конфликтлар юзага келади<sup>7</sup>.

<sup>6</sup> Қаранг: Амиров М., Гусейнов К. Коллективные трудовые споры: причины и условия возникновения // <https://cyberleninka.ru/article/n/kollektivnye-trudovye-spory-prichiny-i-usloviya-vozniknoveniya/viewer>.

<sup>7</sup> Қаранг: Mediation in collective labour conflicts // <https://link.springer.com/book/10.1007/978-3-319-92531-8>.

Бизнинг назаримизда, корхонада бошқарув тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам яъни корхонада жамоа мурожаатларни қабул қиладиган, шикоятларини кўриб чиқадиган ва ўз вақтида жавоб берадиган бир сўз билан айтганда мурожаатлар билан ишлайдиган ташкилий тузилманинг мавжуд эмаслиги ҳам бу каби низолар пайдо бўлишига замин яратиб беради. Айтиб ўтиш жоизки, корхонада ўз вақтида ҳал этилмаган шикоятлар йиғиндиси жамоавий меҳнат низоларига олиб келади.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, корхонада самарали бошқарувнинг қуйидаги мезонлари мавжуд:

- жавобгарлик;
- шаффофлик;
- масъулият;
- қонун-қоидаларга оғишмай риоя этиш;
- тенглик;
- корхона бошқарувида барчанинг иштирок этиши;
- муроасага бориш<sup>8</sup>.

Ҳуқуқшунос олим В. Сафоновнинг фикрича, жамоавий меҳнат низоларига олиб келадиган асосий сабаблардан бири бу иш берувчи ва ходимлар жамоаси ўртасида фундаментал аҳамиятга эга бўлган манфаатлар мос келмаслиги юзасидан келиб чиқади. Юзага келган бу конфликт ёлланма меҳнат муносабатларининг ҳар бир вазиятида меҳнат шартларини шартномавий тартибга солишдан тортиб, уни қўллаш ва бекор қилиш ҳолатларида яширин кузатилади.

Олимлардан С. Чуча<sup>9</sup> ва Р. Тойжановнинг<sup>10</sup> қарашларига кўра, жамоавий характер касб этадиган меҳнат низолари меҳнат қонунчилигини ҳамда меҳнатга оид шартномаларни бузилиши оқибатида, шунингдек меҳнат жамоасининг манфаатлари ва ҳуқуқларини поймол этилиши натижасида келиб чиқади. Уларнинг фикрича, мазкур сабаблар жамоавий меҳнат низоси келиб чиқишининг мустақил сабабларидан бири сифатида эътироф этилиши лозим<sup>11</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, меҳнат қонунчилигини қўллаш юзасидан келиб чиққан

ҳуқуқбузарлик сабаблари ҳар доим ҳам меҳнат низолари сабаблари сифатида талқин этилмайди. Яъни, аксарият ҳолатларда меҳнат қонунчилигининг иш берувчи ёки ходимлар жамоаси томонидан очикдан-ойдин бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлишига қарамадан жамоавий меҳнат низолари юзага келишига олиб келмайди.

Қозоқ олимларининг фикрига кўра, 2012 йилда Қозоғистон ғарбидаги қурилиш компаниялари ходимлари ўртасида бўлиб ўтган иш ташлашларга иш ҳақидан қаноатланмаслик, кам ҳақ олишга рози ходимларнинг кўпайиб кетиши, мигрантларнинг тенг иш учун тенг ҳақ олмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлган<sup>12</sup>.

Юқоридаги қайд этилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: корхона ҳудудида жамоавий меҳнат низоларига олиб келадиган қатор сабаблар мавжуддир. Уларни характериға қараб объектив ва субъектив сабабларга ажратиш олиш мумкин.

Демак, объектив сабаблар сифатида ижтимоий-иқтисодий муносабатларимизда, шунингдек, кундалик ҳаёт тарзимизда содир бўладиган мавжуд қарама-қаршиликларни ифода этиш мумкин. Бунга мисол қилиб, корхонада меҳнатни ташкил этишга оид ҳуқуқий муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва оқибатда ҳуқуқ нормаларининг очикдан-очик нотўғри қўлланилишини, шунингдек қонунчиликдаги муаммоларнинг мавжудлигини олишимиз мумкин.

Жамоавий меҳнат низоларига олиб келадиган субъектив сабабларни корхонада тарафлар эҳтиёжлари, мақсадлари, манфаатларининг амалга оширилмаслиги ёки бузилиши, тарафларнинг меҳнат ҳуқуқларини лозим даражада билмаслиги, низолашаётган томонлардан бири вазиятни тўғри англаб етмаслиги ёки қонуний баҳо бера олмаслиги деб ифода этиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, низога олиб келган сабаб ижтимоий психологиянинг бир элементи сифатида субъектларнинг шахсий муносабати билан баҳоланади.

<sup>8</sup> Қаранг: Labour Dispute Systems: Guidelines for improved performance. // [https://www.ilo.org/ifpdial/information-resources/publications/WCMS\\_211468/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/ifpdial/information-resources/publications/WCMS_211468/lang--en/index.htm).

<sup>9</sup> Қаранг: Чуча С. Коллективные трудовые споры в Российской Федерации / Дисс. канд. наук. – Омск, 2003. – С. 28.

<sup>10</sup> Тойжанов Р. Трудовые споры и порядок их разрешения / Дисс. канд. юрид. наук. – Бишкек, 2001. – С. 23.

<sup>11</sup> Ўша манба.

<sup>12</sup> Қаранг: Beissenova A. and others. Labour Conflicts in Kazakhstan: A specific character of their solution // <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877042813014316>.

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ВА МАХСУС АСОСЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.020



**Шахноза ГАНИБАЕВА,**  
юридик фанлар номзоди, доцент,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университетининг мустақил  
изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада бола ҳуқуқларини таъминлашнинг минтақавий ва махсус асосларини татбиқ этишнинг назарий ва амалий муаммолари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари каби масалалар ўрганилган.

Муаллиф мақолада бола ҳуқуқларини таъминлашнинг минтақавий ва махсус асосларини халқаро ҳужжатлар, шу жумладан Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Африка Хартияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси ҳамда унинг қўшимча протоколлари, Ноги-ронларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Америкалараро конвенция, Болалар меҳнатига қарши кураш бўйича Жанубий Осиё дастури, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси учун минтақавий ташаббуслар доирасида таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** бола ҳуқуқлари, минтақавий ва махсус асослар, хартия, конвенция, минтақавий механизм, протокол, таълим олиш ҳуқуқи, фарзанд асраб олиш, минтақавий ташаббус.

**Abstract.** The article explores such issues as the theoretical and practical problems of applying the regional and special foundations to ensuring the rights of the child, the reasons for their origin.

The author analyzes the regional and special framework for ensuring child's rights in the article as part of international documents, including the African Charter on Child Rights and welfare, the European Convention on human rights and its additional protocols, the Inter-American Convention on the elimination of all forms of discrimination against people with disabilities, the South Asian program on the fight against child labor, Regional Initiatives for Latin America and the Caribbean.

**Key words:** rights of the child, regional and special framework, charter, convention, regional mechanism, protocol, right to education, adoption, regional initiative.

**Аннотация.** В статье исследуются теоретические и практические проблемы применения региональных и специальных основ обеспечения прав ребенка, причины их возникновения.

Автор проанализировал региональные и специальные аспекты обеспечения прав ребенка в основополагающих международных документах, включая Африканскую хартию прав и благополучия ребенка, Европейскую конвенцию о правах человека и дополнительные протоколы к ней, все формы дискриминации в отношении людей с ограниченными возможностями, Южноазиатская программа по борьбе с детским трудом, региональные инициативы для Латинской Америки и Карибского бассейна.

**Ключевые слова:** права ребенка, региональные и специальные рамки, хартия, конвенция, региональный механизм, протокол, право на образование, усыновление, региональная инициатива.

Халқаро ҳуқуқда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишни таъминлаш учун қўшимча ҳимоя қилишни талаб қиладиган муайян минтақавий ва махсус асослар мавжуд бўлиб, минтақавий асослар маълум бир географик ҳудудда болалар дуч келадиган ўзига хос хусусиятлар, эҳтиёжлар ёки қийинчиликларнинг олдини олиш, бартараф этиш уларнинг энг яхши манфаатларини илгари сурувчи сиёсат ва стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий ва махсус асослари муайян ҳудудларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун минтақавий ва халқаро даражада ташкил этилган турли механизмлар ва усулларни назарда тутиб, болаларни ҳимоя қилиш бўйича мослаштирилган ёндашувларни яратиш учун минтақавий ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Масалан, Африканинг Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Хартияси Африкада кенг тарқалган болалар савдоси, болалар меҳнати ва қуролли можароларга қарши курашга қаратилган. Худди шундай, аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, жазолаш ва йўқ қилиш тўғрисидаги Америкалараро конвенцияда ҳам уйда болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини кўриб чиқувчи қоидалар мавжуд.

Ушбу минтақавий тузилмалар минтақавий муаммоларни ҳал қилиш ва болалар ҳуқуқларини минтақанинг ўзига хос шароитларига мос келадиган тарзда ҳимоя қилишга қаратилган.

Бундан ташқари, ногирон болалар, маҳаллий аҳоли болалари, қочқинлар ва мигрантлар, шунингдек, эксплуатация ва зўравонликка учраган болаларни ҳимоялаш мақсадида алоҳида ҳудудлар ташкил этилиб, болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ёки шароитлари туфайли қўшимча ҳимояга муҳтож бўлган заиф гуруҳларни ҳимоялаш амалга оширилади.

Махсус асосларнинг тан олиниши болаларнинг турли гуруҳлари дуч келадиган ўзига хос қийинчиликларни аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқишларини таъминлашга хиз-

мат қилади.

А. Геворнинг таъкидлашича, бола ҳуқуқларини оила, шаҳар, вилоят, давлат ва ҳудуд миқёсида таъминлашда аввало уларни эшита олиш, уларнинг истакларини инобатга олиш зарур, чунки болалар катталардек ўз истакларида асл мақсадларини яшириб ўтирмайди, агар бунга амал қилинмаса, улар билан ҳисоблашмасдан уларнинг ҳуқуқларига дахл қилинса, албатта, келажак авлод табиий равишда йўқ қилинган бўлади, юқоридаги каби тизимли асосда ишлаш эса муаммоларни осонроқ ҳал этиш имконини беради<sup>1</sup>.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида комплекс тадқиқот олиб бораётган Т. Коллинз, Л. Райтларнинг таъкидлашича, давлатлар, минтақа ва дунё бўйича мазкур соҳага ажратилаётган маблағларни статистик ҳисоблаганда 2010 йилдан бери бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг ўсиш суръати жуда камлигини, аксинча, мудофаа саноатига ажратилаётган маблағлар бир неча баробар ортганлигини кўришимиз мумкин, шунинг учун бола ҳуқуқларининг ажралмас асослари саналган таълим, соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат соҳасига ажратилаётган маблағларнинг умумий ҳисоботини юритишга масъул халқаро ва минтақавий ташкилот зарур, шундагина давлатларнинг мазкур соҳага ажратилаётган бюджет маблағлари бошқа соҳаларга яширинча йўналтирилишининг олди олиниши мумкин. Аксинча, мудофаа саноатига ажратилган маблағлар эвазига олиб борилаётган қонли урушлар натижасида болаларнинг ҳуқуқлари бузилиши йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас<sup>2</sup>.

Бу борада Т. Коллинз, Л. Райтларнинг фикрини қўллаб-қувватлаб айтиш мумкинки, эндиликда жаҳон ҳамжамияти қурол савдоси ва мудофаа саноати учун ажратилаётган маблағларни қисқартириш ва уларга ажратилаётган молиявий манбаларни тўлиғича болалар ҳуқуқлари соҳасига йўналтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозим. Бу масалани ҳеч бўлмаганда минтақавий доирада ҳал этиш ҳам катта натижалар бериши мумкин.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий ва махсус асослари болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва тенгликни

<sup>1</sup> Қаранг: Aram Gavor. Public Participation in Nonlegislative Rulemaking // "Villanova Law Review", 2017, № 61 (5). – P.780.

<sup>2</sup> Қаранг: Tara Collins, Laura Wright. The challenges for children's rights in international child protection: Opportunities for transformation // "World Development". Volume 159, November 2022.

таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Болалар, айниқса, маргинал гуруҳлар ёки кам таъминланган оилалардан бўлган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мураккаб саналиб, минтақавий ва махсус асослар фаолияти натижасида ҳар бир жамият, ҳудуд ва минтақа уларни ҳимоя қилишга устувор аҳамият бериш орқали тенгсизликларни камайтириш ва барча болаларга ўз салоҳиятларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун тенг имкониятларни таъминлаш йўлида ҳаракат қилишларига имконият яратилади, натижада болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилмаслик оқибатида келиб чиқадиган қашшоқлик, дискриминация ва болаларнинг умумий ҳаётдан четланиши каби салбий ҳолатлар олди олинади.

Ушбу минтақавий асослар кўпинча маълум бир географик ҳудудда болалар дуч келадиган ноёб муаммоларни ҳал қилиш учун махсус ишлаб чиқилган минтақавий шартномалар ёки келишувлар шаклида бўлади. Масалан, Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Африка Хартияси<sup>3</sup> болаларни ҳимоя қилиш учун кенг қамровли асосни тақдим этади, яшаш, омон қолиш ва ривожланиш ҳуқуқи каби барча болаларга тегишли ҳуқуқларни тан олади. Шу билан бирга, у Африка давлатларининг ижтимоий, маданий ва иқтисодий шароитларига мослаштирилган, масалан, болалар никоҳи ва болалар меҳнатини тақиқлаш каби махсус қоидаларни ўз ичига олади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий амалга оширилиши ва оқибатлари турли географик жойларда болаларнинг фаровонлигини таъминлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади, бунинг натижасида минтақавий механизмлар ва ташкилотлар муайян ҳудудларда болалар дуч келадиган зарур эҳтиёж ва муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

Германиялик мутахассис С.Полман БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 28 августдаги йиғилишида ҳар бир давлат ёки минтақа бола ҳуқуқларига оид ҳужжатларда эндилик-

да иқлим ўзгаришларини инобатга олиши ва шунга мувофиқ болаларнинг соғлом ҳаёт кечиришларига оид мажбуриятларни белгилаши лозимлигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги бўйича Африка экспертлар қўмитаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия каби минтақавий органлар болалар ҳуқуқларини минтақавий даражада амалга ошириш ва мониторингини рағбатлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Бундан ташқари, болалар ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Африка Хартияси ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америкалараро конвенция<sup>5</sup> каби минтақавий ҳужжатлар минтақавий муаммоларни ҳал қилиш ва болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш учун ишлаб чиқилган. Ушбу минтақавий чора-тадбирлар нафақат давлатлар ўртасида вазифаларни аниқлаштиради ва масъулият ҳиссини уйғотади, балки болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янада муҳим ва тизимли ёндашувни таъминлайди.

Шунингдек, минтақавий ташаббуслар давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш ва илғор тажриба алмашиш учун имкониятлар яратади ва шу билан умумий муаммоларни ҳал қилиш учун кенг қамровли минтақавий стратегияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Умуман олганда, болалар ҳуқуқларининг минтақавий тадқиқ этилиши ушбу ҳуқуқларни нафақат самарали амалга ошириш ва таъминлашга, шу билан бирга режадаги вазифалар бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширишга ёрдам бериб, келгусидаги энг муҳим вазифаларни аниқлаш, болаларнинг биринчи ўриндаги эҳтиёжларини ажратиб олиб, пировардида глобал миқёсда болаларнинг яхлит ҳимояси ва фаровонлигига ҳисса қўшади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим минтақавий механизмларидан бири Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси бўлиб, мазкур конвенция Европанинг 47 давлати томонидан тан олинган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича

<sup>3</sup> Қаранг: African charter on the rights and welfare of the child. Adopted by the 26th Ordinary Session of the Assembly of Heads of State and Government of the OAU Addis Ababa, Ethiopia - July 1990 Entered into force on 29 November, 1999 // [https://au.int/sites/default/files/treaties/36804-treaty-african\\_charter\\_on\\_rights\\_welfare\\_of\\_the\\_child.pdf](https://au.int/sites/default/files/treaties/36804-treaty-african_charter_on_rights_welfare_of_the_child.pdf).

<sup>4</sup> Қаранг: Pohlmann S. In the face of the deepening climate crisis, the Committee specified obligations under the UN Convention on the Rights of the Child. 28 August 2023 // <https://www.unicef.org/eca/press>.

<sup>5</sup> Қаранг: American Convention on Human Rights: "Pact of San José, Costa Rica". Signed at San José, Costa Rica, on 22 November 1969 // <https://treaties.un.org/doc/publication/unt/volume%201144/volume-1144-i-17955-english.pdf>.

Европа суди юрисдикцияси остида бирлаштирган халқаро шартномадир<sup>6</sup>. Мазкур конвенция инсон ҳуқуқлари, жумладан, болалар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун мустаҳкам асос яратади.

Конвенциянинг 8-моддаси шахсий ва оилавий ҳаётни ҳурмат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, бу болаларни ҳимоя қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қоида болаларнинг ота-оналари билан бирга бўлиш ҳуқуқини таъминлайди, агар бу уларнинг манфаатларига аралашши зарур деб топилмаса. Бундан ташқари, конвенциянинг болалар ҳуқуқларини мустаҳкамловчи махсус протоколлар мавжуд, масалан, таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи 1-сонли Протокол ва фарзанд асраб олиш билан боғлиқ кафолатларни белгиловчи 7-сонли Протокол бу борадаги давлатлараро шартномалар ва минтақавий ҳужжатларнинг ишлаб чиқишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадқиқотчи А.Ю. Хабарова ўзининг тадқиқот ишида болалар ҳуқуқларини таъминлашда минтақавий ва махсус асослар масаласига тўхталиб ўтиб, уларнинг вужудга келиши ва шаклланишида универсал ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлишини, бироқ универсал ҳужжатларга нисбатан махсус асослар, айниқса, давлатлараро тузилган шартномалар муҳим аҳамият касб этиши ҳамда бола ҳуқуқларини таъминлашда энг тезкор ва мақбул қоидаларни ўз ичига олишини таъкидлайди. Шунингдек, тадқиқотчи ўз фикрини “Етим болаларни асраб олишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Россия ва Италия ўртасидаги 2008 йилги шартнома, 2011 йилда худди шундай шартнома Россия ва Франция ўртасида, 2012 йилда эса Россия ва АҚШ ўртасида тузилган шартномани мисол қилиб келтириб бу борадаги муаммолар мазкур шартномалар асосида қисқа муддатларда ҳал этилишини ва болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлайди<sup>7</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 3-моддасида: “Ҳеч ким қийноққа солиниши, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога дучор этилиши мумкин

эмас”, – дейилган. Бу қоида болалар учун айниқса муҳимдир, чунки у ҳар қандай зўравонлик ёки ёмон муомалани тақиқлайди. Бундан ташқари, 8-модда шахсий ва оилавий ҳаётни ҳурмат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, боланинг энг яхши манфаатларини ҳимоя қилишга урғу беради.

Бундан ташқари, мазкур конвенциянинг нормалари болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган махсус қоидаларни ўз ичига олади. Масалан, 2-модда болаларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаб, ўлим жазосини тақиқлайди. Бундан ташқари, конвенция болалар ҳуқуқларини ҳуқуқий тизим доирасида ҳам ҳимоя қилишга, болаларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда адолат, адолатли муомала ва самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга қаратилган.

Бундан ташқари, 3-модда болаларга нисбатан ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалаларни, шу жумладан жисмоний ёки руҳий зарарнинг ҳар қандай шаклини тақиқлайди. У давлатларга болаларни зўравонлик, бепарволик ёки эксплуатациянинг барча шаклларида ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, 8-модда боланинг оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди уларнинг ривожланиши учун барқарор ва қўллаб-қувватловчи оила муҳитининг муҳимлигини тан олиб, боланинг оилага бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

Бундай қоидаларни бошқа минтақавий ва халқаро ҳужжатларда ҳам учратиш мумкин.

Ана шундай ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Африка Хартияси<sup>8</sup> бўлиб, у болаларнинг заифлиги ва алоҳида эҳтиёжларини тан олади ва уларни ҳимоя қилишни таъминлайди. Унинг 21-моддасида қуроли тўқнашувларда болаларни ҳимоя қилишга алоҳида тўхталиб, можаролар вақтида уларнинг жисмоний, ақлий ва ҳиссий саломатлигини муҳофаза қилиш муҳимлиги таъкидланган.

Худди шундай, мазкур Хартия ногирон болаларнинг энг яхши манфаатларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ғамхўрлик, ёрдам ва ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тан олади.

<sup>6</sup> Қаранг: European Convention on Human Rights // [https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention\\_ENG](https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention_ENG).

<sup>7</sup> Қаранг: Хабарова А. Ю. Защита прав ребенка в международном праве // Ученые записки Орловского государственного университета. №2 (65), 2015 г. – С. 239 – 244.

<sup>8</sup> Қаранг: African Charter on the Rights and Welfare of the Child, OAU Doc. CAB/LEG/24.9/49 (1990), entered into force Nov. 29, 1999 // <http://hrlibrary.umn.edu/africa/afchild.htm>.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий асослари билан бирга махсус асослари мавжудки, улар алоҳида тоифадаги болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Ногиронларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Америкалараро конвенция ногирон болаларнинг камситишларсиз таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Мазкур конвенция ногирон болаларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва заиф томонларини тан олади ва уларнинг жамиятга тўлиқ қўшилиши ва иштирокини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, уларнинг жамиятга интеграциялашувига қўмаклашиш, зўравонлик, суиистеъмоллик ва қаровсизликнинг барча шакллари олдидан олиш чораларини кўриш зарур.

Ногиронлиги бўлган болалар дуч келадиган муаммолар инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий ва халқаро доираларда алоҳида эътибор ва ҳимоя қилишни талаб қилади. Бу болалар кундалик ҳаётларида кўп тўсиқларга дуч келишади, бу эса уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мақсадли чоралар кўришни талаб этади. Улар дуч келадиган муҳим муаммолардан бири – сифатли таълим олиш имкониятининг йўқлиги. Кўпгина таълим тизимлари уларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун етарли даражада жиҳозланмаган, бу эса истисно ва таълим имкониятларини чеклайди.

Бундан ташқари, ногирон болалар кўпинча камситиш ва стигматизацияга дуч келишади, бу эса ижтимоий изоляцияга ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларидан четланишга олиб келади.

Халқаро ҳуқуқда болалар ҳуқуқлари категориясининг яна бир муҳим субъектлари борки, улар ҳам алоҳида ғамхўрликка муҳтож саналади. Булар қочқинлар ва мигрантлар болалари бўлиб, улар дуч келадиган яна бир муаммолардан бири заифлик, эксплуатация ва одам савдоси хавфидир. Ўзларининг умидсиз шароитлари ва ҳуқуқий ҳимояси йўқлиги сабабли, бу заиф болалар алоҳида шахслар ёки жинсий тармоқлар томонидан эксплуатация қилиниши хавфи юқори. Улар меҳнатга, шу жумладан хавфли меҳнат шароитларига ёки тижорат жинсий индустриясига мажбурланиш ҳолатлари йил сайин ортиб бормоқда.

Қочқинлар ва мигрантлар болалари турли хил маданий келиб чиқиши, қашшоқлик, тил тўсиқла-

ри, ўзини ёлғиз ҳис қилиши, бегонадек муносабат натижасида уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва муҳим хизматлардан фойдаланиш, янги жамоаларида барқарорлик ва интеграцияга эришиш имкониятини янада қийинлаштиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 22-моддасида болалар, қочқинлар ва мигрантларнинг ҳуқуқлари ва ҳимояси аниқ кўрсатилган. Унда бу болалар тегишли ҳимоя ва гуманитар ёрдам билан таъминланиши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари тўлиқ ҳурмат қилиниши кераклиги таъкидланган. Бундан ташқари, иштирокчи давлатлар, агар таъқиблар ёки жиддий зарар етказилишига оид асослар мавжуд бўлса, болалар, қочқинлар ва мигрантлар ўз ватанларига қайтарилмаслигини таъминлашлари шарт. Ушбу тамойил халқаро инсон ҳуқуқлари ва қочқинлар ҳуқуқининг асосий жиҳати ҳисобланади.

Бироқ қочқинлар ва мигрантлар болаларида юқорида таъкидланган муаммолар мавжудлиги сабабли, давлатлар учун қочқинлар ва мигрантлар болаларининг ўзига хос эҳтиёжларини қондириш, уларнинг хавфсизлиги, фаровонлиги ва инсон ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлайдиган кенг қамровли сиёсат ва стратегияларни қабул қилиш жуда муҳимдир. Бу орқали давлатлар халқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини бажариши ва миграция ҳолатидан қатъи назар, барча болалар учун адолатли ва инклюзив жамиятни яратишга ҳисса қўшиши мумкин.

Қочқинлар ва мигрантлар болалари меҳнат муносабатларида эксплуатация қилинишининг олдидан олиш глобал муаммо саналиб, ушбу муаммога қарши глобал курашда болалар меҳнатига қарши курашиш бўйича минтақавий саъй-ҳаракатлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда ҳудудий ташкилотлар болалар меҳнати билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда асосий иштирокчилар сифатида намоён бўлмоқда. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) болалар меҳнатига қарши курашишга қаратилган турли минтақавий дастурларни амалга оширди, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 2015 йилда қабул қилинган ва 2030 йилгача мўлжалланган ўн етти мақсадининг саккизинчисидан болалар меҳнатининг барча шакллари олдидан, айниқса, мажбурий

меҳнатдан батамом қутилиш вазифаси белгиланган<sup>9</sup>. Шунингдек, болалар меҳнатига қарши кураш бўйича Жанубий Осиё дастури ва Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси учун минтақавий ташаббуслар орқали, дунёда расмий рўйхатга олинган 168 миллион меҳнатга жалб этилган 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг, булардан 29 миллиони Жанубий Осиё давлатларида (Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив, Непал, Покистон ва Шри-Ланка) ҳукуматлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва бошқа манфаатдор томонлар билан болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича кенг қамровли стратегияларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади<sup>10</sup>.

Бундан ташқари, Африка Иттифоқи ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси каби минтақавий иттифоқлар ҳам ўз минтақаларида болалар меҳнатига барҳам беришга устувор аҳамият қаратган. Сиёсатни мувофиқлаштириш, адвокатлик ва салоҳиятни ошириш орқали ушбу иттифоқлар болалар меҳнатига қарши курашда минтақавий ҳамкорлик ва умумий масъулиятни ривожлантиришга интиломоқда. Бундан ташқари, минтақавий саъй-ҳаракатлар умумий муаммоларни ҳал қилиш ва имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш каби афзалликларга эга, бу эса болалар меҳнатига қарши курашда катта таъсирга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, минтақавий ва махсус асослар орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, кўплаб муаммолар ва чекловлар сақланиб қолмоқда.

**Биринчидан**, давлатлар ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўзига хос хилма-хиллик изчил сиёсат ва ҳуқуқий асосларни шакллантириш ва амалга оширишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

**Иккинчидан**, минтақавий ва махсус қоидаларнинг умумий қабул қилинмаслиги масаласи уларнинг самарадорлигига тўсқинлик қилиб, бу турли ҳудудларда болаларни ҳимоя қилиш даражасидаги номутаносибликка олиб келиши мумкин.

**Учинчидан**, баъзи давлатлар суверенитет масаласи ёки миллий қонунчиликнинг халқаро шартномаларга нисбатан зиддиятли нормалари сабабли халқаро шартнома ва ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш ёки амалга оширишни истамаслиги кузатилмоқда.

**Тўртинчидан**, ҳозирги вақтда давлатлар қуролланишнинг янги босқичи сабабли ижтимоий соҳага молиявий ресурслар ажратилишини камайтиришга ҳаракат қилмоқда.

**Бешинчидан**, болалар меҳнати, уларнинг эксплуатацияси ортидан даромад олувчиларга нисбатан жабрланувчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш ва маълумотларни тарқатиш борасида молиявий ресурслар ва салоҳиятни ошириш имконияти чекланган.

**Олтинчидан**, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим муаммо – минтақавий қонунчиликда бир хилликнинг йўқлиги, яъни бир минтақада болалар меҳнатига оид қатъий қонунлар, бошқа минтақада эса заиф қоидалар бўлиши мумкинлиги. Бу нафақат болаларни ҳимоя қилиш чоралари самарадорлигини пасайтиради, балки тизимда жиноятчилар фойдаланиши мумкин бўлган бўшлиқларни ҳам яратади. Бундан ташқари, минтақавий қонунчиликда бир хилликнинг йўқлиги турли минтақалар ўртасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга тўсқинлик қилади, бу эса болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комплекс ёндашувни яратишни қийинлаштирмоқда.

<sup>9</sup> Қаранг: Всемирный день борьбы с детским трудом // <https://www.un.org/ru/observances/world-day-against-child-labour/background>

<sup>10</sup> Қаранг: Child labour: South Asia Hub. <https://www.ilo.org/regions-and-countries/asia-and-pacific/ilo-india-and-south-asia/areas-work/child-labour-south-asia-hub>.

# ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАР ИЖТИМОЙ ЖАВОБГАРЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИНING ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.021



**Комрон НИГМАТОВ,**  
Жаҳон иқтисодиёти ва  
дипломатия университети  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада бизнес, шу жумладан трансмилий корпорацияларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий жавобгарлигини Ўзбекистонда қўллашнинг истиқболлари таҳлил қилинган. Корпорациялар ижтимоий жавобгарлиги концепциясининг халқаро ҳуқуқдаги асосий манбалари ўрганилган. Инсон ҳуқуқлари ва бизнес ўзаро уйғунлигини таъминлаш, халқаро муносабатларда трансмилий корпорацияларнинг ижтимоий жавобгарлигини кенгайтиришнинг муаммолари кўриб чиқилган. Илмий услублар асосида халқаро тартибга солувчи воситаларнинг айрим илмий-назарий камчиликлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** трансмилий корпорациялар, халқаро ҳуқуқ, халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик, инсон ҳуқуқлари, бизнес, корпорациялар ижтимоий жавобгарлиги, корпоратив кодекслар, “юмшоқ ҳуқуқ”.

**Аннотация.** В статье анализируются перспективы применения в Узбекистане социальной ответственности бизнеса, в том числе транснациональных корпораций, в области прав человека. Изучены основные источники концепции социальной ответственности корпораций в международном праве. Рассматриваются проблемы обеспечения прав человека и гармонии бизнеса, расширения социальной ответственности транснациональных корпораций в международных отношениях. На основе научных методов изучены некоторые недостатки международных нормативных документов.

**Ключевые слова:** транснациональные корпорации, международное право, международные стандарты и национальное законодательство, права человека, бизнес, социальная ответственность корпораций, корпоративные кодексы, “мягкое право”.

**Abstract.** The article analyzes the prospects for the application of social responsibility of business in Uzbekistan, including transnational corporations in the field of human rights. The main sources of the concept of corporate social responsibility in international law are studied. The problems of ensuring human rights and business harmony, expanding the social responsibility of transnational corporations in international relations are considered. Based on scientific methods, some scientific and theoretical shortcomings of international regulatory documents are studied.

**Key words:** transnational corporations, international law, international standards and national legislation, human rights, business, corporate social responsibility, corporate codes, soft law.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилиниши жамият ҳаётининг турли жабҳаларида, хусусан инсон ҳуқуқлари соҳасида янги мақсад, вазифа ва марраларни

белгилаб берди. Янги таҳрирдаги Конституция мамлакатдаги ҳар бир олим учун ўзига хос ҷакириқ ҳисобланади. Чунки кириб келган янги институтлар, ҳуқуқлар ва қафолатлар илмий-ҳуқуқий

жиҳатдан ўрганилиши ҳамда бу борада фундамен-  
тал тадқиқотлар кучайтирилиши тақозо этилади.  
Бу масала инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон  
ратификация қилган халқаро мажбуриятларга  
риоя қилиш жиҳатидан янада долзарблашади.

Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти  
Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 55-сессия-  
сида академик Акмал Саидов қайд этганидек:  
“Инсон ҳуқуқлари бўйича бизнес сектори билан  
ҳамкорлик қилиш ҳам муҳим, деб ҳисоблаймиз.  
Хусусан, тадбиркорлар учун инсон ҳуқуқлари  
бўйича ўқув курслари ташкил этилмоқда. Ҳозирда  
“Бизнес ва инсон ҳуқуқлари” миллий ҳаракат ре-  
жаси ишлаб чиқилмоқда”<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўй-  
ича кенгашининг Универсал даврий шарҳ бўйи-  
ча ишчи гуруҳи томонидан 2023 йилнинг ноябрь  
ойида Ўзбекистоннинг тўртинчи миллий маъруза-  
сини кўриб чиқиш чоғида 80 дан ортиқ давлатдан  
234 та тавсия билдирилди. Мамлакатимиз Универ-  
сал даврий шарҳ тавсияларини бажаришга ҳами-  
ша катта аҳамият бериб келган. Мазкур тавсиялар  
орасида **Инсон ҳуқуқлари соҳасида тадбиркор-  
лик бўйича миллий ҳаракатлар режаси** лойиҳа-  
сини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Мўғулистон то-  
монидан<sup>2</sup> илгари сурилди.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларини ҳи-  
моя қилиш бўйича халқаро тузилмалар билан кон-  
структив ҳамкорлик қилиш орқали инсон ҳуқуқла-  
рини таъминлаш ва ҳимоя қилишга содиқлигини  
намоиш этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бо-  
расидаги тадқиқотларнинг замонавий фундамен-  
тал асосларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида  
**БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига  
илк бор Ўзбекистондан аъзо сайланди.** 2024 йил  
31 декабрда Қўмитанинг 9 нафар аъзосининг ва-  
колат муддатлари тугаши муносабати билан 2024  
йил 29 май куни сайловлар ўтказилиб, унда Инсон  
ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси мил-  
лий маркази директори А. Саидов номзоди ҳам  
кўриб чиқилиб, энг кўп овозга эга бўлди<sup>3</sup>. Фуқа-

ролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро  
пактга аъзо 173 та давлат орасидан Ўзбекистондан  
вакил сайланиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқла-  
ри соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг реал  
натижаларидан биридир.

Мазкур сиёсий баёнот ва ҳаракатларнинг бар-  
часи Ўзбекистонда бизнеснинг, хусусан йирик  
компаниялар ва трансмиллий корпорациялар-  
нинг (кейинги ўринларда – ТМК дейилади) инсон  
ҳуқуқларига бўлган муносабатни ўзгартириш,  
уларнинг бу борадаги масъулиятини белгилаш ва  
оширишга қаратилган.

Бугунги кунга келиб, халқаро ҳуқуқда инсон  
ҳуқуқларини бизнес, жумладан трансмиллий кор-  
порациялар томонидан бузилганлиги ёки уларни  
бузишда иштирок этганлиги учун жавобгарликни  
назарда тутувчи ТМКларнинг ижтимоий жавоб-  
гарлиги амалда бўлиб турибди. **Трансмиллий  
корпорацияларнинг ижтимоий жавобгарлиги  
концепциясига** (кейинги ўринларда – КИЖ дейи-  
лади) Европа Комиссиясининг “Корпорациялар-  
нинг ижтимоий жавобгарлигига оид яшил кито-  
би”да<sup>4</sup> қуйидагича таъриф берилган: “Ижтимоий  
жавобгарлик концепцияси орқали компаниялар  
ихтиёрий асосда янада мукаммаллашган жамият  
қурилиши ҳамда янада соф табиий муҳит яратили-  
шига ўз ҳиссаларини қўшадилар”.

Ижтимоий жавобгарлик концепцияси ўз  
ривожланиш йўлида 3 босқични босиб ўтди. Би-  
ринчи босқичда асосан компанияларнинг қисқа  
муддатли манфаатлари ва мақсадларига, иккин-  
чи босқичда эса тадбиркорликнинг узоқ муд-  
датли режаларига эътибор қаратилди. Амалдаги  
учинчи босқич тадбиркорликдан жамият ҳаёти-  
нинг муҳим масалаларида, хусусан камбағаллик,  
атроф-муҳит ифлосланиши ва бошқа масалаларда  
фойдаланишни мақсад қилган<sup>5</sup>.

Гарчи КИЖ ихтиёрийликни асос қилиб олган  
бўлса-да<sup>6</sup>, халқаро “юмшоқ ҳуқуқ”, халқаро таш-  
килотлар, нодавлат ташкилотларнинг саъй-ҳа-  
ракатлари КИЖни корпоратив амалиётнинг бир

<sup>1</sup> Ўзбекистон вакили БМТ Кенгашининг 55-сессиясида сўзга чиқди // <https://parliament.gov.uz/uz/news/ozbekiston-vakili-bmt-kengashining-55-sessiyasida-sozga-chiqdi>.

<sup>2</sup> Универсальный периодический обзор – Узбекистан. Четвертый цикл // <https://web.dev.ohchr.un-icc.cloud/en/hr-bodies/upr/uz-index>.

<sup>3</sup> 40th Meeting of States parties & 2024 elections // <https://www.ohchr.org/en/events/events/2024/40th-meeting-states-parties-2024-elections>.

<sup>4</sup> Green Paper: Promoting a European framework for Corporate Social Responsibility. – Brussels, 18 July 2001 // [https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/DOC\\_01\\_9](https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/DOC_01_9)

<sup>5</sup> Dossing H. The Business Case for CSR. International chamber of commerce UK, Guide to global corporate social responsibility, 2003 – P. 34.

<sup>6</sup> Қаранг: Принципы корпоративного управления ОЭСР. – Париж: Организация Экономического Сотрудничества и Развития, 1999.

қисмига айлантиришга йўналтирган. Эътиборли томони шундаки, турли тартибга солувчи воситаларнинг нисбий “куч-қудрати”, уларнинг халқаро, давлат ёки нодавлат органларга тегишли бўлишига боғлиқ бўлмай, балки ТМКлар ушбу воситаларга риоя қилишга эришиш имкониятига кўпроқ боғлиқ. Умуман олганда, КИЖга оид манбаларни асосан 4 гуруҳга ажратиш мумкин. Мазкур манбалар ўз ичига: а) халқаро воситалар; б) нодавлат ташкилотларнинг воситалари; в) бизнес ахлоқининг индивидуал кодекслари; г) КИЖга тегишли бўлган миллий қонунчиликларни олади.

Аввало, КИЖнинг халқаро воситаларини кўриб чиқамиз. Таъкидлаш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Халқаро меҳнат ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг органлари, ТМКларнинг унча ривожланмаган давлатларга таъсирини доимий таҳлил қиладилар.

КИЖнинг энг таъсирли халқаро воситалари каторига **Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотининг Бошқарувчи тамойиллари** (дастлаб 1976 йилда чоп этилган бўлса, сўнгги бор 2023 йилда<sup>7</sup> қайта кўриб чиқилган), **БМТнинг Глобал шартномаси**<sup>8</sup> ва Халқаро меҳнат ташкилотининг **Меҳнат соҳасидаги асосий принцип ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларацияси**<sup>9</sup> киради. ТМКлар фаолиятини тартибга солишда ТМКлар бўйича БМТ Комиссияси (ТМКлар фаолияти билан боғлиқ комплекс масалалар билан шуғулланади), Халқаро меҳнат ташкилоти ҳузуридаги Мультиимиллий корхоналар бўйича қўмита (юқоридаги декларациянинг ижросини назорат қилади) ва БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (инвестициявий низолар бўйича) алоҳида ўрин тутати.

Халқаро “юмшоқ ҳуқуқ”да акс эттирилган мажбуриятлар халқаро ташкилотлар ва унга аъзо-давлатлар томонидан ТМКларга қаратилган бўлса,

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотининг бошқарув тамойиллари ҳукуматлар томонидан ТМКларга йўналтирилган бўлади. Юридик жиҳатдан ушбу тамойиллар ТМКлар учун императив характерга эга бўлмаса-да, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотидagi давлатлар уларга қатъий риоя қилишга, ўз компаниялари фаолият кўрсатаётган барча ерларда ушбу тамойилларга амал қилишни рағбатлантиришга келишишган.

2023 йилда ИХРТ тамойиллари<sup>10</sup> қуйидаги ўзгаришлар билан янгиланди: иқлим ўзгариши ва биологик хилма-хиллик бўйича мақсадларга мувофиқлаштириш бўйича ТМКлар учун тавсиялар, технологияни ишлаб чиқиш, лицензиялаш бўйича экспертиза талабларини киритиш, масъулиятли иш юритиш маълумотларини ошкор қилиш, коррупцияга қарши курашиш, лобби фаолияти, миллий алоқа пунктлари самарадорлигини ошириш.

ИХРТ тамойиллари Миллий алоқа пунктлари ташкил этилишини кўзда тутиб, улар миллий қонунчиликнинг мазкур тамойилларга мослиги ҳамда маҳаллий тадбиркорлик субъектларига тамойилларнинг тушунтирилиши юзасидан жавобгар ҳисобланади<sup>11</sup>. 10 та тамойилдан иборат БМТнинг Глобал шартномаси халқаро бизнес вакилларини уларни индивидуал корпоратив амалиётга татбиқ этиш ва қўшимча ташаббускорлик кўрсатишга чақиради. Глобал шартнома ТМКлардан унга содиқлигини тасдиқлашларини ва “БМТнинг барча лойиҳаларида ишлаш мажбуриятларини” талаб қилади<sup>12</sup>.

Шубҳасиз, КИЖнинг халқаро воситаларини фақатгина халқаро “юмшоқ ҳуқуқ” турига киритиб бўлмайди. ИХРТ тамойиллари<sup>13</sup>, Глобал шартнома<sup>14</sup> ва декларацияни амалга оширишнинг етарли механизмлари мавжуд бўлиб, ҳисобот топшириш каби талабларни ўз ичига олган.

Тадқиқотчи олимлар И. Гомез, Л. Зайцева ва О. Абакумова фикрича, “Глобал шартнома БМТнинг

<sup>7</sup> Aristova E., Higham C., Higham I., Setzer J. Corporate climate change responsibilities under the oecd guidelines for multinational enterprises // “International and Comparative Law Quarterly”, 2024. No 73(2). – P. 505 – 525.

<sup>8</sup> The Ten Principles of the UN Global Compact // <https://www.unglobalcompact.org/what-is-gc/mission/principles>.

<sup>9</sup> Декларация МОТ об основополагающих принципах и правах в сфере труда и механизм ее реализации // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/ilo\\_principles.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/ilo_principles.shtml).

<sup>10</sup> OECD Guidelines for Multinational Enterprises // <https://www.oecd.org/corporate/mne/2000oecdguidelinesformultinationalenterprises.htm>.

<sup>11</sup> Kathryn Gordon. Annual Report on the OECD Guidelines for Multinational Enterprises 2014. Responsible Business Conduct by Sector, 2015 // [https://www.oecd-ilibrary.org/governance/annual-report-on-the-oecd-guidelines-for-multinational-enterprises-2014\\_mne-2014-en](https://www.oecd-ilibrary.org/governance/annual-report-on-the-oecd-guidelines-for-multinational-enterprises-2014_mne-2014-en).

<sup>12</sup> The Ten Principles of the UN Global Compact // <https://www.unglobalcompact.org/what-is-gc/mission/principles>.

<sup>13</sup> OECD Guidelines for Multinational Enterprises // <https://www.oecd.org/corporate/mne/2000oecdguidelinesformultinationalenterprises.htm>.

<sup>14</sup> The Ten Principles of the UN Global Compact // <https://www.unglobalcompact.org/what-is-gc/mission/principles>.

универсал қадриятларини тарқатиш усули сифатида намоён бўлади. Мазкур ташаббуснинг асосий мақсади ҳам шудир. Бироқ агар ТМКларга имтиёзлар яратилмаса ёки фойда олиш имкониятлари очилмаса, ҳужжатда назарда тутилган мақсадларга эришиш қийин бўлади. Гарчи Глобал шартнома танқидлардан холи бўлмаса-да, у БМТнинг халқаро ҳамжамият олдида нуфузи юксалишига хизмат қилади. Ижтимоий жавобгарликнинг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий прогресснинг драйверига айланиши лозим. Масалан, БРИКСга аъзо мамлакатларда жамиятнинг Глобал шартномага талаби кучли бўлиб, давлатларнинг бу борадаги хоҳиш-иродасини кўрсатади ва келажак авлод учун ижобий истикболларни ваъда қилади<sup>15</sup>. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда қайд этиш мумкинки, Глобал шартнома кучли халқаро-ҳуқуқий воситаларга муҳтождир, бироқ ҳужжатнинг муҳимлигини инкор этиб бўлмайди.

Нодавлат ташкилотлар воситаларининг сони 100 дан ошади. Уларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин: КИЖнинг бошқарувчи тамойиллари тўплами (ҳисобот бериш стандартлари), КИЖ кўрсаткичлари бўйича баҳолаш механизмлари ҳамда икки гуруҳнинг аралаш шакли бўлган учинчи гуруҳдан иборат. Уларнинг баъзилари аниқ предметга эга. Масалан, “ижтимоий жавобгарлик” тамойили<sup>16</sup> меҳнат муносабатларига бағишланиб, асосий эътиборни ижтимоий, меҳнат ва экологик масалаларга қаратади.

Фикримизча, ўзини ўзи тартибга солиш стандартлари орасида 2023 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ҳисоботнинг глобал ташаббуси ажралиб туради ва у ТМКлар фаолиятига оид иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик стандартларни қамраб олади<sup>17</sup>. Унга асосланиб ТМКлар ижтимоий ҳисоботларни тизимлаштириб боришлари лозим. Стандартлар муҳимлиги шундан иборатки, стандартларни бажараётган ТМКлар БМТнинг Глобал шартномасида белгиланган ҳисобот бериш талабларига жавоб бераётган ТМКлар сифатида тан олинади<sup>18</sup>.

Энди эса ҳуқ-атвор тўғрисидаги корпоратив кодексларнинг шаклланиши, амалдаги мақоми ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қиламиз. Ҳуқ-атвор тўғрисидаги корпоратив кодекслар – ТМКлар амал қиладиган, ҳуқ-атворнинг ахлоқий стандартларини белгиловчи сиёсий баёнотлар ҳисобланади. Бундай кодекс умумий стратегик баёнот тарзида қабул қилиниши ёки ТМКлар етказиб берувчилар, агентлар ва пудратчилар билан тузилдиган шартномаларнинг шarti сифатида киритилиши мумкин. Бунда мазкур субъектлар ТМКнинг ахлоқий нормаларига амал қилишга розилик билдиришлари шарт.

Корпоратив кодекслар чекланган юридик кучга эга. Бунда кодекс қоидаларининг бузилиши ТМК ва истеъмолчи ўртасидаги шартномавий муносабатларга таъсир кўрсатилишини англатади, давлатнинг ички қонунчилиги бундан мустасно. Масалан, “Каски Найкга қарши”<sup>19</sup> номли суд ишида бир фаол шахс “Nike” трансмиллий корпорациясига қарши даъво билан чиқиб, ушбу ТМКни Осиёда оғир меҳнат шароитларини яратишда иштирок этганини оқлаш учун ёлгон маълумотлардан иборат реклама акциясини ўтказганликда айблади. АҚШнинг Калифорния Олий суди компаниянинг оммавий баёнотлари истеъмолчиларни трансмиллий корпорациянинг товарларини сотиб олишга ундаш сифатида тан олиншини қайд этиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи тузатиш (сўз эркинлиги ҳақида) бу ҳолатда чеклангани тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарор апелляция инстанциясида ҳам ўзгаришсиз қолди.

КИЖга тегишли бўлган давлатларнинг ички қонунчилигини ўрганиш қуйидагиларни кўрсатди. Масалан, Буюк Британия қонунчилигига эътиборни қаратсак, мамлакатда 2018 йилдан буён Корпоратив бошқарув тўғрисидаги кодекс амал қилмоқда. Мазкур кодекс Британия ҳукумати томонидан муваффақиятсиз қабул қилинган “Корпоратив қонунчилиқни модернизация қилиш тўғрисидаги оқ китоб”нинг<sup>20</sup> қайсидир маънода ўрнини босди

<sup>15</sup> Gomes E., Zaitseva L., Abakumova O. Corporate Social Responsibility Through the Global Compact: Between Business and Society // BRICS Law Journal, 2017. 4 (4). – P. 93 – 115.

<sup>16</sup> Business strategies for sustainable development: Business Strategy for Sustainable Development: Leadership and Accountability for the 90s, 1992 // [https://www.iisd.org/system/files/publications/business\\_strategy.pdf](https://www.iisd.org/system/files/publications/business_strategy.pdf).

<sup>17</sup> The Global Initiative of the Reporting // <http://www.globalreporting.org>.

<sup>18</sup> The Ten Principles of the UN Global Compact // <https://www.unglobalcompact.org/what-is-gc/mission/principles>.

<sup>19</sup> Kasky versus Nike, California Supreme Court // <https://law.justia.com/cases/california/supreme-court/4th/27/939.html>.

<sup>20</sup> Bills Committee on Companies (Amendment) Bill, 2002, A1133 // <https://www.legco.gov.hk/yr02-03/english/ord/ord028-03-e.pdf>.

десак хато бўлмайди. Шу билан бирга кодекснинг 2-моддаси КИЖГа оид барча асосий масалаларга экстерриториаллик тамойилининг қўлланилишини назарда тутиб, ТМКлардан маҳаллий аҳолига маслаҳатлар беришни талаб қилиб, ҳисоботлар тайёрлаш ва нашр этиш бўйича ТМКларнинг мажбуриятларини<sup>21</sup> белгилаб берган.

Кодекснинг 7 ва 8-моддалари директорларнинг ижтимоий ҳамда экологик мажбуриятлари ва жавобгарлигини очиб берса, 6-моддада Буюк Британия ҳудудида инсонларга ёки атроф-муҳитга зарар етказилганидан қатъи назар, асосий компаниялар – филиаллар учун, шунингдек, компанияларнинг қўшиб олиниши, қўшиб юборилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида юзага келган барча шакллари ҳамда улар чиқарган барча қарорлари учун жавобгар бўлишлари аниқ белгилаб қўйилган. Бундай норманинг белгиланиши ТМКларнинг чет элдаги фаолиятига қарши қийинчиликсиз даъво киритилишига имконият яратади.

Ушбу ҳолатлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ТМКларни ижтимоий жавобгарликка тортиш учун давлат томонидан кафолат берилишини англатади. Гарчи мамлакатимизда трансмилий корпорациялар сони жуда юқори бўлмаса-да, миллий анъаналар, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ҳисобга олган ҳолда, ТМКларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаши ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлигини белгилловчи миллий қонунни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотининг Бошқарувчи тамойиллари, БМТнинг Глобал пакти ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат қилишга оид ҳуқуқлар ва тамойиллар тўғрисидаги декларацияси Трансмилий корпорацияларнинг ижтимоий жавобгарлиги концепциясининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишига асос яратди. Инсон ҳуқуқлари интеграция қилинган хулқ-атвор тўғрисидаги корпоратив кодекслар ҳам КИЖнинг самарали механизмларидан бири саналади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги

таклифларни билдирамиз:

**биринчидан**, юртимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш учун нафақат давлатнинг хайрихоҳ бўлишини, балки бу соҳада трансмилий корпорацияларнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини миллий қонунчилигимизда акс эттириш, ТМКларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари ва уларга риоя этишларини мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини бузганлик учун ижтимоий-ҳуқуқий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қабул қилиш керак;

**иккинчидан**, юридик шахслар, хусусан ТМКларни қайта ташкил этиш масаласини миллий қонунчиликни такомиллаштириш, жумладан уларнинг чет элдаги фаолияти ҳамда унинг филиаллари ёки бўлинмалари учун жавобгарлигини белгилаш зарур;

**учинчидан**, ТМКларнинг хулқ-атвори тўғрисидаги кодекслар ва ходимларни ишга олиш сиёсатига оид илғор давлатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимизда ТМКлар учун бундай кодекснинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш лозим;

**тўртинчидан**, тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий жавобгарлигига оид нормаларни мамлакатимизнинг ички қонунчилигида акс эттириш, шу жумладан ўз ижтимоий фаолиятлари ҳақида ҳисобот бериш мажбуриятини трансмилий корпорацияларга юклаш даркор;

**бешинчидан**, инсон ҳуқуқлари борасидаги тадқиқотларнинг замонавий фундаментал асосларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитасига аъзо бўлиш керак.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга риоя этиш бўйича миллий қонунчилик такомиллашиб бормоқда. Президентимизнинг: **“Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият”**,<sup>22</sup> – деган сўзлари бу борада дастуриламал бўлмоқда.

<sup>21</sup> Corporate Governance Reform. 27 May, 2020 // <https://commonslibrary.parliament.uk/research-briefings/cbp-8143/>.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

# МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.022



**Нуржов МЕЛИКУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар вазирлиги Малака ошириш  
институту ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада миграция тушунчасининг моҳияти ёритилган, шунингдек, бугунги кунда содир бўлаётган глобал миграция жараёнлари Европа Иттифоқи минтақаси мисолида таҳлил қилинган. Муаллиф миграция оқибатида келиб чиқаётган глобал муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамиятга эга экани тўғрисида мулоҳаза юритган.

**Калит сўзлар:** миграция, муҳожир, қочқин, сиёсий бошпана, минтақа, чегара, демография.

**Abstract.** The article covers the essence of the concept of migration, and also analyzes the global migration processes taking place today on the example of the European Union region. The author reflects on the relevance of solving global problems arising from migration.

**Key words:** migration, immigrant, refugee, political asylum, region, border, demography.

**Аннотация.** В статье освещается сущность понятия миграции, а также анализируются глобальные миграционные процессы, происходящие сегодня, на примере региона Европейский Союз. Автор подчеркивает, что решение глобальных проблем, вызванных миграцией, имеет первостепенное значение.

**Ключевые слова:** миграция, иммигрант, беженец, политическое убежище, регион, граница, демография.

Сўнгги йилларда дунёда юз бераётган жадал ўзгаришлар баробарида миграция жараёнининг глобаллашуви жаҳон жамоатчилигини кенг ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланмоқда. Бу борада кўплаб изланишлар олиб бориш, долзарб масалалардан бири сифатида уни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва бу борада турли соҳа вакиллари томонидан илгари сурилаётган ёндашувлардаги умумийликни аниқлаб, яқуний ҳулосалар чиқариш ҳаётий муҳим бўлган заруратга айланмоқда.

Миграция сўзи латинча “migratio” сўзидан олинган бўлиб, “кўчиш” луғавий маъносини англатади. Аҳоли миграцияси деганда, инсонларнинг бир ҳудуддан бошқасига, аксарият ҳолларда йирик гуруҳларда ва йирик масофалар бўйлаб кўчиши тушунилади.

Тадқиқотчи олимларнинг асарларида инсон-

ларнинг ички ва ташқи маъмурий-ҳудудий бирликлар чегарасидан кечиб ўтиб, доимий яшаш жойини ўзгартириш ёки етакловчи ва жалб қилувчи омилларнинг таъсиридан қатъи назар, таълим олиш ҳамда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида амалга оширган ҳар қандай ҳудудий кўчишига аҳоли миграцияси сифатида қаралган.

Тарихга назар солсак, бундан икки-уч аср мукаддам Буюк Британия ва Шимолий Америкада миграцион жараёнларни тартибга солиш мақсадида ўндан ортиқ қонунлар ишлаб чиқилганига гувоҳ бўламиз.

Давлат ҳудудидан ташқарига кўчиб ўтган шахслар — эмигрантлар, мазкур давлатга кўчиб ўтувчи шахслар эса иммигрантлар ҳисобланади.

Миграция муаммосини ўрганишга доир 17 хил ёндашув мавжуд бўлиб, улар ўз ичига 45 турдаги илмий йўналиш, назария ва концепцияларни

бирлаштиради. Ушбу назариялардан 5 таси иқтисодий, 5 таси социологик, 4 таси миграцион, қолганлари эса демографик, тарихий, типологик, сиёсий ва бошқа ёндашувлар ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу ёндашувлар аҳолининг кўчишига сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг оқибатларини ўрганишга қаратилган бўлиб, уларда “Миграцион жараёнларда айнан қимматли иштирок этади?”, “Мазкур ҳаракат қачон юзага келади?”, “Миграция жараёнининг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар нималардан иборат?”, “Нима сабабдан аҳолининг бир қисми ўз жойини тарк этмайди?”, “Муҳожирлар кўчиш жараёнини қандай ўтказди ва уларнинг янги жойга мослашуви қандай кечади?” каби саволларга жавоб изланган.

Шунингдек, олимлар этнографик тадқиқотлар олиб бориб, шахснинг муҳожири сифатидаги ички кечинмаларини, инсоннинг бир муҳитдан иккинчисига ўтиши натижасида рўй берган ижтимоий ва маданий ўзгаришлар мазмунини ўрганишга ҳаракат қилишган.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини “Миграция нима сабабдан юз беради?”, “Миграциянинг макон ва замондаги барқарорлигини таъминловчи омиллар нималардан иборат?” деган саволга жавоб топиш қизиқтиради ва бу муаммонинг ечимини ишлаб чиқиш масалалари ниҳоятда долзарбдир.

Умуман олганда, ўртага ташланаётган саволлар миграцион жараёнларнинг натижалари билан узвий боғлиқ. Миграцион жараёнларнинг бир қатор натижа ва оқибатлари мавжуд бўлиб, улар ижтимоий капитал, ишчи кучи бозори ҳамда институционал тузилмалар спектри каби омиллар билан узвий алоқадор.

Бугунги кунда сиёсатшуносларнинг эътибори уч масалага қаратилган:

**биринчи масала** — давлатнинг миграцион оқимларни бошқариш ва давлат чегараларини назорат қилишдаги роли;

**иккинчи масала** — миграциянинг давлат суверенитети ва фуқаролик институтига таъсири ҳамда миграциянинг ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик сиёсати билан ўзаро боғлиқлиги;

**учинчи масала** — инкорпорация муаммоси.

Миграция масалалари бўйича халқаро ташкилот томонидан берилган маълумотларга кўра,

2010 йилда халқаро муҳожириларнинг сони 214 млн кишини ёхуд дунё аҳолисининг 3,1 фоизини ташкил этган. Яқин Шарқда юзага келган вазият натижасида 2014 йилдан буён мазкур кўрсаткич бир неча бор ўсганини кузатиш мумкин. Мавжуд кўрсаткичнинг бу тарзда ўсишида давом этиши натижасида 2050 йилга келиб, муҳожирилар сони 505 миллион нафарга етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Айтиш ўринлики, таълим олиш ва малакасини ошириш мақсадида бошқа давлат худудига келган талаба ва сайёҳлар расман муҳожири сифатида рўйхатга олинмайди. Шундай бўлса ҳам уларнинг бир қисми сайёҳлик визаси ёрдамида давлат худудига кириб келгач, у ерда ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланади.

Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Яқин Шарқ, Осиё ва Африка худудидан минглаб қочқинлар Болгария ва Греция чегараси орқали Европа Иттифоқи минтақасига ўтиб олишга ҳаракат қилишмоқда. 2022 йилнинг дастлабки 10 ойи давомида Европа Иттифоқи мамлакатларидан бошпана сўраб деярли 800 мингта ариза топширилган.

Европа Иттифоқининг бошпана масалалари бўйича агентлиги ижрочи директори Нина Грегори “Funke” нашрига берган интервьюсида, 2022 йилнинг январь – октябрь ойларида Европа Иттифоқида 790 мингта шундай ариза рўйхатга олинганини, бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 54 фоизга кўп эканини айтиб ўтган<sup>1</sup>.

Таққослаш учун, 2015 ва 2016 йилларда Европа Иттифоқи қочқинлар инквизицияга дуч келган ва ўша даврда ҳар йили расмий бошпана сўраб мурожаат қилганлар сони 1,3 миллионни ташкил этган<sup>2</sup>.

Грегорининг сўзларига кўра, 2022 йилнинг дастлабки ўн ойда Россия-Украина можаросидан қочган 4,7 миллион нафар украиналик Европа Иттифоқида вақтинчалик ҳимоя мақомига эга бўлган. Европа Иттифоқида бюрократик тартиб-қоидаларни соддалаштириш мақсадида ушбу тоифадаги шахслар Европа Иттифоқида киришда бошпана сўраб расмий ариза топширишлари шарт эмаслиги ҳақида қарор қабул қилинган.

Германиядаги вазият бутун Европа Иттифоқидаги вазиятга ўхшайди. Миграция ва қочқинлар

<sup>1</sup> Қаранг: Число прошений об убежище в ЕС гораздо выше, чем в 2021 году // <https://www.dw.com/ru/cislo-prosenij-ob-ubezise-v-evrosouze-gorazdo-vyse-pokazatelej-2021-goda/a-64213798>.

<sup>2</sup> Ўша манба.

бўйича федерал идора маълумотларига кўра, 2022 йилнинг ноябрь ойи охирига келиб Германияда биринчи марта бошпана сўраганларнинг 190 минг аризаси рўйхатга олинган. Бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 43 фоизга кўпдир<sup>3</sup>.

Европа Иттифоқида рўйхатга олинган бошпана сўровлари сони бўйича иккинчи ўринда – Франция, охириги ўринда – Венгрия. 2022 йилда энг кўп ариза Сурия ва Афғонистон фуқаролари томонидан берилган<sup>4</sup>.

2022 йилда Буюк Британияга Ла-Манш бўғози орқали 46 мингга яқин ноқонуний муҳожир кириб келган. Бу бир йил аввалгига нисбатан 17 мингга кўпдир. Мутлақ рекорд 2022 йилнинг 22 август куни бўғоздан 1295 киши ўтганида ўрнатилган.

Британия ҳукумати мамлакатга ноқонуний киришни ният қилган одамлар учун огоҳлантириш бўлиши керак бўлган қонунларни ишлаб чиқмоқда. Хусусан, бу қонунларда Англияга Ла-Манш бўғози орқали кирган мигрантлар бошпана сўрашга ҳақли эмаслиги кўзда тутилади. Бундан ташқари, ҳукумат ноқонуний муҳожирларни сақлаш харажатларини камайтиришни режалаштирмоқда.

Умуман олганда, 2022 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларидан бошпана сўраб мурожаат қилганлар сони 2021 йилга нисбатан қарийб бир ярим бараварга ошган – 924 мингга ариза.

2022 йилда бошпана сўраб мурожаат қилган шахслар сони бўйича биринчи ўринда Германия (190 мингдан ортиқ ариза), иккинчи ўринда Франция (115 мингдан ортиқ ариза), учинчи ўринда Испания (111 мингдан ортиқ ариза), тўртинчи

ўринда Австрия (106 мингдан ортиқ ариза), бешинчи ўринда Италия (78 мингдан ортиқ ариза) қайд этилган.

Бу статистика Украина фуқароларини ўз ичига олмайди, чунки улар учун Европа Иттифоқининг махсус қоидалари амал қилади. Украиналик қочқинлар тўғридан-тўғри Европа Иттифоқида вақтинчалик яшаш, ижтимоий ёрдам, соғлиқни сақлаш, шунингдек, таълим ва меҳнат бозоридан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи ташқи чегараларни ноқонуний муҳожирлар оқимидан ҳимоя қилиш учун бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳозирда дунёни ташвишга солаётган миграция жараёнларининг глобаллашуви хавотирли оқибатларга сабаб бўлмоқда. Миграция жараёни ўзига хос мураккаб ва зиддиятларга бой бўлган жараёндир. Мазкур ходиса кузатувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг ҳар иккиси учун бир қатор ижобий жиҳатлар билан бирга кўплаб муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Миграция муаммосининг ўзига хослиги шундаки, у жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади ва ўзининг кенг қамровли таъсирини намоён этади. Шунга кўра, бугунги кунда замонавий миграция жараёнларини ва сиёсатини тадқиқ этиш орқали унинг илмий-назарий асосларини ўрганиб бориш, миграция жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни янада такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

<sup>3</sup> Қаранг: Европа Иттифоқида бошпана сўраб мурожаат қилганлар сони кескин ошди // <https://kun.uz/kr/news/2022/12/27/yevropa-ittifoqida-boshpana-sorab-murojaat-qilganlar-soni-keskin-oshdi>.

<sup>4</sup> Ўша манба.

## ФАХРУДДИН ЎЗГАНДИЙНИНГ “ФАТАВОИ ҚОЗИХОН” АСАРИДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2024.4.023



**Нилуфар МАНСУРОВА,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси миллий  
маркази таянч докторанти

**Аннотация.** Мақолада Қорахонийлар даврида Фахруддин Ўзгандий томонидан ёзилган “Фатавои Қозихон” асарида аёллар ҳуқуқлари масаласи ўрганилган. Мазкур асар асосида, ислом ҳуқуқида аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқлари, шунингдек, мусулмон бўлмаган аёллар ҳуқуқлари таҳлил қилинган. Аёллар ҳуқуқларининг баҳсли масалалари ҳамда бу борада Фахруддин Ўзгандийнинг қарашлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** аёллар ҳуқуқлари, вақф, ҳиба, маҳр, нафақа, ижтимоий ҳуқуқлар, сиёсий ҳуқуқлар, шариат.

**Abstract.** The article explores the issue of women's rights in “Fatavoi Qazikhan”, a work written by Fakhruddin Uzgandi during the Karakhanids period. On the basis of this work, the economic, social, political rights of women, the rights of non-Muslim women are analyzed in Islamic law. It also covers controversial issues of women's rights as well as the views of Fakhruddin Uzgandi in this regard.

**Key words:** women's rights, waqf, hiba, mahr, allowance, social rights, political rights, Sharia.

**Аннотация.** В статье исследуется вопрос прав женщин в произведении “Фатавои Казихан”, написанном Фахруддином Узганди в эпоху Караханидов. На основе этой работы были проанализированы экономические, социальные, политические права женщин, права немусульманских женщин в исламском праве. Освещаются спорные вопросы прав женщин, а также взгляды Фахруддина Узганди на этот вопрос.

**Ключевые слова:** права женщин, вакф, хиба, махр, пособие, социальные права, политические права, шариат.

Исломда аёллар ҳуқуқи тўғрисида сўз борар экан, ушбу масаланинг нақадар нозиклигини, шунингдек, аксар ҳолларда аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ баъзи масалалар уламолар томонидан ихтилофларга сабаб бўлганини кўрамиз. Бироқ уни ёритишдан аввал, бевосита “Мақосид аш-шариа”, яъни ислом шариати мақсадларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ислом шариати нормалари инсоннинг хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, дини, моли, жони, насли ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган. Исломда аёлларнинг шахсий ҳуқуқлари маса-

ласи эркакларники билан бир хил. Яъни исломда аёл кишининг аввало она, қиз, рафиқа сифатида ҳуқуқлари таъминланган.

Қорахонийлар даври ҳуқуқшуноси Фахруддин Ўзгандийнинг “Фатавои Қозихон” асарида ҳам аёллар ҳуқуқларига оид масалалар ёритилган. Мазкур асарда аёлларнинг ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида боб ажратилмаган бўлиб, у ҳуқуқ соҳаларига оид қисмларда ёритилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, асарда нафақат мусулмон аёл-

лар, балки ғайридин аёлларнинг ҳам ҳуқуқлари масаласи ёритилган.

**Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари.** Ислом шариати аёлнинг турмуш қуришидан аввал ҳам, кейин ҳам тўлиқ мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлайди. Мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва тасарруф этиш борасида исломда аёлу эркакка бир хил тенглик берилган. Аёл кишининг мулки дахлсиз, унга зиён етказилса, зарарни қоплаб бериш шарт ҳисобланади.

Мисол учун, аёл киши ҳам олди-сотди, вақф каби бир қанча шартномалар субъекти бўлиши мумкин. Ваҳоланки, ушбу мавзулар ёритилишида алоҳида аёллар деб тилга олинмаган ва юқоридаги шартномаларни тузишга монелик қилувчи ҳолатлар сифатида аёлларнинг иштирок этиши айтиб ўтилмаган. Шу боис, бу масалаларда аёллар ҳам шаръий мезонлардан чиқмаган ҳолда эркин ҳаракат қилишлари мумкин.

Мисол учун, ислом ҳуқуқида мавжуд шуфъа, яъни кўчмас ёки шерикчилик асосидаги мулкни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг субъектлари кимлар бўлиши мумкинлигини санаганда Фаҳруддин Ўзгандий ўзининг “Фатавои Қозихон” асарида мусулмон, ғайридин, катта, кичик, эркак ва аёллар бўлиши мумкинлигини, уларнинг барчаси ўзаро тенглигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар хусусида сўз борганда, ислом ҳуқуқи нормаларида биз кўпроқ аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркакларнинг мажбуриятлари ёритилганига гувоҳ бўламиз. Умумий асосда, ислом ҳуқуқида аёлнинг мулкӣ ҳуқуқларига қуйидагилар қиради: маҳр, нафақа, мерос ҳуқуқи.

Маҳр — бу аёл никоҳга киришида эрнинг таклифини қабул қилгани эвазига унга бериладиган моддий бойликдан иборат. Маҳр эрнинг мажбурияти, аёлнинг эса ҳуқуқи ҳисобланади. Маҳр никоҳнинг асосий шarti бўлмай, никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятдир. Шунинг учун ҳанафий мазҳабида никоҳ вақтида маҳр белгиланмаса ҳам никоҳ дуруст ҳисобланиб, ўз-ўзидан маҳр мисл, яъни ўша юртда аёл-қизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр бериш лозим.

“Фатавои Қозихон” асарида маҳр масаласига алоҳида боб ажратилган бўлиб, у “Маҳр зикр қилинган масалалар ҳақида боб” деб аталади. Ушбу

бобда муаллиф бошқа фикҳий асарлардагидек маҳрнинг энг кам миқдори масаласига батафсил тўхталмайди, балки тўғридан-тўғри маҳр билан боғлиқ масалаларни ёритади. Фаҳруддин Ўзгандийнинг фикрига кўра, маҳр маълум кийматга эга бўлган мол бўлиши керак, агар номаълум бир мол зикр қилиниб, аёлга ҳайвон ёки либос билан уйланилса, аёлга ўша юртда аёл-қизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр берилади. Агар киши аёлга: “Мана бу қулнинг қийматига ёки мана бу ҳовлининг қийматига тенг маҳр билан уйландим”, — деб айтса, маҳр аниқ зикр қилинмагани боис никоҳ маҳри мисл билан жоиз бўлади”.

Шу ўринда, урфимизда мавжуд бўлган “қалин пули” билан маҳрни ўзаро чалкаштирмаслик жоиз, бунинг сабаби, “қалин пули” қизнинг ота-онасига берилса, маҳр қизнинг шахсий мулки ҳисобланади. Ҳатто никоҳ бекор бўлган тақдирда ҳам маҳр миқдоридан қатъи назар, эркак кишига қайтариб берилмайди.

Аёлнинг яна бир ҳуқуқларидан бири, бу унинг нафақа олиш ҳуқуқидир. Ушбу сўз луғатда “сарфлаш” маъносида ишлатилиб, фақатгина ижобий маънода қўлланилади. Мазмунан эса кишининг ўз қўли остидагиларининг, яъни хотини, болалари, ота-онасининг моддий эҳтиёжларини таъминлаши тушунилади. Ислом ҳуқуқида аёл кишига умри давомида нафақа беришга масъул кишилар белгиланган. Масалан, турмушга чиққунига қадар отаси ва акалари, оила қургач эри, кейинчалик фарзандлари унинг нафақасини адо этадилар.

“Фатавои Қозихон” асарида нафақа учун алоҳида боб ажратилган, шунингдек, асарда нафақа билан боғлиқ қуйидаги масалалар ҳам баён этилган:

- Идда нафақаси ҳақида фасл;
- Фарзандлар нафақаси ҳақида боб;
- Ота-она ва қариндошлар нафақаси ҳақида фасл;

- Қулнинг (чўрининг) нафақаси ҳақида фасл.

“Талоқ китоби”нинг “Нафақа боби”да келтирилган маълумотларга кўра, аёлга берилиши вожиб (бажарилиши зарур бўлган — Н.М.) нафақаларга қуйидагилар қиради: таом, либос, тугар-жой<sup>2</sup>.

Фаҳруддин Ўзгандийнинг таом нафақаси хусу-

<sup>1</sup> Фаҳруддин Абўлмаҳофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. Фатавои Қозихон (Қозихон фатвоси). 3-жилд. — Ливан: “Дарул кутуб”, 2009. — 179-б.

<sup>2</sup> Ўша манба. — 254-б.

сида фикри қуйидагича: “Бизда (ҳанафий мазҳабида) нафақа аниқ қилиб белгиланмаган, лекин киши аёлига етарли бўлганини яхшилик билан таъминлаб қўйиши лозим. Бу замон ва маконлардаги хилма-хилликлар билан турлича бўлади. Киши аёлига етарлича нон билан биргаликда нонга қўшиб ейиладиган нарсалар билан ҳам таъминлаши жоиз, сабаби, нон бир ўзи эмас, бошқа нарсалар билан қўшиб ейилади. Бизнинг ҳанафий мазҳабидаги урфда эса аёлнинг нафақаси инсонлар ҳамда вақтлардаги хилма-хиллик боис турлича бўлади. Нафақа дирҳамлар билан ўлчанмайди”.

**Либос нафақаси** хусусида муаллиф Имом Муҳаммад Шайбонийнинг фикрига қўшилиб, уни йилда бир маротаба иккита қўйлак, ёпинчиқ ва милҳафа олиб бериш, деб айтади. Юқорида зикр қилинган икки қўйлак ва икки ёпинчиқдан мурод қишки ва ёзгиларидир. Ёзгиси юпқа бўлган, иссиқ пайтга яроқли бўладиган бўлиши керак. Қишгиси эса қалин бўлиши, совуқдан ҳимоялашга яроқли бўлмоғи жоиз.

Муаллифнинг фикрига кўра, бизнинг диёримиз Мовароуннаҳрда либос нафақаси шалворлар, енгилар узун қўйлак, шунингдек, ухлаганда тагига тўшак, устига ёпинчиқ, қишда совуқдан ҳимояловчи жун матодан бўлган, ёзда эса иссиқдан ҳимояловчи ипак матодан бўлган узун енгил кийим бўлиши керак.

**Яшаш жойи нафақаси** борасида Ўзгандий ўз қарашларини қуйидагича баён этади: “Аёл ўзининг нарсаларини омонликда сақлаши учун алоҳида уйга эгалик қилиши унинг ҳуқуқи ҳисобланади. У ерга киришга эрнинг қариндошлари ҳаё қилишлари керак. Агар кишининг онаси ёки синглиси ёки яна хотини бўлса, аёл: “Мени бошқа алоҳида манзилга ўтказинг”, – деб айтган тақдирда бу эрнинг зиммасида бўлади. Чунки аёл ўз нарсаларини омон сақлай олмаяпти, агар уй битта бўлса, эрнинг қариндошлари унинг уйига кириши керак эмас. Агар ҳовли бўлиб, унда кўплаб уйлар бўлса ва эр аёлга битта қулфланадиган ва очиладиган (ҳовлига қараб очиладиган – Н.М.) уйни берса, агар унга азият берувчи эрнинг яқинларидан бўлмаса, эрдан бошқа уйни талаб қилиш ҳуқуқи бўлмайди”<sup>3</sup>.

Никоҳ шартномасини тузишда ҳам, албатта, хотин-қизларнинг розилиги асосий шартлардан бири ҳисобланган. Бу хусусда Фахруддин Қозихон шундай дейди: “Никоҳ шarti балоғат ёшига етган аёлнинг хоҳ у қиз бўлсин, хоҳ жувон унинг розилигидир”. Ҳаттоки, сукут сақлаш никоҳ жараёнида жуда аҳамиятли бўлиб, у барча ҳолларда ҳам розиликни билдирмайди. Фахруддин Қозихон сукут масаласига тўхталар экан, у баъзи масалалардагина розилик дея эътироф этилишини айтиб ўтган.

Қолаверса, никоҳни бекор қилиш ҳуқуқи аёл кишига ҳам берилган бўлиб, бу ислом ҳуқуқида “хулуъ” дейилади. Хулуъ эрга бериладиган маълум бир эваз билан аёл кишининг никоҳни бекор қилиш ҳуқуқидир.

Аёлнинг яна бир ҳуқуқларидан бири – унинг мерос олиш ҳуқуқидир. Ислом ҳуқуқида аёлнинг мерос ҳуқуқи мавжуд бўлиб, Қуръони Каримнинг Нисо сураси 7-оятида шундай марҳамат қилинади: “Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган насада эркакларнинг насибаси бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган насада аёлларнинг насибаси бор. У оз бўлсин, кўп бўлсин – фарз қилинган насибадир”<sup>4</sup>. Нисо сурасининг 11-оятига кўра мерос тақсимоли қуйидагича ҳисобланади: “Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида васият этиб, бир ўғилга икки қиз насибасича беришни амр этади. Агар аёллар иккитадан кўп бўлсалар, уларга у (ота) қолдирганнинг учдан иккиси. Агар қиз битта бўлса, унга ярми”<sup>5</sup>. Ислом ҳуқуқи меросда қиз боланинг ҳақини ўғил ҳақининг ярми этиб белгилади. Бундан мурод тенгсизликни ўрнатиш эмас, балки жараёни ҳар тарафлама кўра билишдир. Масалан йигит киши ўз оиласининг моддий таъминотчиси бўлиб, у ўз зиммасида нафақат фарзандлари, балки аёлининг ҳам нафақасини кўтариб туради. Қизда эса ўз меросини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, унинг зиммасида на маҳр ва на нафақа бор. Ислом шариатида мана шу жиҳатларга эътибор бериб, мерос тақсимолида эркакларга имтиёз берилган.

Аёл киши ўз тасарруфидаги мулкни вақф тарзида ажратиши мумкин. Фатво китоблари, хусусан, Фахруддин Ўзгандийнинг “Фатавои Қозихон”

<sup>3</sup> Ўша манба. – 256-б.

<sup>4</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз / Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2019. – 471-б.

<sup>5</sup> Ўша манба. – 476-б.

асарида аёллар вақфининг баҳсли масалалари-гагина тўхталинган бўлиб, бу одатий ҳолатларда аёлларнинг ушбу ҳуқуқдан мосуво қилинмаган-ликларини билдиради. Хусусан, асарнинг “Вақф китоби” қисмида қуйидаги фатво келтирилади: “Аёл беморлигида ҳовлини уч қизига ва қолган қисмини камбағаллар учун вақф қилиб берса ва унда учта қиздан бошқа ворис бўлмаса, ҳовли қиз-ларга берилади ва улар бу ҳовлида нима хоҳласа-лар шуни қиладилар (Яъни мулкни ўзлари хоҳла-гандек тасарруф қиладилар – *Н.М.*). Бу Абу Юсуф-нинг сўзидир. Чунки унинг раъйига кўра, умумий вақф жоиз ҳисобланади. Бироқ Муҳаммад Шайбо-ний раҳимахуллоҳнинг фикрига кўра, жоиз бўл-майди. Фатво эса Муҳаммад раҳимахуллоҳнинг фикрига бўлади”<sup>6</sup>.

Шунингдек, “Бир аёл киши ўзининг бир парча ерини макбара қилиб, уни ўз қўлидан чиқарса ва у ерга фарзандини дафн қилса ва у жой сув қўп-лиги учун макбара қилишга салоҳиятсиз бўлса, фақиҳ Абу Жаъфар роҳимахуллоҳ айтадики, агар инсонлар ер мана шундайлиги учун ўликни дафн қилишдан бош тортсалар, ер макбарага айланмай-ди. Аёл киши эса ўша ерни сотиши жоиз бўлади. Агар сотса, сотиб олувчи у ердан майитни чиқа-риб, бошқа ерга олиши ёки бунга буюриши керак бўлади”,<sup>7</sup> – дейилади. Ушбу фатводан аёл киши ҳам вақф, ҳам олди-сотди шартномасининг субъ-екти бўлиши мумкинлигини англаймиз.

Асарнинг “Ҳиба китоби”да, “Бир аёл ўзининг уйини эрига ҳадя қилса, ваҳоланки аёл ҳам, унинг матолари ҳам унинг ичида бўлса ва эри ҳам ўша жойда хотини билан бирга турса, ушбу ҳадя ду-руст бўлаверади ва эр уни қабз (қабул) қилган ҳи-собланади. Чунки аёл ва унинг матолари эрнинг қўлида бўлади, демак ҳадяни топшириш ҳам ду-руст бўлади”,<sup>8</sup> – дея қайд этилган. Бу фатво аёл ки-шининг ҳиба, яъни ҳадя шартномасида ҳам ишти-рок этишига монъелик йўқлигини билдиради.

Шунингдек, аёл кишининг ишлаши, касб танлаши масаласи ҳам баъзи ўринларда баҳсли бўлиб, бунда аёлнинг қандай касб қилишига қара-лади. Аёлнинг ишлаши шаръий мезонлар асо-сида бўлиши талаб этилади. Агар аёл эри билан бирор касб қилса, хотинга тегишли фойда ўзиники ҳисобланади.

Ижтимоий ҳуқуқлардан яна бири – бу таъ-лим олиш ҳуқуқидир. Эркак ва аёлга исломда илм олиш фарз қилинди. Ҳадиси шарифда Анас рози-яллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар сол-лаллоҳу алайҳи васаллам: “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”, – дедилар” (Ибн Можа ривояти).

Ислом тарихини ўрганар эканмиз, эркак олим-лар билан бир қаторда аёл олималарнинг фаолия-тига ҳам гувоҳ бўламиз. Суриялик астроном оли-ма, устурлоб ихтиро қилган Марям Устурлобий, ҳуқуқшунос олима Фотима бинт Муҳаммад Са-марқандийя каби бир қанча олималар шулар жум-ласидандир.

Фаҳруддин Ўзгандий ўзининг “Фатавои Қо-зихон” асари “Эр-хотинлик ҳуқуқлари” фаслида қуйидагича фатвони беради: “Агар аёл киши эри-нинг рухсатисиз илм мажлисига чиқмоқчи бўлса, бу мумкин эмас. Агар у бирор масалага рўбарў бўлса ва унинг жавобини эридан сўраганида эри олим бўлиб, бу саволига жавоб берса, ёхуд билма-са, бирор олимдан сўраб берса ҳам аёл эрининг из-нисиз кўчага чиқмайди. Бироқ эр аёлни ҳар қандай савол сўрашдан ман қилса, аёл эрининг изнисиз чиқиши мумкин, сабаби, муҳтож бўлинган илмни ўрганиш муслим ва муслима учун фарз қилинган-дир ва бу ҳолат эрнинг ҳақидан устун қўйилади”<sup>9</sup>.

Ушбу фатвода асосий икки нарсани кўриш мумкин: биринчиси, исломда турмуш қурган аёл эрининг рухсати билан бирор жойга боради; ик-кинчиси, зарурий илмларни ўрганишда юқорида-ги каби ҳолат бўлса, аёл киши рухсатсиз илм маж-лисига бориш учун ташқарига чиқиши мумкин.

Шунингдек, инсоннинг эҳтиёжи тушадиган илмларни ўрганиш муслим ва муслимага фарздир.

Исломда аёлларнинг таълим олиши ҳар доим олқишланиб келинган, қолаверса, аёлнинг илм олиши ўз ўрнида жамиятга ижобий таъсир кўр-сатган. Ўтган даврлар мобайнида ислом оламида машҳур олималар етишиб чиқди. Улар орасида нафақат ислом илмлари, балки табиий, ижтимо-ий-гуманитар, аниқ фанлар каби фан соҳалари-нинг вакиллари мавжуд.

<sup>6</sup> Ўша манба. – 179-б.

<sup>7</sup> Бурҳониддин Маргиноний. Ҳидоя шарҳи бидоятил мубтадий. Муомалот қисми. 3-жилд. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2020. – 192-б.

<sup>8</sup> Қаранг: Фаҳруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. Фатавои Қозихон (Қозихон фатвоси). 3-жилд. – Ливан: “Дарул кутуб”, 2009.

<sup>9</sup> Фаҳруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. Фатавои Қозихон (Қозихон фатвоси). 1-жилд. – Ливан: “Дарул кутуб”, 2009. – 382-б.

**Сиёсий ҳуқуқлар.** Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари масаласи нафақат бугунги куннинг, балки ўтган даврларнинг ҳам асосий муаммоси ҳисобланган. Ислом ҳуқуқида ҳам аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари масаласи баҳсли саналади. Аёл кишининг давлат раҳбари бўлиши, унинг актив ва пассив сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиши, судьялик фаолиятини олиб бориши каби масалаларда олимлар турлича қарашларни илгари сурганлар.

